



Назрат

Навоиға

эҳтиром



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
“ИЖОД” ЖАМОАТ ФОНДИ

*Назрат*


*Навоийна*

*ахтиром*

*Шеърлар, дostonлар, мухаммаслар*



36 328



Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2016

УЎК 821.512.133

КБК 84(5Ў)

Ҳ 18

Масъул муҳаррир

Муҳаммад Али,

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

*Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар*

**Рустам Мусурмон, Гулбахор Ашурова**

**Ҳазрат Навоийга эҳтиром.** Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 308 б.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий асос солган тилда ижод қилаётган бугунги ўзбек шоирлари унинг бевосита меросхўрлари саналадилар. Буюк шоирнинг юксак бадиияти уммонидан баҳраманд бўлмаган қалам соҳибини топиш кийин. Шу боис бўлса керак, кўпчилик ижодкорлар ул улуг зот ижодидан таъсирланиб, унга бағишлаб шеър устозлар ёзиб, ғазалларига мухаммаслар боғлаб эҳтиром кўрсатишган.

Ушбу китоб ҳозирги замон адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз шоирлар, айни пайтда шеърятимизнинг бугунги фаол ва пешқадам вакиллари, шунингдек, ёш ижодкорларнинг ҳазрат Навоийга бағишланган шеър устозлари, мухаммасларидан таркиб топди.

УЎК 821.512.133

КБК 84(5Ў)

© Р. Мусурмон, Г. Ашурова.

© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2016

ISBN 978-9943-03-937-7

---

## ҲАЗРАТ НАВОИЙ ВА ИСТИҚЛОЛГА АРМУҒОН

Мустақиллик Ҳазрат Навоий ижодини теран ўрганиш ва тарғиб этиш, улуғ шоирнинг она тилимиз ривожини ва адабиётимизнинг жаҳон миқёсидаги обрўини юксалтиришдаги буюк хизматларини муносиб қадрлаш борасида улкан ишлар амалга ошириш имкониятини яратиб берди. 1991 йилда мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантанали нишонланди. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи барпо этилди ва боғ ўртасида шоирнинг нурли сиймоси акс этган салобатли ҳайкал қад ростлади. Сўнги йилларда шоирнинг 20 жилдлик мукамал асарлари, 10 жилдлик тўла асарлар тўплами (лотин ва кирилл алифболарида) нашр этилди. Она Ватанимизда Алишер Навоий бобомиз хотираси юксак даражада эъзозланди. Мамлакатимиздаги бир иншоот, шаҳар, олий ўқув юрти, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Адабиёт музейи, Тошкентдаги Катта академик опера балет театри, санъат саройи, метро бекати, шохкўчалар Алишер Навоий номи билан аталаётгани улуғ шоир ва мутафаккирга давлат миқёсида эҳтиром кўрсатилаётганининг юксак намунасидир.

Шу давр ичида Навоий ижодини ўрганиш, адабий меросининг жаҳон маданияти ва адабиёти ривожига туганган ўрни ҳамда халқаро обрў-эътиборини муносиб

эътироф этиш борасида эзгу ишлар амалга оширилди. Япония (2004), Москва (2002), Озарбайжонда (2008) Навоий бобомизга мухташам хайкаллар ўрнатилди, шунингдек, АҚШдаги Вашингтон конгресслар кутубхонаси ўкув залида (2007) ҳам Алишер Навоий хайкали турибди. Ўзбек адабиёти буюк намояндасининг бундай эъозланиши жаҳон ҳамжамиятининг Мустақил Ўзбекистонга юксак эҳтироми тимсолидир.

Ҳар йили 9 февраль – Алишер Навоий туғилган кунни тантанали нишонлаш юртимизда эзгу анъанага айланди.

1991 йил Она Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган ва Алишер Навоий ижоди ва шахсиятига илк бора давлат даражасида юксак эҳтиром кўрсатилган қутлуғ сана сифатида Мустақил Ўзбекистон тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилиб қолди. Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги билан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги бир йилга мос келиши тасодифий эмас. Мустақиллик ва Алишер Навоий номлари рамзий маънода мазмун моҳияти билан бир-бирига уйғун тушунчалар эканини ҳар биримиз теран англаймиз. Шунинг учун ҳар йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, улуғ бобомиз сиймосининг муборак нигоҳлари тушиб турган майдонда умумхалқ байрамларимиз – Наврўз ва Мустақиллик кунни тантаналари катта шодиёна билан юксак даражада нишонланиши анъана бўлган.

Бу йил Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш тарихида янги бир олтин саҳифа очилди. 9 февралда Ўзбекистон Миллий боғидан бошланган Навоий бобомиз таваллудининг 575 йиллигига бағишланган тантанали анжуманлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этди. Бу қутлуғ тадбирлар Ватанимиз сарҳадларидан ошиб, бутун дунёга таралди. Хусусан, Германиянинг Берлин шаҳрида Европада биринчи марта “Алишер Навоий ижодининг

жаҳон маданияти ривожигаги ўрни ва аҳамияти” мавзуида бўлиб ўтган халқаро анжуманда ўзбек адабиёти ва маданияти намояндалари билан бирга кўпгина хорижий мамлакатларда яшаб ижод қилаётган навоийшунос олимлар нигтирок этгани улуғ Алишер Навоийнинг бундан 575 йил бурун бошланган жаҳоншумул шон-шуҳратининг янада юксак кўтарилиб бораётганининг ёрқин исботидир.

Президентимизнинг 2016 йил 13 майда қабул қилинган “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони нур устига нур бўлди. Ушбу қутлуғ Фармондан келиб чиқадиган вазифалар навоийшунослар, ёзувчи-шоирлар зиммасига Навоий ижодини ўрганиш, уни тарғиб этиш бўйича янада улкан масъулият юклайди.

Ҳазрат Алишер Навоийни ўқиш, ўрганиш, унинг бебаҳо адабий меросини англашга интилиш дунё миқёсида давом этмоқда ва бундан кейин ҳам давом этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси шоир асарларини жаҳоннинг ўн тўрт тилига таржима қилиш лойиҳасини бошлаб юборди. Дастлабки китоб рус тилида “Сокровищница мыслей” номида байрам арафасида ўқувчилар қўлига бориб етди.

Алишер Навоийни булбулдек сайратган, сўзларни навога айлантирган она тилида ижод қилаётган бугунги ўзбек шоирлари унинг бевосита меросхўрлари саналадилар. “Хазойин-ул маоний”, “Хамса” каби юксак адабий ёдгорликлар яратилгандан буён буюк шоирнинг юксак баднияти уммонидан баҳраманд бўлмаган биронта қалам соҳибини топиш қийин. Шоирнинг ўзи:

Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўкутмиш ранж ила  
Лайламоқ бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила, –

деганидек, ул улуғ зотга бағишлаб шеър дostonлар ёзиб, гавалларига мухаммаслар боғлаб эҳтиром кўрсатиш ҳар бир ижодкор учун ҳам қарз, ҳам фарз.

“Ҳазрат Навоийга эҳтиром” номли ушбу китоб ҳозирги замон адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз шоирларнинг, айти пайтда шеърятимизнинг бугунги фаол ва пешқадам вакиллари, шунингдек, ёш ижодкорларнинг Алишер Навоийга бағишланган шеърۇ достонлари, мухаммасларидан таркиб топди.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси*

АЛИШЕР

Юксак тоғ оралаб ўқирган шернинг  
Наърасига тенгдир акси садоси.  
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда  
Буюк Алишернинг асрий нидоси.

Она сугидан ҳам азиз нарса йўқ,  
Бағир: форсий – сийна, арабчада – садр.  
Кўкрак сути билан боққан ўғлини  
Она юрт халқлари қилмоқдадир кадр.

Биринчи тамшанган сутнинг хурматин  
Бутун ҳаёт бўйи оқлай ололган,  
Теварак оламга, кўркин кўрсатиб,  
Ватан ва халқини йўқлай ололган;

Тирик одамларга насиба бўлган  
Ҳаётий фароғат, жаҳоний алам;  
Бириси озгина эркалаб ўтиб,  
Бириси бир умр таъкиб қилса ҳам;

Тўфон, қуюнларда яккаю ёлғиз,  
Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур,  
Темуршоҳ давлатин сўнгги чоғида  
Саркашу барҳаёт, бўйсунмас шуур –

Дарахшон юлдузлар сари ўқирган,  
Бўйнида занжиру қалби озод шер,  
Инсоний муҳаббат меҳри-ла вафо,  
Эрку бахт тимсоли улуғ Алишер.



Ҳирот тонготарин тасаввур килиб,  
Йигитлик умрингнинг камолин кўрдим.  
Қариган чоғларинг қаро шомида  
Хуросон ўлкасин заволии кўрдим.

Заволни билмаган порлоқ ижодинг  
Маърифат мулкида битмас хазина!  
Инсоний камолот катта йўлида  
Бир поя юксакроқ олтиндан зина.

Ўтмишдан беш юз йил тарихчи учун  
Синчиклаб қараса – куни кечадек.  
Яшовчан кишига эндиги минг йил  
Эртага қўлига кирган ўлжадек.

Беш юз йил ҳурматинг сақлаган ўзбек  
Кеча туғилдинг, деб килади фараз.  
Етук кишиларни яна минг йиллар  
Халқ фарзанд айтади, жондан – бефараз.

Ўзбек деб аталган озод улуснинг  
Отахон шоири, кадрли устод.  
Ошиқлар ғазалинг куйга солганда  
Маъшуклар дилининг хонаси обод.

Бирор шоҳбайтингни ёддош тутмаган  
Каттадир, кичикдир, бизда киши йўқ,  
Олтин балдоқдаги нифрит кўз каби  
Асаринг биз учун бўлди қорачуғ.

Улуғвор халқимиз тарихда машҳур,  
Гувоҳлик беролур бунга Геродот.  
Ўзбекни, тожикни қабила атаб,  
Бирор лорд қилолмас ўтмишни унут.

Шарқимиз чумоли уя эмасдир,  
Бирин – бировидан таниб бўлмаса,

Шўрлик бойбаччалар, толеингиз шўр,  
Афсуски, тарихдан тониб бўлмаса!..

Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,  
Талай жафоларни тортган эски Шарк –  
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,  
Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарк.

Алишер Муштарий юлдузи каби  
Ўзбек осмонида балкиган чоғи  
Яна бир муҳтарам ўғил кўргандай,  
Каттарок очилди олам кучоғи.

Электр барчанинг уйин ёритур  
Ва туз тотимида миллий фарқ йўқ.  
Маърифат инсоннинг шерик хислати,  
Ватани фазодир бўшаларкан ўқ.

Тирик Фарходларни танимақ бўлиб,  
Олий юртимизга қилсангиз сафар,  
Бу ерда ҳар битта тарошланган тош  
Юксак умидлардан беради хабар.

Мирзачўл саҳросин сугора олган  
Ширинсой қизлари тилакларида,  
Янги замонани йўргаклаб олиб,  
Сизга тақдим этар билакларида...

Меҳнатда қаҳрамон, жангларда ботир,  
Севмакда вафоли, дўстликда маҳкам –  
Алишер орзуси бўлган авлодмиз,  
Асримиз – кўркимиз, асримиз кўркам.

Юксак тоғ оралаб ўқирган шернинг  
Наърасига тенгдир акси садоси,  
Беш юз йил янгради тоғдай Ватанда  
Улуғ Алишернинг асрий нидоси.

Навой кадрили била олмади  
Ложувард кошинли, олтинланган каср.  
Асил ўғиллари давлат қуролган  
Яшасин истиқлол аталган бу аср!

## АЛИШЕР НАВОЙ ҚАБРИ УСТИДА

*(“Ҳирот” номли шеърлар туркумидан)*

Дилим равшанлигин хиссим йўлида офтоб айлаб,  
Мазоринг бошида таъзим ила турмакдадурмен  
сарҳисоб айлаб,  
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб,  
Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,  
Навой деб Мусаллога<sup>1</sup> келибмен интихоб айлаб.

Самарқанд, Андижон, Тошканду Урганжу Бухородан,  
Ўзинг нашъу намо топган шарафли-шонли маъводан,  
Сенинг орзуларинг рўёбга чиққан янги дунёдан,  
Туман Фарҳоду Ширин сув чиқарган бахтли саҳродан  
Ажаб гулдаста келтирдим, унга заррин таноб айлаб.

Китобинг кирмаган ўзбек элида хонадон йўқдир,  
Рубобий куйларинг ёд билмаган бир жонажон йўқдир,  
Етук авлодларингдир илму донишли, гумон йўқдир,  
Башар тарихини юз бор ўки, бундай замон йўқдир,  
Кўнгилларни ёритдик маърифатдан моҳитоб айлаб.

Ватан осмонида нурга тўла офтобни, юлдузни,  
Буюк иқболни ижод айлаган мингларча гул юзни,  
Қоронғи шоми йўқ доим мунаввар бахтли кундузни,  
Жамолини кўришга бир умрлар юммайин кўзни,  
“Навой ҳам ётар то рўзи маҳшар тарки хоб айлаб”.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Мусалло – Ҳиротдаги қадимий намозгоҳ, Навоийнинг қабри шу ернинг ғарбида.

<sup>2</sup> Бу сатр Навоийнинг ўзидан (Муаллиф эскартишлари).

## ТУН БИЛА ТОНГ

*(Навоний ғазалига мухаммас)*

Менинг қароғиму онинг жамоли тун била тонг,  
Менинг заволиму онинг камоли тун била тонг,  
Менинг куюк махим, онинг ҳилоли тун била тонг,  
Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Печук тушунтира олдим буни гумон элига,  
Ҳамниша ишқни қилгувчи имтиҳон элига,  
Ки бирни икки дейиб бўлмағай замон элига,  
Ғариб зулфу юз эрмасмуким, жаҳон элига  
Кўрунмамниш бу иккиннинг мисоли тун била тонг.

Қачонки зулмату нур ўринни олмашадур,  
Қора бошимдаги савдо дилимга тирмошадур,  
Қоним куярди таннимнинг алангаси ошадур,  
Тонгим ёруғу тунум тийрадурки, чирмашадур,  
Кўнгил аро юзу зулфунг хаёли тун била тонг.

Не шомда васли умиди, не тонгда нурли хабар,  
Не кечда райҳон исию не тонгда ғунчада зар,  
Не оқшомимда қадах бор, не тонгда бир соғар,  
Не тунда айш насими, не тонгда меҳр магар,  
Ки бўлди зулфу юзунг поймоли тун била тонг.

Дилнингнинг кўзгусидан бир умрга кетсин ғаш,  
Ичар чоғингда шаробинггадир ҳаёт аралаш,  
Кечанг чароғию кундуз куёшидек дилкаш,  
Тунинг ҳужуста, тонгинг кутлуғ ўлсун, эй маҳваш,  
Ки икки банда санга бўлди ҳоли тун била тонг.

Кимки қайғу қўлидан яқони кутқорди,  
Жаҳон ишини этак силкимақ-ла битқорди,

Қаронғу кеча юриб субҳидам томон борди,  
Биравки, тонгу тунин бода бирла ўткорди,  
Яқинки, бўлмағай онинг малоли тун била тонг.

Қилолмадим каро тун, нурли тонг заволин кашф,  
Нафас-нафас ўтаётган умрнинг уволин кашф,  
Сиёҳ ҳаққи бу Мирзо, қоғоз жамолин кашф,  
Навий этмади зулфу юзунг висолин кашф,  
Валек эрур ғамининг иттисоли тун била тонг.



### ҲАЙКАЛ ОЛДИДА

Куйлаганди беш аср бурун  
Халқни, ҳақни, ишқни бу инсон.  
Юраги ҳам эркин, ёруғ кун –  
Дарди билан тепарди ҳар он.

Улуғ Ватан кўксида шоир  
Бугун қаддин кўтарди баланд:  
Абадий тош либосидадир,  
Қўлда китоб, кўзлари ўйчан.

– Ассалом, Навоий! – дейди ёш авлод,  
Олқишлайди халқни бахтиёр.  
– Шоир, арзир қилсанг ифтихор,  
Сўзинг янграр, кўнгилларда ёд.

Сен юксалдинг улуғ замонда,  
Руставели, Низомий, Пушкин,  
Шевченколар тирик Ватанда,  
Қара, ҳаёт қандай шод, эркин...

...Кел, Навоий, халқ билан бирга  
Гимн айтайлик шу Ватанга биз:  
“Умринг, нуринг минглаб асрга  
Етсин, Ватан – мангу фахримиз!”

ЎРТОҚ НАВОИЙ

*Баллада*

Ҳирот калъасида кўп қадим кўрғон,  
Асрлар йиқитмай, мужассам турган.  
Яна айш-ишратда Темурийзода,  
Сархуш каллаларга амр айлар бода.  
Яна мастдир Султон Ҳусайн Бойқаро,  
Кеча кўп қоронғу, ҳатто ой каро.  
У ҳам зуваласи нозик шоирдир,  
Ғазаллар тўқишда анча мохирдир.  
Афғонлик, эронлик қуллар пайдар-пай  
Кумуш қадахларда ташир эди май.  
Дуторнинг, чангларнинг, уднинг садоси,  
Осмонга чиқарди ҳофиз нидоси.  
Олтин тахтгоҳида ўлтирмиш султон,  
Елпиғич елпийди охуйи Хўтон.  
Кўп дилкаш рақс айлар ҳинду қизлари,  
Тизилар Урганчнинг инжу қизлари:  
Султоннинг етса ҳам ёши анчага,  
Жазманлик билдирар ҳар бир ғунчага.  
Сатанглар лабида учар жилвали –  
Амир Алишернинг сўнгги ғазали:  
“Кўнгулнинг хонумонин берди барбод,  
Ғами ишқингки, хонумони обод,  
Мени ёд айламак нечук унутдинг,  
Унутиб нетти гоҳи айласанг ёд?

.....

Сенга сайд бўлгали урэн бўлибман,  
Қачон юлди тириклай кушни сайёд?  
Кўнгул жинси башардин асраб охир –  
Мени девона қилди бир паризод.  
Навой, ёр фарёдингга етмас,  
Анинг фориглигини айла фарёд!”  
Не хуш дебди ул ғамли дардиманд,  
Ғамгинлар дилига ғам қилар пайванд,  
Лекин зиёфатда кўринмас шоир,  
Султон буюради: “Топилсин ҳозир!”

.....  
Ҳирот қалъасида эски кошона,  
Акс-садо берар тунда паймона.  
Оғир уйкуларга толгандир Ҳери<sup>1</sup>,  
Гўёки чарчабди азалдан бери.

Ҳерининг энг танҳо бир гўшасида,  
Боғларга элтувчи тор кўчасида  
Пойтахтнинг хилватгоҳ маҳалласи бор,  
Унда шинам уйнинг дарвозаси бор.  
Боқчаси ям-яшил, девори сориг,  
Болохонасида доимо ёруғ.  
Бу ерда каламни юргузар шоир,  
Дунёни, оламни ҳам кезар шоир.  
Самарқанд, Исфихон ва Румни кезар;  
Арманни, Ширвонни, Кримни кезар.  
Файласуф шоирдир, хикматпараст у,  
Унга ёр Афлотун, Лукмон, Арасту.  
Ўзишар Навоий устози ила,  
Хисрав-ла, Ҳофизи Шерозий ила.  
Ипак варақларда не-не умрлар  
Ўлган қахрамонлар яна тирилар.  
Отланиб лашкарин бошлар Искандар,

---

<sup>1</sup> Ҳери – Ҳиротнинг қадимги номи.



Золим подшоҳлар қочар дарбадар.  
Қувончлар мухлиси – шоирлар шоҳи,  
Аммо кўп мунглидир Лайлининг охи,  
Қафасда ўртанар вафоли кумри,  
Мажнуннинг саҳрода ўтмоқда умри.  
Ишқининг ҳеч қайтмас мардидир Фарҳод,  
Эвоҳ, унинг ҳам насиби бўлмишди фарёд.  
Бу ғамгин мусибат уни тифлайди,  
Шоирнинг ўзи ҳам бунга йиғлайди,  
Нега ранглар ичра кўпдир қаро ранг?  
Нега бу дунёда келишмас оҳанг?  
Буни на замона ечди, на мози,  
Кўп узоқ чўзилди тақдирнинг нози.  
На Сино ҳал қилди, на Арастуси,  
Бунга жавоб берар буюк келгуси.  
Навоий ўйлайди бош солиб куйи,  
Қулоқда жаранглар иқболнинг куйи.  
Ёзаркан “Хамса”нинг энг сўлим бобин,  
Одамзод зеҳнининг гўзал китобин –  
Эшиқда тақиллар ясовул кўли,  
Нечук фармон билан келган шоҳ кули?  
Дарахтлар уйғонган, яшнаган кўклам,  
Қофил дурларин тизмоқда қалам.  
– “Хайр эртагача, биродар Фарҳод!  
Баҳлул, буюринг эгарлансин от!”

\* \* \*

Эҳтиром ичида адиб кутилар,  
Биринчи шоирга гуллар тутилар.  
Вазирлар кўзида совуқ ғайирлик,  
Ясама кулгилар эмас хайрлик.  
Кийимлар зардўзи, руҳлар ёввойи,  
Кўп яхши билади буни Навоий.  
Султон буюради: “Қани, эй шоир,  
Шеърнинг амири, ўқинг битта шеър!..”

Навойй чертади бармоқларини,  
Созлайди танбурнинг кулоқларини.  
Йиғлар ва йиғлатар тор пардасини,  
Айтиб инсон дардин энг каттасини:  
“Май ичингким, даҳр эли ичра кўп истаб  
топмадик,  
Ахду паймонида бўлган устувор, эй  
дўстлар!  
Ёрингиз васлин ғанимат англабон шукр  
айлангиз,  
Ким Навойй бўлди бекасликда зор,  
эй дўстлар!”

Кўп нозик илинар ғазалнинг тиғи,  
Асира дилбарлар бошлайди йиғи.  
Оҳ, яна эсига “Хамса”си тушди,  
Навойй хаёли Арманга учди.  
Ижозат истайди сархуш султондан,  
Шеърга майл кўйган соҳибқирондан,  
Чунки уни кутар уйида мисра!  
Лайлиси, Ширини, Искандар, Хисрав.  
Навойй кўлида сўнгги май жоми,  
Уни чақиради Фирдавсий, Жомий...  
Махрамлар таъзим-ла кузатар уни,  
Машъаллар ёритган шоир йўлини.  
Инсоннинг инсонлик шаънига доир –  
Ҳаётнинг бевафо нозига доир  
Бир байтни тўқийди шу пайти шоир:  
“Тут гадолиғни Навойй муғтанам,  
Шоҳлар олида бош индурма кўп!”

Сен тинмай юз минглаб байтлар битгансан,  
Адолат ахтариб ўтиб кетгансан.  
Сен ҳусни ошиқи, қанча ҳам лирик,  
Ишонгил, шу кунда бўлсайдинг тирик...

Афсуски, беш аср ажратди бизни,  
Лекин сўндиролмас шамол юлдузни.  
Бошингда сақлардинг ақл нуқрасин,  
Даҳонг ёриб ўтди асринг маррасин.  
Эй ўртоқ Навоий, зўрсан, йириксан,  
Кўп тирик шоирдан букун тириксан.  
Сен ўзбек халқининг ўлмас виждони.

## ФАРҲОДГА ХАТ

Салом, Фарҳод, ошиқларнинг сийначок пири,  
Ноланг ўти диллар ёқди азалдан бери.  
“Севги” сўзин тўқиб берган тилчи ўзингсан,  
Мусибатнинг диёридан элчи ўзингсан.  
Пешталқин<sup>1</sup> бир ҳофиз эдинг севги боғида,  
Дарвишларинг “Ёндим дилбар!” деган чоғида.  
Модомики йиллар қўймас, олдингга борай,  
Асрларни тескарилаб нома юборай.  
Ўтганмисан бу дунёдан, ё бу афсона,  
Ёки номинг арманларга бўлмиш баҳона?  
Бахши сени куйлаб берди соз пардасида –  
Йиғлар экан тутқин Ширин ўз ўрдасида.  
Алишерни танирмидинг, яратиб дoston,  
Борлигинга ишонтирди бизларни ростдан.  
Қофиясиз узилганди севги мисраи,  
Ёш умрингни нобуд этди замон Хисрави.  
Бўлса ҳамки елкаларинг базўр, муносиб,  
Тоқ кишига тоғ кўтармоқ бўлмайди насиб.  
Авлодларинг тоғни талқон қилолди бу кун,  
Эл зехни-ла ечилади ҳар қандай тугун.  
Хафа бўлма, энди сенинг афсонанг тамом,  
Бу шаҳарга Фарҳодобод бўлғусидир ном.  
Сенинг тогинг Ширинсойга сувлар қуяжак,

<sup>1</sup> Пешталқин – қўшиқни бошлаб берувчи.

Юртинг иурга чулғонажак, сингиб тўяжак.  
Кекса Сирнинг камарини бўғиб белидан,  
Куч ва кудрат олғусимиз унинг селидан.  
Ўтти сувга, сувни ўтга душман дебдилар,  
Энди қара: нккаласи ҳамкор – биродар.  
Сувдан ўтли куч туғилар симларда кезиб,  
Ўт кудрати дастгоҳларни туртиб юргизиб,  
Ўт кудрати ёв бошига олов сочгуси,  
Сув кудрати ёв тўғонни ёриб очгуси.  
Қаердасан, кўзғалиб кел, қадимги Фарход,  
Бахт йўлини тўсувчилар бўлмоқда барбод.  
Ана шунда Ширин сойи, Ширин дашти бор,  
Баҳор чоғи бу ерларнинг бўлак гашти бор,  
У азалий маъшуқангни – Ширинни топгин,  
Улуғ меҳнат қўшинида ерингни топгин.  
Бахт ва эркнинг овчилари – биз камарбаста,  
Кел, қўяйлик Ширин қабри узра гулдаста.



НАВОИЙ

Узун тунлар бедор ва танҳо,  
Ўтираман тикиб кўзимни.  
У келади ярқирок сиймо,  
Унутаман бир дам ўзимни.

– Сиз ўшами, кслинг, марҳабо!  
– Мен ўшаман, лол бўлма, бўтам.  
– Кўз тутганман, мухтарам бобо,  
Кўз тутганман, азизим – отам.

– Мен ўлганман, унутдингми ё?  
– Ўлмагансиз, ўлмайсиз ҳали!  
Сиймосида барқ урди зиё:  
– Балли, саҳар суҳбат маҳали...

Кўз олдимда нуроний сиймо,  
У забардаст қаламқаш инсон.  
Дафтаримга қилади имо,  
Ғазалимни ўқидим ҳайрон.

– Балли, – деди, – андак ҳавас бор.  
Ҳикмат деган ғазалга хусн,  
Чидам даркор, вазминлик даркор,  
Куйлагани эрлар туйғусин.

Умринг ёруғ, Ватанинг ужмоҳ,  
Мендан сўра, мен ёниб ўтдим.

Англамади замона, эвоҳ,  
Беш асрким, шу кунни кутдим.

Бешигим у кадимий қалъа,  
Балки оғам у Баҳром сардор,  
Балки онам нозанин Лайло,  
Балки синглим Ширин нолакор.

Балки юртим у зангин дара,  
Балки дўстим Фарҳод паҳлавон.  
Аммо, асрнинг баланд юз карра,  
Ҳар пояда бир улуғ дoston.

Искандардан ўтик ва аъло,  
Муз тоғида у тўрт қахрамон.  
Шириндан ҳам кўзлари шахло  
Қизлар кўрдим, фаҳри бир жаҳон.

Тилсимларни очур бегумон,  
Полвонлари эртақдан баланд.  
Қуёшларки, қочади туман,  
Замоналар кутган, жон фарзанд.

Кўкни олу Ватанинг азми,  
Хазионалар очур тоғлардан.  
Афсонадаи баланд ҳар базми,  
Кўшиқ учар чаман боғлардан.

Озод элнинг армони борми?  
Мен у чоқда ёш тўқдим талай,  
Бугун боқиб кўзим тўярми?  
Ҳар ким ҳам дер: шоиринг бўлай...

Шоир кетди... Кўз узмай қолдим,  
Кетди буюк у аламдийда.  
Чўчиб турдим, бир назар солдим,  
“Хамса” турар бошим тагида.

Кўк ғуборсиз, юксакда куёш,  
Лайло янглиғ вафодор ва ёш.  
Достон ила ухлаб қолибман,  
Тушларда ҳам шоир суҳбатдош.



НАВОИЙГА

Сен армонсан, чўлга битган бахт бўлиб,  
Сояли, мевали бир дарахт бўлиб.  
Замонлар шамоли чайкаган сайин,  
Жамолинг қулф урган зарварақ бўлиб.

Етти иқлим гузарида бир гумбаз,  
Даврлар офатидан йирок бўлиб  
Турар у. Ўтади манман подшолар  
Дунёдан, яхши-ёмон кўноқ бўлиб.

Сен ёритдинг гўзалликнинг оламин,  
Қоронғида ёнган шамчиноқ бўлиб.  
Дийдорингга мафтун авлодлар кўнгли,  
Йўлингизга жонлар пой – япроқ бўлиб.

Мен ҳам сочай сизга сахро гулларин,  
Навоийни севган қорақалпоқ бўлиб.  
Ибройим дер: улуғ руҳинг олдида  
Бош эгаман шогирдинг Бердақ бўлиб.



## ЎЗБЕК НАВОЙНИ ҲҚИМАЙ ҚҲЙСА...

Ўзбек Навоийни ҳқимай қўйса,  
Олтин бошнинг калла бўлгани шудир.  
Бедил қолиб, Демьян Беднийни суйса,  
Қора сочининг малла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ҳқимай қўйса,  
Дод демокқа палла бўлгани шудир.  
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,  
Аза чоғи ялла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ҳқимай қўйса,  
Алдангани, алла бўлгани шудир.  
Юлғич азиз бўлиб, билгич хор бўлса,  
Пайтаванинг салла бўлгани шудир.

Эл комил бўлмаса, юрт эмас улуғ,  
Бсқадр маҳалла бўлгани шудир.  
Қалб тўла нур халқнинг ризки ҳам тўлуғ,  
Омбор тўла ғалла бўлгани шудир.

Ўзбек ўзлигини англаса бекам,  
Унинг “Баракалла” бўлгани шудир.  
Оламда Навоий наслиман деган  
Овози баралла бўлгани шудир.

---



Абдулла Оринов

**АЛИШЕР**

Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,  
Барига онасан, эй кодир ҳаёт.  
Беш юз йил наридан боқиб турибди,  
Нурли бу юзларга нуроний бир зот.

Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан,  
Халқим таъзим этсанг арзигай тамом.  
Унинг номи билан бирга битилган  
Дунё дафтарига ўзбек деган ном.

Бойқаро ирғишлаб истак отида  
Жаҳонга бокқанда мисли бола шер,  
Ҳирот дарвозасин бир қанотида  
Шеърый лашкарини тизган Алишер.

Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун  
Юрт бузиш шарт эмас деган гапку рост.  
Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин,  
Алишер қаламни кўрсатди холос.

Тун билан тонг эрур ташбеҳда удум,  
Мисоли захру май, ҳажру шакар лаб.  
Кимнидир куёшдай эласа мардум,  
Кимнидир зулматда юрарлар қаргаб.

Нидо тингла бу кун юртинг тарафда,  
Эй йироқ Ҳиротда маскан топган эр!

Огоҳ бўл! Алишер сен ушбу гапдан:  
Ҳар икки набиранг бири – Алишер.

Байтингга бир бора қовушган ҳар лаб,  
Такрорлаб кетгуси машҳаргача то.  
Қаратиб турибсан бу ён не ажаб,  
Миллиард мартабали жаҳонни ҳатто.

Бировлар наздида жоҳил Осиё,  
Фақат завол кўриб, кўрмаган камол.  
Мусо илтижоси етди-ю, гўё,  
Ҳақ Тур тоғи узра кўргазди жамол.

Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...  
Шодмон қасида айт сен ҳам, эй қуёш!  
Беш юз йил унга нима гап, ахир,  
Мингга кадам қўйди йигирма беш ёш.

### АЛИШЕРНИНГ ОНАСИ

Билмам қандай аёл бўлган,  
Алишернинг онаси.  
Балки унинг ақлига ҳам  
Лол қолган замонаси.  
Балки унинг кўзларида  
Бўлган оғир бир хаёл.  
Балки ғамгин бир зотдир у,  
Балки шўхчан бир аёл.  
Балки буюк фарзандига  
Тутиб келган чечаклар.  
Балки тунлар унга бедор  
Айтиб берар эртақлар.  
Майлига у ким бўлмасин,  
Ёлғиз бир сўз маъноси:  
Алишернинг онаси у,  
Навоийнинг онаси.

## НАВОИЙ КЎЧАСИ

Одамларга ўхшар кўчалар ҳам гоҳ,  
Номи бор, тақдири, шон-шуҳрати бор.  
Бири Ўрдагоҳдир, бири саждагоҳ,  
Бирида миллатнинг кадри барқарор.

Навоий кўчаси – Тошкентим фахри,  
Илму фан шаҳрининг пок сийнасидир.  
Бу кўча чўнг тарих, маърифат наҳри,  
Ўзбек зиёлисин ойинасидир.

Навкирон йилларим ўтган ушбу ер,  
Ёддан чиқармиди бетакрор онлар.  
Юрган бу йўлларда Ойбек, Миртемир,  
Олим Хўжаевлар, Шукур Бурҳонлар...

Ҳар бири Ватанга суюкли сиймо,  
Ўчмагай улардан қолган из, қадам.  
Сафларда Алишер бўлса ҳам пешво,  
Лекин тап тортмасди Маждиддинлар ҳам.

Афсус қанча зотлар ҳасратда ўтди,  
Чалди оёғидан ёвузлик қаттол.  
Юртим ҳурриятнинг муждасин кутди,  
Меъморини кутган шаҳарлар мисол.

Биз бу кун етишдик хур замонага,  
Бу манзил гавжумдир кеча-кундузи.  
Боқаман, мухташам кутубхонага  
Ташриф буюргаидек Навоий ўзи.

\* \* \*

Абадият билан қай сўз эгизак,  
Балки яхши орзу, яхши ниятдир?  
Мангулик англонар Навоий десак,  
Навоийнинг ўзи Абадиятдир.

## ЖУНУН МАНЪИНИ МАНГА ҚИЛАСИЗ

*(Навоий газалига мухаммас)*

Ҳузури ишқ Сизга-ю, тавқини кимга иласиз,  
Маломат ханжари бирла доим юракни тиласиз,  
Нечук ғам устига ғамдур, аҳли ғанимим ила Сиз,  
Жамоатски, жунун манъини манга қиласиз,  
Тош отибон не учун телбаларга қотиласиз.

Ғарибман, васл учун дилни гадоингиз қилдим,  
Йигитлик умрими ишққа фидоингиз қилдим.  
Агарчи кўрмадим меҳре, дуоингиз қилдим,  
Кечинг, кўнгил била жонким, видоъингиз қилдим,  
Фирок агар будурур, эрта кунни кеч қиласиз.

Буюк дард етди Мажнунға, оломон, йиғланг,  
Кетур армонда кўнгул, ман нотавон йиғланг,  
Тўкилсин ашқ каби юлдуз, осмон йиғланг,  
Фирок кунидир, эй кўзлар, эмди қон йиғланг,  
Билурми сизки, бу кун не кишидин айриласиз.

Танимни бўйла зах айлағон қон бири, бири ашқ,  
Не эрди билмам, аё жононки, ғалат сири ашқ,  
Мени килурки ғариқи дарё, нетай охири ашқ,  
Кўзим ҳақини бихил қилдим, эй жавоҳири ашқ,  
Ки бори ҳам онгинг-ўқ макдамига сочиласиз.

Бағирға найзаму доғи яна захм битмай,  
Кўнгул, дард устина дард, аввалғи дард кетмай,  
Йикилғум охири бу йўлда эмди сабр етмай,  
Фирок нешлари, ваҳки яна раҳм этмай,  
Нафас-нафас нега мажруҳ ичимга санчиласиз.

Неча ишқ куфрини қилдим, Аллоҳ, нетуб яшурай,  
Жунун хайронлари, дардни, оҳ, нетуб яширай,  
Ғалат девоналигим тутса гоҳ, нетуб яширай,  
Кўнгил фасоналари, Сизни, воҳ нетуб яшурай,  
Бу навъиким, юз уза қон ёш ила ёзиласиз.

Келубдур оғзима жоним, қилурман ишқим зикр,  
Нетайким; васл эрди орзу, вале дилдордин макр,  
Нетени, Абдулла хайрондир, аё пир, айланг фикр,  
Навоний ҳажрға қолди, қилинг висолда шукр,  
Жамоатеки, севар ёрингиз била биласиз.



НАВОИЙДАН ҚАДАМЖО ДЕБ...

*(“Сафар дафтари” туркумидан)*

Кезиб Махшадни, мактаб мадраса,  
балки илмгоҳ деб,  
Неча маъвога бош урдим,  
Навоийдан қадамжо деб...

Шу ерда олди у таҳсил,  
шу ерда битди илк дсвон,  
Шу ерда англади ишқ аҳлини,  
Мажнуну Лайло деб.

Вафо аҳлини кашф этди,  
жунун водийсига етди,  
Шу ерда куйлади илк бор,  
кўнгилни Каъбатуллоҳ деб.

Хаёлда юз очиб гулёр,  
кўнгилда эрди бир дилдор,  
Агарчи кечди умри  
бир париваш, маҳди улё деб.

Кўнгилдан учган охи гар,  
фалакни ўртади чандон,  
Назар аҳлига борди,  
қўллагин, эй, пири доно дсб.

Ўзи ҳам бўлди, беҳамто,  
жаҳоннинг сирридан огоҳ,

Ҳақиқатдин сафо келгай,  
маърифатдин тасалло деб.

Яратди шеъру дoston,  
ибрат айлаб одамийликка,  
Мукаррамдир, азиздир одамий,  
оламда танҳо деб.

Навоийнинг қуёш эрди  
Худодан сўргани доим,  
Жамол ҳам ой жамолин истагай,  
ҳар лаҳза Аллоҳ деб...

## ТОКИО ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОИЙГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛГАНИ ҲИКОЯТИ

Иксада-сан – Япония  
тупроғида донишманд,  
Бир японки, бунақасин  
ҳали дунё кўрмаган,  
У мукамал эгаллаган,  
ўқиб дунё илмини,  
кейин унга пайванд этган  
азиз укбо илмини.  
Осмон ила, замин ила  
сухбат курган аллома,  
Тойнбининг панжасига<sup>1</sup>  
панжа урган аллома.  
Неча милён мухлисларга  
таълим берган уламо,  
Неча милён муридларга  
ўзи яна муктадо...  
Хуллас, бир кун ўша машхур

<sup>1</sup> Тойнби – йигирманчи асрда яшаган машхур англиз файласуфи.



Икеада-сан номидан  
Ўзбекистон элчисига  
сим қоқишди дафъатан.  
Ки, марҳабо, хурматимиз  
баланд Ўзбекистонга,  
Фалон куни чакирамиз  
уйимизга меҳмонга.  
Даъват этдик элчихона  
ходимлари барчасин,  
Ҳамма келсин, аҳли аёл,  
бола-чақа қолмасин...

Бу таклифга кўзлар қувнаб,  
юзлар яна ёришди,  
Жам бўлишиб, Икеада-сан  
хузурига боришди.  
Кутиб олди чаманзори,  
оролида донишманд,  
Меҳмонларни қувонч ила,  
даста-даста гул билан.  
Катталарни яркираган  
пешайвонга элтишди,  
Болаларни ўйингоҳда,  
ўйинга банд этишди.  
Икеада-сан халқимизни  
пайғом ила қутлади,  
Мустақиллик куни – буюк,  
айём ила қутлади.  
Деди: улуғ бобонгиздир  
Амир Темур кўрагон,  
Жанглар қилиб, инсонларга  
тинчлик этган арғумон.  
Сохибқирон замонида  
бўстон эди Самарқанд,  
“Маснавий”ни ўқиб, гарчи  
бор дунёни унутдим,

Бир рубоий фазосида  
Навоийни кашф этдим.  
У рубоий сизга маълум,  
“Умри азиз” аталгай,  
“Сени жондан севарман”  
севги изҳор этилгай.  
Бир севгики, талқинига  
чегара йўқ, адо йўқ,  
Бу дунёда Навоийнинг  
навосидек наво йўқ.  
Сиз бахтлисиз, яшаб улуг  
алломалар элида,  
Ҳар сония гаплашасиз  
Навоийнинг тилида.  
Юрагимда туйдим унинг  
муҳаббати машъалин,  
Кошки япон тупроғида  
қўйсак эди ҳайкалин...  
Шунда Сока илмгоҳи  
ректорига келди гал,  
Деди: устоз, хоҳишингиз  
бажарилур мукамал...  
Шу бўлдию, ваъдасини  
ўша жўмард ростлади,  
Токиода хиёбонда  
Навоий қад ростлади.  
Юзларида, кўзларида  
Ўзбекистон сеҳри бор,  
Шуни ўйлаб, юрагимда  
тошар меҳру ифтихор.  
Бахтлиманки, айтилгандек,  
яшаб ўзбек элида,  
Мен ҳар куни гаплашаман  
Навоийнинг тилида...

## САРВИ ГУЛРҶ КЕЛМАДИ

*Навоний газалига мухаммас*

Хаста дил эрдим, дсвона, ох, у дилжӯ келмади,  
Ул чамандин ғойибона ёки хуш бў келмади,  
Ёди бирлан ёна-ёна тилга бир “ҳў” келмади,  
Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрӯ келмади,  
Кӯзларимға кеча тонг отгунча уйқу келмади.

Аҳли ишқнинг толеиму не жафо еткурса ёр,  
Наки танда бор мадору наки дилда бир қарор,  
Гоҳ турармен ўлтириб, дунё бўлиб кўзимға тор,  
Лаҳза-лаҳза чиктиму чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимға-ю ул шўхи бадхў келмади.

Гоҳ нурафшон, тийра гоҳи, бир муаммодир ҳаёт,  
Неча бор шарҳ айлабон, қолсам не тонг минг

бора мот,

Эмдиким не наф, ўзинг гар ерға ур, осмонга от,  
Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,  
Рӯзғоримдек ҳам, ўлғонда қоронғу келмади.

Ул ситамкор сабридинким сўзладим хор, хокисор,  
Ул жафокор жабридинким бўзладим мен зор-зор,  
Не ажаб дил қонмаса, ортиқ ўзимдан этмай ор,  
Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким анга кўрганда кулғу келмади.

Забфарон эрсам вале сўлмам, ки сўлдурманг мени,  
Бўлдиму конимға ташна, қайта бўлдурманг мени,  
Мен-ку ундан олмағум кўз, зинҳор олдурманг мени!  
Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,  
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

С'евгига Тур тоғи бир ён, бир тараф чохи адам,  
Олмашиб тургай наво, ҳар бир навода зеру бам,  
Ваҳ, унга ҳасрат – оно, ғурбат – ото, сингил – ситам,  
Ғолиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам  
Ўўлғаким, аввал қадам маъшуқи ўтрў келмади.

Ул гули хумро келур, фармониға сунғил бўйин,  
Эй Али, дард созин ол, чалғил ғирифторлик куйин,  
Гар келурман дебди ёр, бас, сен шукур қилғил, суйин,  
Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглинг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади...



## АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

*Навоий газалига мухаммас*

Чарх авзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас,  
Котибу давру рақам аввалгиларга ўхшамас,  
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас,  
Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас,  
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.

Не учар юлдузлар ўтди чалғитиб элни жуда,  
Неча авлод йўлию уммидин айлаб беҳуда,  
Давр мезони билан тортай бу кун ўзимни-да,  
Не ситамким қилса раҳм махфий эрди зимнида,  
Эмди қилса не ситам аввалгиларга ўхшамас.

Бул жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир хужратким,  
Воҳ, қуёш савдосиға шамлар нечук бўлди ҳаким,  
Ишқ бу – ўз умрим, анга нечун қасамлар ичмаким,  
Демангиз Ширину Лайли онча бор ишқ ичраким,  
Хўбликда ул санам аввалгиларга ўхшамас.

Қай кишиким бир улуғ ишга этибди жон нисор,  
Шиддати пасту баланд келганда ҳам бўлмайди ор,  
Эй фалак, ҳеч кимни этма бесамар йўлларда хор,  
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,  
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларга ўхшамас.

Она Шарқ тожин киюр! Зулматда ушлатманг мени,  
Бодайн ҳақ мастиман, ёлғонга уйғатманг мени,  
Ўз хаёлимга қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,  
Ишқ аро Фарход ила Мажнунга ўхшатманг мени,  
Ким бу расвойи дажам аввалгиларга ўхшамас.

Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,  
Айланур ойина бу, ҳеч битта иш топмас пана,  
Нафс ишига боғлидур рух ишларин узган тана,  
Кўйининг эҳромидан кўнглимчи манъ этманг яна,  
Ким анга азми ҳарам аввалгиларга ўхшамас.

Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,  
Ўз замонин рост этар қавми марддир асли ким,  
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ Омонлар касбиким,  
Эй, Навоий, қилма Жамшиду Фаридун васфиким,  
Шоҳ Ғозийга қарам аввалгиларга ўхшамас.



---

Анвар Обиджон

### МЕТРО САЙЛИ

Меҳмонларга тушунтирар Тўлан тиллатиш:  
– Эндигиси “Пахтакор” дир,  
Ўшлик акалар.  
“Пахтакор” бу – “Ўзбекистон йўли” га ўтиш,  
“Ўзбекистон йўли” эса...  
“Навой” дан тарқалар!

### ҚЎЛ ЕТМАС ОРЗУ

*(Ҳазил)*

Навойга ўхшаш-чун  
Патдан қалам йўндирдим.  
Чопон кийдим сал узун,  
Бошга салла кўндирдим.  
  
Сотиб олдим бир жуфт шам,  
Вазирбоп пар ёстикча...  
Энди фақат талант кам  
Ва хотиним ортикча.

---

Хуршид Даврон

## БЕШ АСР – БЕШ ЛАҲЗА

*“Хамса”нинг 500 йиллигига*

Беш аср – беш лаҳза мангулик учун,  
Дахо сўзи вақтга қилмас эътибор.  
Ўлимдан олар у ҳаётнинг ўчин,  
Балою казолар унга қилмас қор.

Гар ўзбек умримни қандай яшадим,  
Деб кечган йўлига назар ташласа,  
Қуёшлар макони Асқартоғдайин  
Уфкни тўсганча юксалар “Хамса”.

“Хамса” – бу, Навоий панжаси эрур,  
Халқини зулматдан тўсиб тургувчи,  
“Хамса” бу Навоий кўзидаги нур,  
Чўғлари дилларга тушиб тургувчи.

У – Навоий кўкси, халқини хундор  
Қора қисматлардан тўсгувчи қалқон,  
“Хамса” сўзларида телба олов бор,  
Ўқисанг, кўксингда томчилайди қон.

Беш аср, ўн аср – мезон эмас, Вақт,  
Мезон тирикликдир,  
Мезон – шу ҳаёт.  
Бу қадим сўзлардан қўрққан ёғийлар,  
Токи тирик экан, “Хамса” барҳаёт.

Ҳамон кўзларимни тиксам қоғозга,  
Занжирни узар-да озод бўлар шер.



Менинг ҳайратимга ҳайрат кўшади  
Навоий қалбидан қалқиб чиққан шеър.

Ҳамон ҳаяжонга тўла тунлари  
Аччиқ изтиробга беролмасдан дош,  
Ўт каби куйдириб ўтар юзимни  
Навоий кўзидан қалқиб чиққан ёш.

“Хамса” – бу, бамисли биз тушган кема,  
Олидан олисга бормоқда сузиб,  
У– кўшин, Навоий келажак дея  
Бормоқда сўзлардан беш черик тузиб.

Бугун Навоийнинг меҳрга тўла  
Кафти бўлиб силар бошимизни у,  
Шу сабаб олдинга юрмоққа далда  
Берар у – кўзларни чулғаса қайғу.

Шу сабаб сўзфуруш, юртфурушларга  
Қарши одил жангга ҳаёт чорласа,  
Тап тортмай чиққан чоқ жанггоҳларга биз,  
Ортда кўшиндайин юксалар “Хамса”.

Қаршимда кўраман ёдгорларни ман,  
Кўраман макрли ёсуманларни,  
Токи сен борсан-ки, “Хамса”, енгаман,  
Енгаман жанг чоғи мен душманларни.

Жанг-ла чекинмоқ ёт!  
Жангга киргин шеър!  
Бу жангга ғолиб бўл, ё бўлгин қурбон.  
Ахир, тингла, ордан эшитилмоқда,  
Навоий нафаси-толғин, паришон.

Сен ортга қайрилиб қарама токи,  
Сени қийнамасин бобонгнинг кўзи.  
Сен олдга интилгин, олдинда янгра  
Мангулик тимсоли – Шоирнинг сўзи!

---



## Сирожиддин Саййид

### ҲАЗРАТ НАВОИЙ

Навоий сенга ҳар бир туй керак бўлгай,  
Агар шодсан ва ё махзун – керак бўлгай.

Агар ошиқ эрурсан – лолазорингдир,  
Агар Лайлосану Мажнун – керак бўлгай.

Агар уммон билан суҳбат курай дерсан,  
Агар ўзни десанг Жайхун – керак бўлгай.

Билай дерсан надир кўнгил биноси ҳам  
Надир одам, надир очун – керак бўлгай.

Навоий осмондир, осмонийдир,  
У гардун ичрадир гардун – керак бўлгай.

Сенинг бу оламинг фиску фасод бирлан,  
У бир оламдурур гулгун – керак бўлгай.

Навоийнинг Ватан янглиғ киёси йўқ,  
Ватан янглиғ сенга ҳар кун керак бўлгай.

### НАВОИЙНИ ЎҚИШ

Ҳар бир калла,  
Ҳар бир бош  
Жаҳолатдан кўрқиши керак.  
Ҳар бир бола,  
Ҳар бир ёш  
Навоийни ўқиши керак.

Ҳар бир ота,  
Ҳар бир мўйсафид  
Умр ҳикматларин кўрсатиб,  
Нафс арқонларин қирқиши керак,  
Фарзандлари, набирасига  
Навоийни ўқиши керак.

Бир болаға – бутун мамлакат,  
Баъзан эса қирқ киши керак.  
Бешиқлардан тушиб болалар  
Навоийни ўқиши керак.

Сиз дейсиз: Йўл топиши керак,  
Уй қуриб, пул топиши керак,  
Йўқ-йўқ, у ор қилиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Самарканду Бухоро, Термиз  
Тўйларида барчамиз жаммиз.  
Бизлар ахир кимлардан каммиз?!  
Элга олам олқиши керак,  
Оламга тик боқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Берунийлар, ибн Синолар,  
Улуғбеклар, Бобур Мирзолар  
Қуриб кетмиш қандай бинолар!  
Ёш кўнгиллар қалқиши керак,  
Навоийни ўқиши керак!

Ватан азал битта Ватандир,  
У биз учун сўлмас чамандир.  
Шул сабабдан бола чоғлардан,  
Майса чоғлар, лола чоғлардан  
Ўзни уриб, юлкиши керак,  
Навоийни ўқиши керак,  
Дилга недир юқиши керак!

## НАВОЙНИНГ БОҒЛАРИ

Адабиёт муаллими  
Бизлар бола чоғлари,  
Дарс берарди Ҳиротда, деб  
Навоийнинг боғлари.  
Сиз ҳам асли кўчатлари,  
Барглари, япроқлари –  
Навоийнинг боғларисиз,  
Навоийнинг боғлари.

Йиллар ўтди. Болалик ҳам  
Ортда қолди бир умр.  
Навоийнинг боғлари лек  
Ёдда қолди бир умр.  
Биз англадик – надир Ватан,  
Томирлари, шохлари.  
Эътиқод ҳам иймон экан  
Навоийнинг боғлари.

Аввал фарзанд бўлар одам,  
Кейин инсон бўлгайдир.  
Ўз тупроғин кадрин билган  
Диллар осмон бўлгайдир.  
Кўнгилларнинг Ҳақ йўлида  
Заҳмату кийноқлари –  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Сув келтирган элда азиз,  
Боғ яратган – бахтиёр.  
Инсон умри кўприқлардир,  
Йиллар, йўллардир катор.  
Бу томони – Ҳиротгача,  
Қашқардир нарёғлари,  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

То бор экан ёмонлигу  
Разолатнинг зоғлари.  
То жаҳолат бор экан ҳам  
Кийну ҳасад тоғлари.  
Инсонларнинг инсонни деб  
Зирқираган доғлари –  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Маърифатдир оламшумул,  
Муҳаббатдир жаҳоний.  
“Насойим ул – муҳаббат” ҳам  
“Ҳазойин ул – маоний”.  
Осмонлари руҳдан бино,  
Қалб эрур тупроқлари,  
Навоийнинг боғларидир,  
Навоийнинг боғлари.

Сен кўнгилни тоза тутгил,  
Юртни ҳам озода тут.  
Юрт дегани боғ экандир,  
Боғ дегани – она юрт.  
Тўлиб тошар экан токи  
Эзгулик қирғоқлари,  
Яшар абад, яшнар абад  
Навоийнинг боғлари.

## НАВОЙНИНГ НАБИРАЛАРИ

Тирикликнинг бол, ширалари,  
Бири улуг, кичик бирлари,  
Фахр этиб юргайдир бари,  
Навоийнинг набиралари.

Яркирайди тилло узукдек,  
Шу узукка қўйилган кўздек.  
Бири Бобур, бири Улуғбек –  
Навоийнинг набиралари.

Кўркам бўю кадду қоматлар,  
Кулса шундай кулар омадлар.  
Чикмасин ҳеч сиздан номардлар,  
Навоийнинг набиралари.

Ўз кўнглида кўзлар Марсларни,  
Гижинглатиб юрар “Мерс”ларни.  
Қолдирмасин экан дарсларни,  
Навоийнинг набиралари.

Чиннидай оқ дорилфунунлар,  
Сизга – йиллар, сизга бу кунлар.  
Илм ишкида бўлинг Мажнунлар,  
Навоийнинг набиралари.

Қадим замон, Ҳақ замонидан,  
Олтин чиққан олтин ёнидан,  
Сиз ҳам ўшал олтин конидан,  
Навоийнинг набиралари.

Интилсангиз – бир кун етгайсиз,  
Манзилларга зиё элтгайсиз.  
Фарҳод-Ширин бўлиб кетгайсиз,  
Навоийнинг набиралари.

Куртак ёзар пайвандларингиз,  
Унутманг ҳеч: дилбандларингиз,  
Туғилажак фарзандларингиз –  
Навоийнинг набиралари.

Ҳазрат бобо Сўзни ўйлаган,  
Қанча қошу кўзни ўйлаган.  
Асли ул зот Сизни ўйлаган,  
Навоийнинг набиралари.

Эл-юрт омон, даврон саломат,  
Яратгандан Сизга каромат.  
Ҳаёт ўзи айлар хушомад,  
Навоийнинг набиралари.

Умр асли – насиб ё насиб,  
Ҳар дилга бир гул мутаносиб.  
Навоийга бўлсин муносиб,  
Навоийнинг набиралари.

### НАВОЙНИ ЎҚИБ

Навоийни ўқиб садо бўлдим,  
Бенаво эдим, сернаво бўлдим.

Назм саройида кўрдим шохни,  
Унинг эшигинда гадо бўлдим.

Бедаво эдим мен, бедаво дардим,  
Навоийни ўқиб даво бўлдим.

Ёндим чегарасиз кўнгил даштида,  
Ғазаллар эдилар – сабо бўлдим.

Ўзимни ўзим қилдим таҳқиқ,  
Ўзимга ўзим жазо бўлдим.

Куйиб адо бўлган экан Ҳазрат,  
Ўқиб адо бўлдим, адо бўлдим.

Мен йўқ эдим, бенишон эдим гар,  
Навоийни ўқиб бино бўлдим.

### НАВОЙ ТУҒИЛГАН КУН

Ҳар кўнгил ишқ ичра пок  
тийнат бўлар кундир бу кун,  
Битта сўз олам аро  
зийнат бўлар кундир бу кун.  
Тийра дунёга зиё  
сочгай мунаввар бир исм,  
Бир исмдан бир улус  
миллат бўлар кундир бу кун.

## НАВОИЙ НУРИ

Қишнинг қабоғида кўклам кўринди,  
Келмаган кўклам ҳам кўркам кўринди.  
Ҳазрат Навоийни бир йўклаб эрдим,  
Кўз юмсам, кўнглимда олам кўринди.

Кўринди, ҳикматда юз очган кўнгил,  
Туркийда беназир сўз очган кўнгил.  
Шеърят самосин офтоби бўлиб,  
Жумлаи жаҳонга нур сочган кўнгил.

Кўнгилки, дарёсин тошқини тинмас,  
Беш аср наридан ёлқини тинмас.  
Шоирки, элини як қалам қилмиш,  
Минг аср ўтса ҳам қалами синмас.

Инсонлар ичинда инсон бўлмоқ хуш,  
Шоирлар ичинда султон бўлмоқ хуш.  
Умрида ўзбекни кўрмаганлар ҳам  
Вале Навоийни кўриб ётар туш.

Сатрлар садоси самодан келган,  
Гоҳ дийдор, гоҳида вафодан келган.  
Шоирни жунунваш деганлар билмас,  
Ҳақ сўз Навоийга Худодан келган.



## НАВОИЙ ВА ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ

(“Самарқанд сайкали” шърий драмасидан парча)  
*Оқишом чоғи Давлатшоҳ Самарқандий Навоий билан бирга  
Мирзо Улуғбек расадхонаси ёнида суҳбатлашадилар.*

Давлатшоҳ Самарқандий  
Мана расадхона, Улуғбек кўшки.  
Дўстим Алишербек, самога бокинг,  
Фонус атрофида парвоналардек  
Ой тўгарагида ғужғон юлдузлар.

Ажиб анжуман бу, порлоқ чаманзор.  
Хув ана Аторуд – ижод ҳомийси,  
Тилла камар таққан Зухал бу ёнда.

Гўзаллар кўзидек чарақлар Зухро  
Ва унинг соқчиси найзадор Миррих,  
Мана, савлат тўкиб турар Муштарий...

Ажаб ҳол, кўкда ҳам баҳс-мунозара,  
Само кўзгусида аке этар замин,  
Юлдузларда зоҳир инсон сифоти.

Жаннатмакон султон Мирзо Улуғбек  
Юлдузи гултождир бу анжуманга.

Н а в о и й

Дўстим Давлатшоҳ, сиз яхши билурсиз  
Само сирларини, илми нужумни,  
Зеро Улуғбекдан меросдир бу фан.

Темурхон наслидин султон Улуғбек  
Ки, олам кўрмади султон анингдск.

Анинг абнойи жинси бўлди барбод  
Ки, давр аҳли биринин айламас ёд.

Валек ул илм сори торти чун даст,  
Кўзи оллинда бўлди осмон паст.

Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Билиб бу навъ илми осмоний  
Ки, андин ёзди “Зижи Кўрагоний”.

Қиёматга дегинча аҳли айём,  
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.

Давлатшоҳ Самарқандий  
Бале, Алишербек, бағоят теран,  
Тонг юлдузи каби тиниқ сатрлар...

*(Бир оз ўйлашиб)*

Гоҳо хаёлимга андоқ келурки,  
Бидъат, хурфотдан, жоҳил, пастлардан  
Кўнгли зада бўлиб, безиб Улуғбек  
Кўкка нарвон бўлган шу расадхона  
Зинасидан чикиб парвоз айлаган  
Дўстлар даврасига – юлдузистонга.

Н а в о и й

Мирзони юлдузлар сафига кўшган,  
Исмин муҳрлаган абдиятга  
Илм-маърифатдир ва меҳнат шаксиз.  
Таажжуб, инсонга берилган ҳаёт –  
Камол касб этмокқа ягона имкон  
Нечун англамайдир бани одамзод?

Толиби илмлик даъвосин қилган  
Баъзи йигит-яланг гулдек умрини  
Ўзи билиб туриб кўкка совурар.

Мантиқ, мушоҳада, таҳлилдан йироқ,  
Англамай ёд олган сабоқларини  
Тўтидек такрорлаб ўзини алдар.

Бундайлар ҳайвони нотиқа айни,  
Яъни гапиргувчи онгсиз жонзотлар.

Бирининг мақсади – томоқ қайғуси,  
Бирининг орзуси майхона, ишрат.

Бири отасининг раъйига кўра  
Мадраса хужжати учун талабгор.

Булардан не наф бор улусга, фанга,  
Ўзига не фойда алал-оқибат?

Дерларки, илм ўқиб амал қилмаслик –  
Уруғ сочиб, ҳосил олмаслик демак.

Йигитликда йиг илмнинг махзани,  
Қарилик чоғи харж қилғил ани.

Давлатшоҳ Самарқандий  
Алишербёк, ҳикмат айтдингиз яна,  
Чиндан ғаниматдир ёшлик айёми.

Кўкламда қанча кўп гул очса дарахт,  
Кузакда шунча мўл бўлар ҳосили.

Ёшлик – бу умрнинг навбаҳоридир,  
Роса илму ҳунар эгаллаш фасли.

*(Шу пайт сахна четидан қора либосда шарпа  
сирғалиб ўтади.)*

## Навоий

Ётавба! Давлатшоҳ, ҳар куни шу ҳол,

*(шарпани кузатиб)*

Бирдан пайдо бўлиб қолар шу кимса,  
Яқин ҳам келмайди, сўзласам, қочар,  
Юзидек қоронғу ўй-муддаоси.

Давлатшоҳ Самарқандий  
Бу Мўмин Сиддиқнинг айғокларидан.  
Абу Саид Мирзо ҳукмига кўра  
Хиротдан келганмиш сизга эргашиб.

Доим сергак бўлинг, дўстим Алишер.  
Бундайлар ҳамиша панада туриб,  
Ё кўрқитмоқ бўлар, ё жон қасдида...  
Фитнадан иборат борлиқ ҳаёти.

## Навоий

У шўрликни ўйлаб уйқум қочади,  
Наҳот, ачинмаса ўз ҳаётига?

Кўнғиздек настқамда ўтказиб умр,  
Бировнинг шарпаси бўлиб яшамок  
Наҳот муносибдир инсон қавмига?

Ҳолбуки меҳрибон тангри таоло  
Бир буюк имтиҳон этмишдир тайин.  
Синовдан ўтмоқнинг ягона шарти –  
Муносиб бўлмоқлик одамийликка.


Одамий эрсанг, демагил одами,  
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.

Агар кўзинг очсанг, тўрт тараф ибрат:  
Қурту қумурсқада, гулу чечакда  
Умр маъносини уқмоғинг мумкин.  
Сенинг кимлигингга бордир ишорат.

Тухум ерга кириб чечак бўлди,  
Қурт жондин кечиб йипак бўлди,  
Лола тухмича ғайратинг йўқми?  
Ипак қуртича ҳимматинг йўқми?



---



Жуманиёз Жабборов

## НАВОИЙ ДУНЁСИ

Бул кеча кездим ғазал дунёсида,  
Ҳазрагим шеърин гўзал дунёсида.

Сарв қадларни томоша айладим,  
“Чор девон” мулкин асал дунёсида.

Ёр жамоли томчида офтоб эди,  
Сайр қилдим минг Зуҳал дунёсида.

Чехралар гул-гул ёнур, кўзлар хумор,  
Яйрадим ишқу амал дунёсида.

Қалбин очди менга Лайлою Ширин,  
Шўх наво, шеъру масал дунёсида.

Бунча санъат, бунча ҳайрат, бунча завқ  
Жам Навоийнинг машъал дунёсида.

То жаҳон борки, Навоий барҳаёт  
Бул абад бирлан азал дунёсида.

### НАВОЙНИ ҶҶИБ

Минг машаққат билан чиқдим мен,  
Қирқ йил тирмашдим бу чўккига.  
“Шоирмассан. Тушавер қайтиб!”  
Шундай бўлди ҳукм – ўқилган.  
Теграмга бир бокдиму ютоқиб  
Дунё кўриб олмоқ ғамида,  
Ерга қайтиб тушмоғим учун  
Яна қирқ йил керак... Камида.

\* \* \*

Богларда хазонлар сипоҳи  
Азалдан музаффар бир лашкар...  
Бугун менга қарши андухлар  
Бирон-бир меҳрибон кўринмас  
Навоий куйлаган саф аро.  
Япроқлар тўкилар тинимсиз –  
Заъфарон... заъфарон... заъфарон...  
Аста-секин кош ҳам корайди,  
Бир куйни куйлайман тинимсиз –  
Енгаман... енгаман... енгаман...  
Сокинликдан каттик димикқан  
Борлиғим шахд тилар, ғулу тилар.  
Ёғиб ёғмас, тарқаб тарқамас  
Булутлар... булутлар... булутлар...  
Ҳали юлдузлардек чарақларим бор  
Бордир булутлардек бўзларим.  
Бўлгим келаётир осмоннинг  
Кўзлари... кўзлари... кўзлари...

---

Муҳаммад Раҳмон

**“МУНОЖОТ”НИ ТИНГЛАГАНДА**

“Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади!”

*Алишер Навоӣ*

Кутиб, кутавериб толди кўзлари,  
Учди ҳаволарга оташ сўзлари.  
Ҳирот йўлларида қолди излари,  
Бибим, қайлардасиз, бибижон, келинг!

Оғирлик қилмоқда унга шерь, қалам,  
Огирлик қилмоқда шуҳрат ҳам, тож ҳам,  
Худомас шоир ҳам, ахир бир одам,  
Бибим, қайлардасиз, бибижон, келинг!

Нима бу – таманно, нозу фиروقми,  
Ё сабр илмидан иинҳон сўрокми,  
Кеча деганингиз шунча йироқми,  
Бибим, қайлардасиз, бибижон, келинг!

Биламан, сиз келар йўллар қародур,  
Биламан, сиз келар йиллар қародур,  
Биламан, ишқи йўқ диллар қародур,  
Бибим, қайлардасиз, бибижон, келинг!

Ёмон гап етдими ё сизга бирор,  
Тухмат тошин отди нокасу беор,  
Бескордир, бескордир, барчаси бескор,  
Бибим, қайлардасиз, бибижон, келинг!



Шоҳ у шеърятда, Ҳиротда – вазир  
Ва лекин севгига бир умр асир,  
Кутмоқда ўтса ҳам, мана, беш аср,  
Бибим, қайлардасиз, бибижон, келинг!

### ТАХТИҚОРАЧА ДОВОНИ

Жайхун оша Ҳиротдан  
Йўлга чиққан Навоий бобом  
Бу туйғуни, эҳтимол, отда  
Туйиб илк бор, лол колган тамом:

Бўртоқ йўл ҳам кўринар равон,  
Чарчоқ йўқдир руҳ ила танда.  
Сендан ўтмоқ, негадир, осон  
Самарқандга келаётганда.

...Нимадир у орқага тортган? –  
Бўлса бутун айтарди бир-бир.  
Қамчи босган устма-уст отга,  
Йўли эса унмаган Бобур.

Барқарордир бу туйғу ҳамон,  
Юрак қилмас ҳайратин канда:  
Сендан ўтмоқ қийиндир, довон,  
Самарқанддан кетаётганда...



### НАВОИЙДАН ТОПДИМ

Неки бир сўз изладим – Навоийдан топдим,  
Қалб муродин кўзладим – Навоийдан топдим.

Тополмадим ота-онам ҳақкига жонсўз,  
Навоийдан сўзладим – Навоийдан топдим.

Ватан надир? – Ўз уйинг ёки башар мулки?  
Кўкламладим, кузладим – Навоийдан топдим.

Айтмоқ исгадим дўст-ёронга ҳикмат ё байт,  
Кўзгуни кўзгуладим – Навоийдан топдим.

Ёрга ошиқ бўлиб, битолмадим ишқ хатин,  
Ойладим, юлдузладим – Навоийдан топдим.

Комил сўзу комил амал – комил тарбият,  
Ибратини бўзладим – Навоийдан топдим.

Замон борки, бор риёкор золиму фосиқ,  
Қамчиладим, тузладим – Навоийдан топдим.

Не туйғу ҳолати йўқ, демак, у асли йўқ,  
Азимин азизладим – Навоийдан топдим.

## НАВОИЙНИНГ САМАРҚАНДДАГИ БАШОРАТИ

Порлаётган шуълалардек кўнгиллар раъйи  
Вақт отин қанотида учаётган он,  
Эй, келажак зурёдлари, сиз-ла юзма-юз  
Турган каби юрагимда тўлқин сезурман.  
Самарқанднинг сийнасида Мирзо Улуғбек  
Бунёд этган ою юлдуз кошонасида,  
Дунё томи устида-ку ҳар ён покиза,  
Олам ёруғ арши аъло тарагган нурдан.  
Бул шуълалар заминга ҳам ато этилган,  
Берилгандур одамларнинг кўзи, кўнглига.  
Оллоҳнинг бул марҳаматин ким англар, ким йўқ.  
Кимлар етгай қадрига ва кимлар тўзондек  
Они сочиб юборгайлар йўқликлар сари.  
Туронзамин оламнинг бир нақши эрурким,  
Осмон ҳам ранг олиб тургай жозибасидин.  
Аҳли ўзбак ўз еринда ўзи ҳамиша  
Султон бўлиб келгандур ва шундай бўлажак!  
Иншооллоҳ, чарх даввори замонлар оша  
Ўтмишни ва келажакни боглаб тургайдур.  
Тўгри сўзу пок амаллар ҳамда аҳиллик  
Ковушганда озод йўлнинг бўлмас поёни!

## НАВОИЙ БОБОМЛАР

Ҳирот тупроғида вояга етган,  
“Қуш тили” йўллариин мунаввар этган,  
Йиллар тўзонидан соғ-омон ўтган  
Навоий бобомлар  
Буюк одамлар.

“Хамса”си кўнгилни шамдек ёритган,  
Тилимизни эъозлаган, бойитган,  
Мағрибу машрик ҳам ифтихор этган,  
Алишер бобомлар,  
Қутлуғ қадамлар.

Достонлари сира чиқмагай ёддан,  
Уни сўранг Мажнун, Қайсдан, Фарходдан,  
Лайли, Ширин каби қадди шамшоддан  
Навоий бобомлар,  
Буюк одамлар.

Бобом Мир Алишер оташ забондир,  
Умрлари боқий, омон-омондир,  
Газаллари азал фидойи – жодир,  
Навоий бобомлар  
Буюк одамлар.

МИР АЛИШЕР ГУЛШАНИ

*Туркум*

1. НАВОИЙ ВА БОБУР

Она тили ори, ғурури  
Асрлардан садо беради.  
Навоийдан сўз айта туриб,  
Тилга Бобур келаверади.

Олти кунда яралмиш олам  
Ва одам ҳам. Шукрона айта  
Биз февралнинг олти кунда  
Туғиламиз ҳар йили қайта.

Ҳали борлиқ киш уйкусида,  
Ҳали кўзин очмайин бодом,  
Туркий замин кенгликларида  
Чапараста гуллайди одам.

Сен, эй кўнгил, гар тиларсан хўб,  
Сўз сеҳридан умрингга нажот,  
Мир Алишер этагини ўп,  
Бориб Мирзо эшигида ёт...

Она тили ори, ғурури  
Асрлардан садо беради.  
Навоийдан сўз айта туриб,  
Дилга Бобур келаверади!

## 2. НАВОИЙГА ТАШРИФ

Хислатли замин бу, саодатга ёр,  
Бир ўйлаб кўй қадам кўйишдан олдин.  
Олтин бор манзилда Навоий пойдор,  
Навоий бор жойда ҳаммаёқ олтин.

Сўз ва олтин... бири эл қалбида гар,  
Бири ер бағрида музайян, илло  
Олтинни кидирсанг Навоий чиқар,  
Навоийни излаб, топасан тилло!

## 3. НАВОИЙ

Туркигўй эл, назми очун навоси – бу Навоий,  
Шамси ҳақнинг дилга тушган зиёси – бу Навоий.

“Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-нихоя”,  
“Хазойин ул-маоний”нинг сатоси – бу Навоий.

Борми чора хаста бўлса қалбу кўнгил – мулки рух,  
Тиб Навоийси Сино, дил Синоси – бу Навоий.

Ҳар сўзи хур, ҳар сўзи дур – фидойилар яроғи,  
’Элим деган фидоларин фидоси – бу Навоий.

Жойнамоздек саҳфа узра сажда қилса бош кўюб,  
Саъдуллонинг беш вақт ҳар кун дуоси – бу Навоий!

## 4. УШАЛГАН ОРЗУ

Йил айланиб, замон сахнида  
Шоҳ Ҳусайн ўйнатганда от,  
Навоийни назм кўкига  
Қуёш қилиб кўтарди Ҳирот.  
Фош этди у ҳақсизлик сирин  
Нурдай тигли қалами билан.

Наъра тортди ҳайкириб дилхун,  
Она халқин алами билан.  
Юксакларга нигоҳ ташлади,  
Юрт эркига интизор кўзи.  
Фақат орзу килиб яшади,  
Орзу бўлиб қолди сўнг ўзи!

### 5. ФАХРИЯ

Ким миллий боғ сари кўйса гар қадам,  
Юксалур Алишер Навоий қадар.  
Ким кезса қўл бериб ҳазрат илкига,  
Дунё айланажак ўзбек мулкига.



ЁШ АЛИШЕР АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ  
ҲУЗУРИДА

Дуо қилинг мени, пирим,  
Узоқ йўлга чикмоқдаман.  
Олис йўлдан кўркмоқдаман,  
Дуо қилинг мени, пирим.

Ўйлаганим шундай баланд,  
Шундай баланд мисли осмон,  
Унга етиш эмас осон,  
Балки осон қолиш бешон.  
Дуо қилинг мени, пирим,  
Дуо қилинг мени, пирим.

Ўрмонлардан ўтаман мен –  
Паланглар бор йўлларимда.  
Уммонлардан ўтаман мен –  
Наҳанглар бор йўлларимда.  
Дуо қилинг мени, пирим,  
Дуо қилинг мени, пирим.

Назаримда: турли эллар,  
Турли тиллар... Оғир йиллар...  
Маломат бор йўлларимда,  
Қиёмат бор йўлларимда,  
Асорат бор йўлларимда,  
Сиёсат бор йўлларимда.



Дуо қилинг мени, пирим,  
Дуо қилинг мени, пирим.

Сиз биласиз, ниятим оқ,  
Дастурамал мен учун ҳақ.  
Имоним бут юрагимда,  
Тошқин қувват билагимда.  
Тилимизни обод қилсам –  
Туркий “Хамса” бунёд қилсам,  
Туркимни мангу шод қилсам –  
Ҳар халққа тенг озод қилсам –  
Қалбимда бир шудир армон,  
Сиҳат-соғлиқ берсин омон.  
Оқ йўл тиланг менга, пирим,  
Оқ йўл тиланг менга, пирим.

## НАВОИЙ МЕНИНГ НАЗАРИМДА

Навоий менинг назаримда  
жаҳоннинг қоқ ўртаси –  
шоҳ  
супада ўтирар,  
хонтахта узра,  
ўнг қўлининг кафти  
эгилган манглайини  
тирговучдай  
кўтариб турар.

Ҳазрат теран ўйларга ботган,  
чунки  
бутун жаҳоннинг дарди  
унинг гарданида.  
На қуёш,  
на юлдуз,

на бир инсон тақдири,  
на ҳаво,  
на сув,  
на бир арна  
чиқа билар унинг ёдидан.  
Бутун инсонликни,  
бутун борликни,  
турли тақдирларни ўйлайди.  
Дунёни қайта қурмоқ,  
халқларни иноқ ва бегуноҳ  
қўрмоқ истади.

Навоийнинг назаридан  
ҳеч нарса қочиб қутулолмас,  
“қилт” этган нарсани  
бир марта бош қўтариб  
бир назар ташлаш билан  
дарров илғай билар.  
Унинг борлиғи – кўз,  
унинг вужуди – кулоқ,  
унинг юраги – олам,  
унинг олами – юрак ва зеҳн.

Баъзан кичиккина саволим билан  
енгидан тортиб,  
гапирмак истаيمان:  
“Ҳазрат Алишер!”  
“Бизнинг юртимиз...”,  
“Менинг халқим”, деб  
оғиз жуфтламасимдан  
фикрларим унга равшан ва ойдин.  
“Қўй”, дейди,  
“Бағрингни кенг қил”, дейди,  
“Ўзингни Фарход бил”, дейди.  
“Ҳар ерда одам азиз бўлсин”.

“Нифоклар бўлмасин”,  
“Ер юзи Хусравнинг зулмидан ўлмасин”.  
“Фақат кайф-сафодан иборат эмас дунё”.  
“Ҳамма меҳнат қилсин она еримизда”.  
“Ҳосилни бўлишда диёнат қилинг...”

...Бизнинг Алишер деб айтолмайман,  
Ер юзининг Алишери у...



---



Абдулла Шер

## НАВОИЙ СОҒИНЧИ

*Туркум*

1

Ашрақатдан бошланган девон,  
Ўхшаб кетар чексиз оламга.  
Ундаги ер, ундаги осмон  
Суянади буюк қаламга.

Ул қаламнииг сеҳрли пати  
Учиб тушмиш жаннатий қушдан.  
Қоғоз билан қалам суҳбати  
Одамзодни уйғотар тушдан.

Асрларки, девондан порлаб,  
Ёритади Улуғ Сўз Шаркни.  
Сўнмас овоз бизга дер, чорлаб:  
“Англа туну тонгдаги фаркни!”.

Шоҳлар ўтди, ўтар айш суриб,  
Қуёш билиб тож гавҳарини.  
Шоир эса оҳ тортар кўриб  
Ул муқаддас Нур жавҳарини.

Шеърят деб аталган ул Оҳ  
То қиёмат сочади зиё:  
Алишербек кийган бир кулоҳ  
Мингта тождан аълодир, аъло.

Навоийнинг асарларидан  
 Бўй сочади илоҳий, чўнг гул.  
 Унга кўнган асаларидан  
 Қанот тилаб учади кўнгил.

Унда кушлар одамлар каби  
 Сўзлайдилар ўзни унутиб  
 Ва кушлардек, одамлар лаби  
 Куйлай бошлар сўзни унутиб.

Унда шоҳлар тарашлайди тош,  
 Тоғни кесиб ўтади дoston.  
 Тождан чиқиб, юксалганда бош  
 Ўпиб кўяр эгилиб осмон.

Унда фалак ўз тасбеҳини  
 Мисра қилиб ўгиради жим:  
 Ғазалдаги хушбўй беҳини  
 Ислаб яшар Ҳадичабегим.

Унда Ҳирот доим кушуйқу,  
 Самарқандни излайди тушдан.  
 Ватан деган қадимий қайғу  
 Куйлаб турар минг йиллик ишқдан.

Ашрақатни кўрасан унда,  
 Илоҳий нур очар кўзингни:  
 Англайсанки, дунёи дунда  
 Танимабсан ҳали ўзингни.

Мен Навоий озод қилган кул,  
 Шеър ўсади қутлуғ эркимдан.  
 Юрагимда яшайди Булбул,  
 Юрагимда Ҳумо беркинган.

Жисмим – гулхан, каламим чўғдир,  
Ўзим – хато, сўзим – бехато.  
Шоирликда армоним йўқдир:  
Ашрақатга қилдим иктидо.

#### 4. ЗАНЖИРБАНД ШЕР

Занжирбанд шер енгаман дер.

*Алишер Навоий*

Мен билмайман, бу не жаҳд-жадал,  
Бу қандайин ақл етмас сир:  
Мен туғилмай, беш аср аввал,  
Сувратимни чизмиш Улуғ Пир.

Занжирбанд шер, бок, енгаман дер, –  
Йиртилгудек жаранглар қогоз.  
Жаранглайди занжирланган шер,  
Жаранглайди пўлат бир овоз.

Занжирбанд шер, бок, енгаман дер, –  
Йилдан-йилга ул занжир таранг:  
Беш асрки, мен, Абдулла – шер!  
Мен қиламан занжир билан жанг!

Беш асрки, сувратим менинг  
Наъра тортиб яшайди бедор...  
Тугамайди муҳлатим менинг  
Токи Шеър бор, токи Занжир бор!

#### 5. НАВОИЙ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

*Шарафиддин Шарипов хотирасига*

Яздийнинг нечун бу ҳалол отдоши  
Навоий давридан келди адашиб?!  
Бугуннинг худписанд, нокас куёши

Ундан ижирғанди кўзи қамашиб.  
У деди: “Янғитдан улуғ бобомнинг  
Номини жаҳонга ёяман ўзим.  
Сиз илм атаган чапдаст ёлғоннинг  
Йўлида залварли қояман ўзим”.  
Ҳамма жим. Бурчақда шивир-шивирлар:  
“Зорми кишлоқига ҳазрат Навоий?!”  
Бошларда фикрмас, ҳасад ғивирлар:  
“Тўғри, бу бола зўр, лекин... Савдойи”.  
У эса қунишиб хужра захидан,  
Навоий шамини ҳар туни ёқди.  
Кичкина ходимлик маоши билан  
Каттакон илмни бемалол боқди.  
Ўйинчок кўрмаган қорақўзига  
Дерди: “Миндираман ҳали Ғиротга!”  
Ухлолмай сўзларди тунлар ўзига:  
“Тошкентда ҳаво йўқ, кетдик Ғиротга!”

Бир куни вокзалда шовкиндан нолиб,  
Самарқанд боролмай ялинди обдон:  
“Жой бўлса, уч-тўрт кун бир ерда қолиб,  
Озгина дам олай Навоий билан.  
Чипта йўқ, ҳаво йўқ, бўлдик-ку абгор,  
Бизга ёрдам беринг, ўртоқ мелиса!  
(Навоий сатрини умрида бир бор  
Ўқимаган эди бу шўрлик эса.)  
Навоий шеъри бу, қаранг, сувратда!”  
Мелиса тушунмас, қотар энсаси:  
“Сиз кутинг. Топамиз бир жой албатга!” –  
Ва олиб кетдилар уни кечаси...  
Сўнг зор-зор ялиниб, гоҳ қилиб хитоб,  
Англамоқ бўлди у фикрин дўхтирга:  
“Қўлёзма топдим мен, тушунинг, ноёб, –  
Навоий мен билан юрибди бирга!”  
Охири чарчади, дод солди руҳи,  
Ақлли оломон ғалаба қилди.

Навой тирик деб кўтарган туғи  
Палата фаршида бўздек йиртилди, –  
Деди у: “Дўхтирлар, мен адашибман,  
Навой не керак мендай шўрликка!  
Навой юрмайди энди мен билан,  
Амирим чидамас бундай хўрликка...”  
Кўйиб юбордилар она қишлоққа,  
Навой ўлган деб сўз олгач ундан.  
Кетаркан, қоқилди бир кафт тупроққа,  
Йиқилиб қараса – ўз қабри экан.

Олимлар! Кечиринг, сизлар сермажлис,  
Мажлис кўп, кўп эрур навойшунос.  
Лекин ким покдил-у, ким эса каж ҳис, –  
Бизнинг бу кунларда қийиндир таққос!  
Гапимдан силкинманг қиличсиз қиндек!  
Майли, мен ишонай даъвойингизга, –  
Агар ишонсангиз Шарафиддиндек,  
Ўзингиз кашф этган Навойингизга!  
Яхшиси, бош эгинг қутлуг қабрга,  
Ўша қишлоқдадир иккинчи Ҳирот:  
Навой ётибди у билан бирга,  
Унда ўглаб юрар энг сўнгги Ҳирот!..

## 6. НАВОЙ СОҒИНЧИ

### *Хотима ўрнида*

Чорласам деб: “Қайдасан Фарҳод?”  
“Мен борман”, – дер Ёсуман кампир;  
Қизил гулнинг ўрнида, хайҳот,  
Чайқалади бир туп калампир:

Нестай, Ҳирот олисдир бугун,  
Олисдадир Навой бобо, –  
Ҳудудларга қоқилиб нигун,  
Тарих йиғлар асрлар аро...



## ҲАЙРАТ САТРАЛАРИ

*Навоий боғида шоир ҳайкаlining  
очилиши муносабати билан*

Парчаланди бор музлар,  
Ҳайкирмайсанми, анҳор.  
Шодликларинг шошгандан –  
Қирғоқларинг бўлди тор.  
Бедоғ осмон тиладик,  
Само занғори бу кун.  
Кўнгилларни тарк этсин –  
Йиллаб йиғилган тутун.  
Соғингандик, Навоий  
Фазаллар айтиб келар.  
Юзларидан нур ёғиб,  
Шодумон кулиб келар!

Чуғурлашган кушлар-ей,  
Тилингиз тушунмасам.  
Балки олқиш айтасиз,  
Балки дилда ҳасрат-ғам.  
Бир кам дунё экан бу,  
Бу кун бундай ўйласам.  
Куш тили бор кушлар-сй,  
Айтинг сизга нима кам?  
Соғингандик, Навоий  
“Хамса”син тутиб келар.

Хазинаси нур сочиб,  
Ҳайрагин олиб келар!

Элин сўроқлағанлар,  
Ватан турди оёққа.  
Қалбин очаолғанлар,  
Номус чикди қирғоққа.  
Тегирмоннинг тошидан  
Омон ўтди ўзлигим.  
Жахон бўйлаб лутф этар  
Осмон қадар ўзбегим!  
Соғингандик, Навоий  
Орзуси порлаб келар.  
Юзларидан нур ёғиб,  
Бизларни чорлаб келар!

Дил ўкириб қай бирин  
Айтсин ахир номини,  
Замонсозлар қўлида  
Замон топди комини.  
Оҳ чексак, оҳимиздан  
Ўт олади дов-дарахт.  
Ўтганларнинг армони –  
Елкамизга қўнган бахт!  
Соғингандик, Навоий  
Рубоий айтиб келар.  
Юзларидан нур томиб,  
Шодумон юриб келар!

Симириб бу ҳаводан  
Ташна юрак қонади.  
Бахтига фидойи жон –  
Ватан дея ёнади.  
Томирларда гупуриб,  
Оқсин энди қонлар ҳам.  
Асрларга тенг бўлган,

Етиб келди онлар ҳам.  
Соғингандик, Навоий  
Китобин тутиб келар.  
Юзларидан нур томиб,  
Шоҳ байтин айтиб келар!

Парчаланди бор музлар  
Ҳайқириб қўй, анҳорим.  
Куртакларни уйғотиб,  
Қаҳ-қаҳ урди баҳорим.  
Ўзлигингни куйлайди  
Табраниб дил торлари.  
Рухимизга мададкор  
Навоий ашъорлари!  
Соғингандик султоним –  
Назм ва наво келди.  
Юзларидан нур ёғиб,  
Сурур ва сафо келди.

## ОНА ТИЛИМ

Майли, сенга ўзгалар бугун  
Тўн бичишсин ўзларига мос.  
Менга эса етиб ортади  
Мир Алишер кийдирган либос.

---



Тошнўлат Аҳмад

## ХАЗРАТ НАВОЙНИ СЕВИНГИЗ ЖОНДАИ

Дўстларим, бир сирни этайин оғоз,  
Дунёни англамоқ эмаскан мушкул.  
Барча тилсимотлар очар экан юз,  
Ҳазрат Навойга ким кўйса кўнгул.

Ҳазрат Навойга ким кўйса кўнгул,  
Демакки, ошно у ҳақ-ҳақиқатга.  
Унинг қалб боғида сайрайди булбул,  
У мангу содиқдир дин-диёнатга.

У мангу содиқдир дин-диёнатга,  
Ҳамиша тариқат гулобин ичгай.  
Бағрини кенг очиб самимиятга,  
Тафаккур дурларин ҳовучлаб сочгай.

Тафаккур дурларин ҳовучлаб сочгай,  
Ким илм – бамисли шафак ёғдуси.  
Ким уни симирса, дарёдай тошгай,  
Хаёлин уфкида юлдуз балкгуси.

Хаёлин уфкида юлдуз балкгуси,  
Тоғларни Фарҳоддай этар чилпарчин:  
Ишқ шоҳи – Мажнунни дўст-ёр билгуси,  
Магарам араб у ёки аҳли Чин.

Магарам араб у ёки аҳли Чин,  
Бағрига босганча: “Сен – кардошим”, дер.  
Ўргилай ўзингдан, эй кўҳна очун,  
Эй азиз Она-Ер, сен – дардкашим, дер.

Эй азиз Она-Ер, сен – дардкашим, дер,  
Айтар: Навоийни севингиз жондан.  
Одамлар: ўзингиз қалб қуёшим, дер  
Ва у айрилмагай асло иймондан!

### НАВОИЙНИ БИЛМОҚ УЧУН...

Навоийни билмоқ учун  
Навобахш зот бўлмоқ керак.  
Калом илмин, Ҳадис илмин  
Юракка жо килмоқ керак.

Навоийни билмоқ учун  
Нигоҳни пок килмоқ керак.  
Комилликни дунё англаб,  
Ҳаққа етган бўлмоқ керак.

Навоийни билмоқ учун  
Тилни шаффоф тутмоқ керак.  
Эл дардини дардинг билиб,  
Меҳрини тож этмоқ керак.

Навоийни билмоқ учун  
Халқ ичига кетмоқ керак.  
Фақирлару хақирларга  
Иймон нурын тутмоқ керак.

Навоийни билмоқ учун  
Разолатни юлмоқ керак.  
Адолатни Қуёш англаб,  
Навоийдай бўлмоқ керак...

НАВОИЙ

Буюк ҳазратга талпинмоқ,  
Билинг, султонга талпинмоқ,  
Баайни бир фақирликдан  
Тониб имконга талпинмоқ.

Навоийнинг навосидан  
Томирларга қуйилгай қон,  
Вужудга муддао бўлгай,  
Мисоли жонга талпинмоқ.

Басе, жонга тан пайвастдир  
Нишон бундан забону сўз,  
Демак, излаб сухан дуррин  
Керак уммонга талпинмоқ.

Ўшал уммон Навоийнинг  
Ажаб олмос бисотидур,  
Шу ёлқинли тафаккурдан  
Куч олмоқ – шонга талпинмоқ.

Бу санъат, бу фазилатдан  
Қотур хайратда ақлу кўз,  
Тасаввур айламоқнинг  
Бир ўзи – имонга талпинмоқ.

Ажаб жонбахш байтларким,  
Ки ҳар сатри берур ором,  
Анинг олдида ҳеч бўлгай  
Гўзал жононга талпинмоқ.

Мусулмонликда фарз эрса  
Агар поклик, адолат, ишк  
Шу йўлда жон фидо этмоқ –  
Ёруг осмонга талпинмоқ.

Саодат истасанг қолдир  
Эл ичра яхшиликда от,  
Сабокдир бул, адо этмоқ  
Бани инсонга талпинмоқ.

Агар ошиқ бўлибсан, бас  
Садокат шеvasин тутгил,  
Диёру ёрга содиқлик –  
Йўли Қуръонга талпинмоқ.

Менинг наздимда бошлангай  
Навоий пойин ўпмоқдан  
Муҳаммадга бўлиб уммат,  
Ҳабиб, Субҳонга талпинмоқ.



## НАВОЙНИНГ ОНАСИ

Гардини кўзга суртгудек ғоят муқаддас аёл,  
Келса келгай бу очунга ҳар минг йилда эҳтимол,  
Қийин эрса-да яратмоқ ундай сиймони хаёл,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Ажаб эрмас ягонаи замон эрса, худойи,  
Ўғлини ғазаллари каби нафас ҳусну чиройи,  
Назокат, ҳаёда тенгсиз, одоб-икромга бойи,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Бўлганлиги ростдир унинг ғоят мулоийим тийнат,  
Касб этгандир паришталик юзинда кўрк ва зийнат,  
Лутфу ширин гуфторликда ўзи буюк хазина,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Бўлгани ҳақ унинг жаннат гуллари каби гўзал,  
Меҳр тўлиб-тошган ҳар бир каломин ўзи ғазал,  
Қундуздайин кокиллари ерлар ўпар, мусалсал,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Чиндир унинг бўлганлиги юмшоқ кўнгул, бағри кенг,  
Меҳмоннавозликда минглар келолмаган унга тенг,  
Безагандир ёноғини хуш олгувчи кумуш менг,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.



Узоқ эмас ҳақиқатдан бўлганлиги кейвони,  
Билимдон, зукко отину ҳурлар даврасин хони,  
Унинг боис топган файз Аршу фалак айвони,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Балки у ҳам тандирларда ширмой нонлар ёпгандир,  
Ҳақ йўлида қилиб сажда, насибасин топгандир,  
Тушиб Оллоҳ сийловига, бахт-иқболи чопгандир,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Аён, меҳр-ла кўпларнинг дардига бўлган даво,  
Унинг боис таралгандир ғазал мулкидин наво,  
Хануз кутлуғ ғуборидан мушк тарар хушбўй сабо,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Яратингиз, келтирган деб, чўлғаб заррин зиёга,  
Алишербекдай даҳони боқий қилиб дунёга,  
Менгзатингиз сиймосини тенгсиз меҳри дарёга,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Пойинда шоирнинг ўзин акс эттиринг, майлига,  
Айлагандай таъзим бажо неки аёл ҳайлига,  
Менгзатинг хусни жамолин соҳибжамол Лайлига,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Фахр этайлик зурёдини маҳшар қадар яшарга,  
Ўшал Она туғиб берган, дея жумла башарга,  
Хоҳланг, устоз мухлисларин таклиф қилинг ҳашарга,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

Қувонайлик сийратини яйраб кўриб ниҳоят,  
Яратингиз, очун аро баланд бўлсин бағоят,  
Ошиқ Эркин ҳам пойинда шояд ўқигай оят,  
Навоийнинг онасига ҳайкал қўйинг, яхшилар.

ҲАЗРАТ НАВОИЙДАН СЎРАНГ

Ул замонлар азмини ҳазрат Навоийдан сўранг,  
Туркигўй эл назмини ҳазрат Навоийдан сўранг.

Тенгсизим офтоб бўлиб, Лутфий сўзидан шод бўлиб,  
Қуш тилинда сўйлаган ҳазрат Навоийдан сўранг.

Ул худодан нур эрур, ул асли Кўҳи нур эрур,  
Назми қат-қат сир эрур, ҳазрат Навоийдан сўранг.

Халққа жавоби шеър бўлиб, сўзда савоби шеър  
бўлиб,  
Дилбанди, ёри шеър бўлиб, ҳазрат Навоийдан сўранг.

Бойқоронинг боғини, Мўмин Мирзонинг доғини,  
Запжирбанд шеър оҳини ҳазрат Навоийдан сўранг.

Тингда тилинган тилини, она халқининг дилини,  
Ул қуёшга тенглаган ҳазрат Навоийдан сўранг.

Дўстига жони фидо, ағёрларидин минг жафо –  
Астробод, бу не бало, ҳазрат Навоийдан сўранг.

Эл дея умри кечиб, Хизр суйини-да ичиб,  
Офиятни излаган ҳазрат Навоийдан сўранг.

Комили инсон ўзи, эл дардига дармон ўзи,  
Ҳазрати инсон ўзи, ҳазрат Навоийдан сўранг.

Булбули беҳишт эрур, Эрам боғидин куш эрур,  
Назми элга хуш эрур, ҳазрат Навоийдан сўранг.

Беш буюк дoston битиб, шер панжасига гул тутиб,  
Аждодларига дил тутиб – ҳазрат Навоийдан сўранг.

Лайли ва Мажнунми ё, Фарҳоду Ширин ажабо –  
Азалий ишқ қиссасин ҳазрат Навоийдан сўранг.

Ҳажр ила дилхасталик, ишқ ила вобасталик,  
Дилситон, пайвасталик – ҳазрат Навоийдан сўранг.

Дилда бордир не савол, зарра ҳам келмай малол,  
Ҳазрат сизни айлар лол, ҳазрат Навоийдан сўранг.

Мавжлиғ дарё – бу ўзингиз, тенгсиз Дунё – бу  
Уммон ила биз юзма-юз – ҳазрат Навоийдан сўранг.



УЛ ЗОТ

... Қалб вуслатида ўтди,  
Тааммул тобин тутди –  
Ул зот.

Меҳрнинг туфроғидир,  
Мурувват булоғидир –  
Ул зот.

Ҳайрат водийсин тайри,  
Фикрат боғин пир-дайри –  
Ул зот.

Иршод лавҳига зуҳр,  
Жон сувратига муҳр –  
Ул зот.

Дард маскунин асрори,  
Субутнинг собит ори –  
Ул зот.

Тажарруднинг туғидир,  
Сабрнинг хок чўғидир –  
Ул зот.

Иноят тақдир тарий,  
Сафо этган Муштарий –  
Ул зот.

Иймоннинг соф манзили,  
Сўзидурким, ишқ тили –  
Ул зот.

Рухни руҳ айлаган хур,  
Ўзи – руҳдан сизган нур –  
Ул зот.  
Ул зот – НАВОИЙ.



**АЛИШЕР НАВОИЙ**

Мен ушоқ бир зотман тарих олдида,  
Сира мангуликни қилмасман даъво.  
Ахир, мангулик бу – миллат қалбида  
Яшамокдир дунё тургунича то.

Бор экан токи зулм, токи қабоҳат,  
Инсон юрагини тарк этмагай шєър.  
Асрлар қаъридан соғу саломат  
Сиз чиқиб келасиз, устоз Алишер!

Жаҳон шоирлари турса гар катор,  
Уларга сиз мудом сардорсиз, бошсиз.  
Бу кун юрагимда ғурурим бисєр,  
Ўзбек манглайига битган қуєшсиз!

Қалблар нурга тўлсин – шу буюк матлаб,  
Юксалар улуғдан улғуни олган...  
То маҳшар эҳтиром топса, не ажаб,  
Битта байтингизнинг мағзин чақолган!

Нафсдан чайқалганда замон – тўрт тараф,  
Сизни жалб этолди на тожу на тахт.  
Сизга мухлисликнинг ўзи бир шараф,  
Сизни англамоқнинг ўзи ҳам бир бахт!

---

Абдусаид Кўчимов

## ҲАЗРАТ

*Япониянинг Сока университетида  
Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилган*

Ҳазрат!

Беш асрдан ошибди, ҳамон  
Қалбга нур, дилга завқ, бошда соясиз.  
Халқимни танисин, билсин деб, жаҳон  
Дунёга ўзбекнинг номи ёясиз.

Бир қўлда ғазалу бирида ҳасса,  
Сока майдонида турибсиз ўктам.  
Куллуқ қилаётир Токио пастда  
Таъзим қилаётир мағрур тоғлар ҳам.

Ҳазрат!

Олис юртда камтар бўйингиз  
Чўққидай улуғвор, қоядай кўркам.  
Илло, қуёшга эш орзу-ўйингиз,  
Сакура гулидек беғубор, бекам.

Жумлаю жаҳонда топмоқда эъзоз,  
Сиз яратган ўтли, муҳташам байтлар.  
Асли, ҳар мисрангиз ҳайкалдир мумтоз,  
Асли, ҳар сўзингиз табаррук ҳайкал.

Ҳазрат!

Осиёдан Америка қадар  
Элу элатларнинг ардоғидасиз.

Бири “устоз”, деса, бири дер – “падар”,  
Миллиард нигоҳларнинг қароғидасиз.

Бугун қай бир ўлка, қай элга борсам,  
Иззат-эҳтиромлар билмас иҳоя.

“Алишер Навоий бобомдир”, десам,  
“Бобомиз бўлади”, десам, кифоя.

Ҳазрат!

“Кодзики”<sup>1</sup>, “Манъёсю”<sup>2</sup> каби  
Бугун ардоқлисиз ҳар бир японга.  
Уларнинг меҳридан титрайди қалбим,  
Ифтихордан бошим етар осмонга.

Битта шърингизга арзигулик иш  
Қила олса эди ҳар битта ўзбек;  
Ватанда қолмасди муаммо, юмуш,  
Машҳури бўлмасди жаҳонда биздек.

Ҳазрат!

Тиним билмай ишлаётирсиз,  
Қалбингиз ҳайрату ҳимматга тўлик.  
Япон заминида пойингиз ўпиб,  
Таъзимлар қиламан, қиламан қуллуқ.

Ахир, дунёмиди, қуёшсиз дунё,  
Ой ботган оқшомлар нақадар мудроқ.  
Сиз бизга Ой каби азиз доимо,  
Сиз бизга Қуёшсиз сероташ, порлоқ.

Ҳазрат!

Абадият саҳифасига  
Муҳрланаётир ўзбекнинг номи.  
Бобо, қабул этинг ушбу қасида  
Кенжа набиранинг Сизга саломи.

<sup>1</sup> “Кодзики” – қадимги ходисалар йиғини маси.

<sup>2</sup> “Манъёсю” – кўн асрлик кўшиқлар тўплами.



## МИЛЛАТ ВИЖДОНИ

Сафма-саф ўтаркан эллар карвони  
Тарихлар, замонлар довонларида,  
Порлаб кўринади миллат виждони  
Ҳазрат Навоийнинг девонларида.

Мангу сафардошлар Сўз ва Ҳақиқат,  
Нур бермиш азалнинг чирокларига.  
Ястаниб ётади улуғ мамлакат  
“Хамса”нинг муборак варақларида.

Бунда ҳар бир сатр – беш юз йиллик йўл,  
Ҳар сўз фариштадай силкитар канот.  
Ҳар бир умидворга узатади қўл,  
Байтлар орасидан Ҳикмат ва Нажот.

Она Тил, Она Юрт, азиз Она Ер –  
Аждодлар руҳи бу, авлодлар шони!  
Бу жаҳон мулкида ҳазрат Алишер  
Маъно оламининг Ўзбекистони.

Бобо Тарих ўзи ҳақ сўзга ровий,  
Вақтни-да кесолгай рост қалам шаҳти.  
Олти аср бўйлаб ҳазрат Навоий –  
Тафаккур пойтахти, Туйғу пойтахти.

Сафма-саф ўтаркан эллар карвони  
Тарихлар, замонлар довонларида,  
Порлаб кўринади миллат виждони  
Ҳазрат Навоийнинг девонларида.

## ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН

*Навоий газалига мухаммас*

Бўй баҳосинму дейин, басти расосинму дейин,  
Ҳоки посинму дейин, сочи сиёсинму дейин,  
Лаб гилосинму дейин, иижу жилосинму дейин,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,  
Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин.

Сину сахтинму дейин, сумбати мадҳинму дейин,  
Дору тахтинму дейин, қатлима аҳдинму дейин,  
Шаҳти шарҳинму дейин, кабоғи тарҳинму дейин,  
Кўзи қаҳринму дейин, киприки заҳринму дейин,  
Бу кудурат ичра рухсори сафосинму дейин.

Зулми захмину дейин, сўнг сулҳи авфинму дейин,  
Маҳри-ажринму дейин, сийрати қадринму дейин,  
Меҳри гардинму дейин, некбин хабардинму дейин,  
Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,  
Бу қаттиқ дардлар аро васлин давосинму дейин.

Лутфи коминму дейин, паймона жоминму дейин,  
Номи “золим”му дейин, умримга зоминму дейин,  
Тўқди конимму дейин, илкида жонимму дейин,  
Зулфи доминму дейин, лаъли каломинму дейин,  
Бирининг қадин, яна бирнинг адосинму дейин.

Юзи олинму дейин, сўзлари болинму дейин,  
Ўй-хаёлинму дейин, лафзи ҳалолинму дейин,

Хусни молинму дейин, мулки аъмолинму дейин,  
Турфа ҳолинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,  
Мовий кўнглак узра гулранги қабосинму дейин.

Баҳри мавжинму дейин, таҳ-батаҳ авжинму дейин,  
Давр панжинму дейин, чолғуда мажнунму дейин,  
Сабри саржинму дейин, пинҳони ганжинму дейин,  
Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин.

Ҳол Муҳаммад, узр ила айла пиринг ёдини қайд,  
Эш мусалсал бир ғазал, мухаммасул фақрона байт,  
Ошиқ ўлдинғки, магар, бўйла, вафо расмини айт,  
Эй, Навоий, дема қошу кўзининг васфини айт,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин.

## ВАҲКИ, УМРУМ

*Навоий газалига мухаммас*

Кечди кўргулик бу бошдин турфа мароми била,  
Гоҳи дониш аржуманд, гоҳ жоҳил авоми била,  
Етмали Ёр васлиға ким, ориф пайғоми била,  
Ваҳки, умрум барча зоеъ бўлди эл коми била,  
Бодаи ноб ўрнида хуноба ошоми била.

Ул сўнгни кунни кутиб тоат-ибодат фарқ эмас,  
Топконинг тўрт газ матою тутконинг туфроқми, бас,  
Бўл Скандар, шоҳ Баҳром, ёки Жамшид пурҳавас,  
Кимса юз йил комронлик қилса, билким, арзимас,  
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоқлик биров коми била.

Ихтиёру эрки хур ҳар бир қанотли кушниким,  
Ташна эрмиш то абад осмонға тушғоч ишқиким,  
Кўшигинин тўлдириб турғонда қумри ашқидин,

Заҳрини ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,  
Ичса ҳайвоп шарбатин нокомлиғ жоми била.

Шам туби парвонаға, чу, шамс йўлиданда йирок,  
Мугба лаб очкаича пайт – булбулға минг йилча фиروق,  
Қафасда эрса чаман, роз тиконға айтмиш, бирок,  
Юз дил ором айлагандин равза, хибси яхшироқ –  
Бўлмоқ ўз вайрони ичра кўнғли ороми била.

Ишла қурти мавҳ этиб ўзии, кўрур озодлиғ,  
Жонсарак ҳар неки бор, неъмат эрур озодлиғ,  
Боғи беҳишт бокарам, сўнгсиз сурур озодлиғ,  
Қушқа юнг маскан аро хушроқ дурур озодлиғ,  
Бўлғониндин банд аро сайёд ипак доми била.

Ўликмас ҳаргиз бўри, ит бирла тузмас иттифоқ,  
Солмағай сор назарин калжуржидан ортса томоқ,  
Беҳбуд миннатли тўндан ўз чопонинг юз ямоқ,  
Бўлмоқ итлар мунъими тан тўйма айлаб, яхшироқ –  
Танин қилғунча самин нокаслар инъоми била.

Юрғонинг савлат пеша, ҳам олғонинг кибор қўлин,  
Англа, камтар уламоға дахл эрур беҳад зулум,  
Комил улки ковледи сўзон ила Қуббон қўлин,  
Жоҳи маркаб бирла, эйким, бормадинг мақсад йўлин,  
Қагъ ўлур бетўшалиғ зоди фано гоми била.

Ўлдин иста эътибор, ки, эл дуоси – давлатинг,  
Юртнинг ҳар тошиға тексин зарра чеккан заҳматинг,  
Ким десун Ҳолинг билиб, ол икки олам раҳматин,  
Ўйи Навонӣ, ҳузи ила ўтқар қорилиғ меҳнатин,  
Чун ишгитлик борди айшу ишрат айёми била.

## КЎРГАЛИ ХУСНИНГНИ

*Навоний газалига мухаммас*

Оразинг офтобми ё ой, махлиё бўлдим санга,  
Бокмадинг ҳеч бир киё, вох, нораво бўлдим санга,  
Хурмидинг, малакмидинг, эй, махлиқо бўлдим санга,  
Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим санга,  
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдим санга.

Хун тўла бағримға бу дам – эмди сиғмас тола қил,  
Кўксима ботмиш хавотир бамисоли сангизил,  
Кўзлар нигорон ўлдило неча ой ҳам неча йил,  
Ҳар неча дедим-ки кун-кундан узай сендан кўнгил,  
Ваҳки, кун-кундан батаррак мубтало бўлдим санга.

Малҳами мисқол тилаб, дардими ботмон сўйладим,  
Тош эриб битмиш кара, кўр, бу кўнгилни найладинг,  
Рози ишқим рад этиб, ҳаргиз рақибим сийладинг,  
Мен қачон дедим вафо қилғил манго зулм айладинг,  
Сен қачон дединг фидо бўлғил манго бўлдим санга.

Баски истиғноу ноз, хундор карашма, борму ҳад,  
Лас либос, аждар кокул, товусқадам... Кулли офат,  
Тавсифинг таърифида ўзни йитирдим оқиба  
Қай пари-пайкарга дерсан, телба бўлдинг бу сифат,  
Эй пари-пайкар не килсанг қил манго, бўлдим санга.

Мен яна дедим санга, парвона бўл – сайёра бўл,  
Сен яна дединг манга, начора, сен бечора бўл,  
Бу бағир қоп-қорадир, кел, сенда бағрим ора бўл,  
Эй кўнгил тарки насихат айладим – оворра бўл,  
Юз бало етмас-ки мен ҳам бир бало бўлдим санга.

Паймона илкингдадур, бир-бир томиб тўлмоқда жом,  
Бу нечук ширин азоб-ки захри-ла бергай ором,  
На сирин билгай ориф ва на йўлин англав авом,

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдир мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдим санга.

Абраро ёшрунди ой, ёнмиш қавокиб – тун қаро,  
Ғам юки эзиб таним букмиш – букун Ҳолим хароб.  
Тийра ўлди тийнатим етмай муножот – илтижо,  
Ғусса чангидан новое топмадим ушшақ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдим санга.



**НАВОИЙ ҲАЗИНАСИ**

Сўз мулкида фахри олам, хизри роҳ,  
Ишқ дарсида муршиди ирфон паноҳ,  
Эй кўнгил, кел, таъб ганжидин бўл огоҳ,  
Навоийдан рисолатни ўрганайлик.

Баҳр аро топган хазинам тийнати,  
Улки иймон кишварининг зийнати,  
“Қуш тили”да жам эътимод, нияти,  
Навоийдан ҳидоятни ўрганайлик.

Фарход ила Мажнун де ишқ шоҳини,  
Лайло ила Ширин демиш моҳини,  
Англадингми, эй кўнгил, сен оҳини,  
Навоийдан саодатни ўрганайлик.

“Садди Искандарий” – бил, зулматда жон,  
“Сабъаи сайёр” эрур бир имтиҳон,  
“Ҳайратул аброр” ичинда дил ниҳон,  
Навоийдан адолатни ўрганайлик.

Ҳар байтида акс этур жон сурати,  
Шул ғамидин ғамгусор инсон сурати,  
Шул эмасми чин мусулмои сурати,  
Навоийдан диёнатни ўрганайлик.

Ҳикмати хаста кўнгилга ёр, англадим,  
Йиғладим, афғонини зор англадим,

Одамийдан бир фаришта бор – англадим,  
Навоийдан ҳаловатни ўрганайлик.

Назми қалблар тахтида, мушкулкушод,  
Ҳаққиға айланг дуо, рух ўлур шод,  
Улки биз-ла, бўлмағаймиз номурод,  
“Ҳазойинул маоний”ни ўрганайлик,  
Навоийдан Навоийни ўрганайлик.

## ВИДОЛАШУВ

*Ҳирот, 1501 йил, 3 январь*

Шамоллар дод солди, ўша тун тинмай,  
Мажнунтол сочини юлиб йиғлади.  
Дарахтлар ёқасин чок-чок этди,  
Қуёшга осилиб тоғлар йиғлади.

Ҳилол булутлардан кўк кийди у кун,  
Қабристон мунғайиб хўрсинди илк бор.  
Тўлғониб тошдилар дарёлар бутун,  
У дунё кенг бўлди, бу дунё-чи тор.

Маъвода юлдузлар айтдилар тасбех,  
Ўқирди қуёшда ўлтирган бир шер.  
Жаноза ўқиди жами қушлар ҳам,  
Алвидо Навоий, амир Алишер!





---

Муҳиддин Омон

### АЛДАНМАСУН

“Гулда вафо йўқин қаю бир қуш англади,  
Ҳаргиз вафо гули тиламас даҳр боғидин”.

*Алишер Навоӣ*

Юз кўрсатиб, майса яшил, келмай баҳор алданмасун,  
Қаҳри қаттол, юзи заҳил кетмайин қор алданмасун.

Гар боғ аро кулса ғунча, субҳи наҳор алданмасун.  
Сарин еллар сабосиға бўлиб хуштор алданмасун.

Кўнгилда ишқ кўзин очса, бўлинг хушёр, алданмасун,  
Сидқи-садоқатлар тиланг, қаданг туммор, алданмасун.

Ким алданди, дили бемор, холи душвор, алданмасун,  
Юзи доғли, ўзи ночор, эл ичра хор алданмасун,

Кўнгилда ишқ кўзин очса, бўлинг хушёр, алданмасун,  
Ки, Муҳиддин киби зинҳор бўлиб хуммор алданмасун...

### ЕТМАГАНЛАРДАН СЎРАНГ

“Даво чу мумкин эмас ишқ дардиға, ваҳким,  
Илож топмади бу дарди бедаво ҳаргиз”.

*Алишер Навоӣ*

Сиз севгини севганига етмаганлардан сўранг,  
Ҳижрон недур? – Ёр қўлидан тутмаганлардан сўранг.

Муҳаббатни олов дерлар, олов ичра ўртаниб,  
Самандардек ўтни писанд этмаганлардан сўранг.

Сиз севгини самолардан юлдузлардан изламанг,  
Садокат бир гадо эрур, либосин гиз-гизламанг,  
Шик муҳаббат – армоним, деб ёлғон сўзлайди шоир,  
Армон недур? – Ишқ йўлидан ўтмаганлардан сўранг.

Муҳаббатни шароб дерлар, чаман дерлар, боғ дерлар,  
Муҳаббатни офтоб дерлар, оғу дерлар, доғ дерлар,  
Шик йўллари – чағир тошли, беадоғ сўқмоғ дерлар,  
Сиз севгини манзилига етмаганлардан сўранг.

Севгини Сиз “севдим” – дея айтмаганлардан сўранг,  
Куздек кетиб, баҳор бўлиб қайтмаганлардан сўранг,  
Бу дунёи бозор дерлар, турфа суду савдоси,  
Севгини Сиз дил ганжини сотмаганлардан сўранг,  
Сиз севгини севганига етмаганлардан сўранг..



---

Самандар Воҳидов

## НАВОИЙШУНОС ЭЛ

*Ҳамқишлоғим, кекса деҳқон  
Сулаймон ҳоҷи Бурҳоновга*

Ният – иймон учун тилло тарози,  
Ният чашмасидан сув ичар иймон.  
Ҳажга жўнаётиб Сулаймон ҳожи  
Деди: “Дилимда бор бир кўҳна армон.

Шукур, ниятимга етказди Худо,  
Ҳажни соғу омон айласам якун,  
Бир умра қилгайман, иншооллох,  
Ҳажга боролмаган Навоий учун...”

Бу гапни шу қадар айтди самимий  
Ки, гўё сўз борар отаси ҳақда.  
Тасаввур айладим! Деҳқон ва Даҳо  
Бирга Байтуллоҳни тавоф этмоқда.

Ҳазрат орзусининг кемтик жойини  
Тўлдирмоқ агарчи, барчага жоиз.  
Ҳайратда колмасдим, бундай ниятни  
Айтса бирор шоир, олим ё ҳофиз.

Оллоҳ марҳаматин адоги йўқдир,  
Уни идрок ила англамоқ мушкул.  
Беҳуда айтилмас: “Мошоллоҳу  
Кана ва малам яшалам якун”.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Оллоҳнинг хоҳлагани бўлади, хоҳламагани бўлмайди.

Йўкса, сал кам олти юз йил наридан  
Авлодлар шуурин ёритган даҳо –  
Жой олиб бир хоксор деҳқон калбидан  
Муқаддас Ҳаж сари бўлурми ҳамроҳ.

Пирим, деб, юкунса Даҳога деҳқон,  
Ким олмас бу боқий ҳақиқатни тан:  
Навоий бўлса-да қўл етмас осмон,  
Қуёши тафтидан барча баҳраманд.

Ихлосманд юракнинг поклиги барҳақ,  
Қаграда Офтобнинг акс этмоғи рост.  
Ким дер: “Навоийни англамайди халқ”,  
Бу юртда деҳқон ҳам Навоийшунос!



## ХИТОБ АЙЛАБ

*Навоий газалига мухаммас*

Анинг номин тутиб ётгум тонгу шомда хитоб айлаб,  
Битиб нақшу наво, соқил, тузиб неча китоб айлаб,  
Неча айтмиш етиб оҳим, вал охир мустажоб айлаб,  
Тун оқшом келди кулбам сари ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин<sup>1</sup> гулоб айлаб.

Мусаввир сувратин чизса, ўзига ўхшатсаким гар,  
Керакмасдур гўзал этмакка маржон, зебу зийнат-зар,  
Чиқибди шахд жадал бирлан писанд эрмасму  
хавф-хатар,  
Қилиб мужғонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,  
Белиға зулфи анбарборидин<sup>2</sup> мушки таноб айлаб.

Кириб келдию нур сочди, париваш толеъи рахшан<sup>3</sup>,  
Қаро кўзида ялт этди недир меҳрға менгзаган,  
Нигоҳин ташлади доғи табассум айлабон шўхшан,  
Қуёшдек чехра бирла тийра кулбам айлагач равшан,  
Менга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Онинг рухсори оллида фақр кулбам ғариб эрди,  
Юзим қизардими, билмам, қабосин<sup>4</sup> чиқариб эрди,  
Манго ҳайрат ила боқди ва мушкин қошларин керди,  
Кулуб ўлтирдию илгим<sup>5</sup> чекиб ёнидан ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

---

<sup>1</sup> Хай – тер.

<sup>2</sup> Анбарбор – ёқимли ҳид таратувчи.

<sup>3</sup> Рахшан – ялтироқ, порлок.

<sup>4</sup> Қабо – устки кийим.

<sup>5</sup> Илгим – кўлим.

“Қани, таъна килурмисан хабарсиз на елибдурсан,  
Ўзим бормай не ҳол кечди, коронғуда келибдурсан,  
Диб эрдинг, сочи сунбул қолмайин доғда,

келибдур сан,

Ки эй зори балокаш ошиғим мансиз нечукдурсан?”  
Ман ўлдим лолу айта олмайин майли жавоб айлаб.

Келиб оқшом чоғи дилбар гумонимни тамом қувди,  
Ки кўзга илғамас тезлик ила нозик қўлин ювди,  
Ўзи бирлан олиб келган тугунчакни очиб қўйди,  
Чиқарди шишаи май доғи бир соғар<sup>1</sup> тўла қуйди,  
Ичиб, тутти манға юз навъ нозосо итоб<sup>2</sup> айлаб.

Шароб тутган алин<sup>3</sup> ўпдим, дедим, висолға ҳам

етдинг,

Вале, дилбар, ақлдин оздириб беҳушу лол этдинг,  
Деди: “Қўрқма, дадил бўлғил, мурод-мақсадғаким

етгинг,

Ки эй мажнун, пари кўрдинг, магарким, тарки хуш

этгинг,

Такаллум қил, бу соғарни ичиб, рафиъ ҳижоб<sup>4</sup> айлаб.

Леё дўстлар, ким ул кўрқса хато қилғай ёмон кўздин,  
Омон қолмоқ гумон ёник, олов-ўтға макон кўздин,  
Тараб чоғи кетиб иймон, кўтарилгай ҳаё юздин,  
Ичиб, фарёд этиб тушдум оёғиға бориб ўздин,  
Мани йўк бодаким, дутфи онинг масти хароб айлаб.

Хаёлотми десам ҳақдир, мана ёнимда у шундоқ,  
Ки беҳуш тўлғанур жонлар ақл хушдин суво мутлоқ,  
Иковдин бахтли йўқ оламдаким Комил Аваз шу чоқ,  
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

<sup>1</sup> Соғар – май ичадиган идиш.

<sup>2</sup> Итоб – қаҳр, ғазаб.

<sup>3</sup> Ал (шева) – қўл.

<sup>4</sup> Рафиъ ҳижоб – нардани кўтариш.

УЛУҒЛИК ТИМСОЛИ

Гуржистонда буюк удум бор,  
Қизга келса ошиқдан совчи,  
Кимлигига қилмас эътибор,  
Косибми у, деҳқонми, овчи...  
Илк саволи фақат шу бўлар:  
– Ўрганганми Руставелини?  
Шу важданки шоирни билар,  
Гуржистоннинг куёв-келини.  
Ҳар ўзбекнинг уйига бирров,  
Буюрганда совчилар ташриф  
“Навоийни биларми куёв”, –  
Деб сўрашсин қилурман таклиф.  
Шундай талаб қўйилса алҳол,  
Қўрқманг, қолмас кизларимиз ток,  
Буюк шоир шэърларин дарҳол,  
Ёд оларди ҳар ошиқ бўйдоқ.

Назми Миллат,  
Юраги Ватан,  
Навойдан покланар иймон,  
Навоийни дунё олар тан,  
Бизга насиб наволи чаман.  
Улуғликка тимсол андоза,  
Ҳар бир сўзи илоҳий ва ҳақ.  
Виждони бут,  
Юраги тоза –

Навонидан мадад олган халқ,  
Навонидан кимки бебахра,  
Ошиқ эмас, саналмас ота.  
Кўкси мисли қарғалган сахро,  
Эта олмас элга жон фидо.  
Қалбини ишқ тилмаганларга,  
Насиб этмас фахрли ўзлик,  
Навонийни билмаганларга  
Қиз бермасин бирорта ўзбек.





## ЧАМАНДИН ЭСДИ ШАМОЛ

*(Навоий газалига мухаммас)*

Кўрки, бекиёс воҳа бўлди зилол ўзгача,  
Ёритадур рухимни завқи ҳилол ўзгача.  
Қўйки, келгуси тайин васли висол ўзгача,  
Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,  
Ҳар дам ўлур атридин кўнглима ҳол ўзгача.

Юришлару туришда ғурур, ҳаво ўзга навъ,  
Насим эсса, танларга берур даво ўзга навъ.  
Айтишувда очилгай тўти, саъва ўзга навъ,  
Булбули кумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,  
Кўргазадур сарву гул ранжу далол ўзгача.

Кўзда ҳайрат ёндириб ранглар жамулжам, тирбанд,  
Турфа гуллар ковушган, камол очиб банди-банд,  
Ҳаяжон лашкар тортар, тебранган гуллар монанд,  
Савсан ўлуб сарбаланд, ғунча килиб нўшханд,  
Элга алардан етиб дафъи малол ўзгача.

Атиргул гул-гул ёниб, бўй таратар муаззам,  
Карнайгул товланади хиром айлабон там-там,  
Пуштигул, кўзигулу намозшомгул, – бари жам,  
Сунбули пуртоб ҳам, лолаи сероб ҳам,  
Дуд ила ўтдек бўлиб шибҳу мисол ўзгача.

Шодиёна, қувончдин шеърга тўлди дафтарим,  
Ҳар ён дўстларга учди бахтни алқаб хатларим,

Бир дам гулзордан колди узилмайин назарим,  
Кирди магар дилбарим, хури пари пайкарим,  
Гулшан аро кўнгилда фикру хаёл ўзгача.

Ҳафранггул товланади, айлайди ҳазлу ҳузул,  
Қашқаргул тўлғанади бўлмокчидай чопавул,  
Бор чиройи ярашар, бари дилимга мақбул,  
Бўлса менга доғи йўл, андаки айш айлар ул,  
Қилсам эди маст ўлуб колу мақол ўзгача.

Ҳаёт тотин оширгай бу шавку кутлуғ фарах,  
Меҳр ила оқибат нуридан этгай огоҳ,  
Менга ортик мурувват на ҳожат, топсам пойгоҳ,  
Умри абад топқамен, тутса манга бир қадах,  
Нашъаи майдин анга ҳусну жамол ўзгача.

Дилдор қадами ила бўлди боғлар мукаррам,  
Кўкда офтоб ҳовлиқар нур сочиб тарам-тарам,  
Ҳукм шуки, бўлмаса аҳли ушшоқ мухтарам,  
Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,  
Қилмағасен, эй кўнгул, фикри муҳол ўзгача.

Болтаё, галвани қўй, бўлмағай таҳдидда файз,  
Ҳаёт шаробин тутгин, ким кўрди маҳдудда файз.  
Эртангни қаққашон бил, ҳамиша умидда файз,  
Зухд, Навоий, санга бермади масжидда файз,  
Энди кириб дайр аро, тархни сол ўзгача.



### НАВО КЕЛУР

Навоий деганда кулоқларимга  
Узоқ асрлардан бир нидо келур.  
Навоий деганда гулбоғларимга  
Қахратон қишда ҳам хуш сабо келур.

Сизни ёд этганда, эй доҳий шоир,  
Ғурурдан шеърпарвар кўкрагим тоғдир,  
Сизни ёд этганда ёдимга бир-бир –  
Гоҳ Фарҳод, гоҳ Ширин, Мулқоро келур.

Эй ашъор мулкининг буюк султони,  
Эй ўзбек халқининг суюк ўғлони,  
“Хамса”нгиз ёритмиш шеърый самони,  
Лутфий шод: “Дунёга не наво келур!”

Сиз она тилимнинг шердек ҳомийси,  
Сиз бу тил биносин толмас Монийси,  
Навонгиздан димоққа минг хил гул иси,  
То абад атирли хуш ҳаво келур.

Тириксиз, то тирик наволи диллар,  
Сиймонгиз нур сочиб турар минг йиллар,  
Сизга эҳтиромда мудом кўнгиллар,  
Номингиздан тилга бир наво келур!

## ХЎТАН ГУЛЗОРИДИР БУ

*Навоний газалига мухаммас*

Ўшал Ой юзлининг дийдоридур бу,  
Париларнинг, пари – дилдоридур бу,  
Икки юзи Кува аноридур бу,  
Дема юзким, Хўтан гулзоридур бу,  
Дема хат, нофаи тоторидур бу.

Ана жоду кўз остидан боқишлар,  
Ақиқ, лабларданам гуҳар сочишлар,  
Ана ноз учкунидан дил ёқишлар,  
Кўзи ўлтурса, лаъли жон бағишлар,  
Ажойиб муддао изҳордур бу.

Бўлуб шахду шакар, қанду асал, бол,  
Ки тургоним билиб ошуфтаҳол, лол,  
Билиб келмаслигини асло малол,  
Ўғирлар жон занахдонинг аро хол,  
Ки, Бобил чоҳининг айёридур бу.

Қачонки сўнгатка ишқ тиғи ботти,  
Кўзум қон ёшидин олис тонг отти,  
Бу тонг етти осмонни-да қизортти,  
Кўнгул узлукни бир согарга сотти,  
Агар дайри фано хумморидур бу.

Бу Олкорни десам: қил, эй пари, фаҳм,  
Фироқинг дўзахи-ла солма кўп ваҳм,  
Учар елга паризодлара гапим,  
Навонийга десам: қил эй пари, раҳм,  
Кулиб дер: не ҳаёсиз қоридур бу.

### НАВОИЙНИ АНГЛАШ

Шеър қошида не-не қалблар йиғлаган,  
Шеър унинг қошида нола чекиб шод.  
Асрлар қаърида нурдай туғилган  
Биз исм-шарифин эъзозлаган зот.

Унгача нима бор? Ким бор? Бу сирни —  
Шарҳ айламак балки шарт эмас ҳозир.  
Минг йилда бир келган улуғ шоирни  
Минг йил давомида ўргансак арзир.

Тарих, дегани бу жанг-жадал эмас,  
Сўздир у, сўзларда акс этган маъно.  
Балки туркийни ҳам биров тил демас,  
Навоий назмидан туймаса наво.

Қаранг, шоир ва шоҳ баҳс этар мудом,  
Юраклар тубига чўкади оҳлар.  
Улар шарафига кўтарилар жом,  
Ҳар икки жомга ҳам қуюлган захар.

Эл ғамин ўйлаган бари бир ўлмас,  
Уни кутар доим тақдир аломат.  
Бу юксак нолалар ҳеч қачон сўлмас,  
Кўнгилни авайлаб-асрар саломат.

Фикри бад касларни таҳқир айламак —  
Васф этишдек савоб илоҳий ишқни.

Ахир, ор эмасдир очик сўйламак:  
Жуда кеч англадик бу шан кўшиқни.

Нахотки, беш аср орқада қолдик  
Навой бободан, азиз даҳодан.  
Ифтихор хиссимиз елкамизда юк,  
Бағримиздан армон аримас, зотан –

Сизни мураккаб, дер бунда баъзилар,  
Бепарда яралган гўзаллик қачон?  
Ўша тулки ҳамда ўша узумлар  
Эсимга тушади шунда ногаҳон.

Авлод-авлодларга ҳамиша ёр у,  
Турфа халқлар аро расо қаддимиз.  
“Сўзимни эшит” – деб бизларга зор у,  
“Биз ҳам – зор” – дейишга борми ҳаддимиз?

“Эй Навой!..” – қуёш тушар самодан,  
Кетар пой-пиёда уфқлар оралаб.  
Юрак энтикади тоза ҳаводан,  
Метин дардларини тилка-поралаб.

Уйғоқ шуур билан хаёлга толсак,  
Навой ва иймон – уйғун тушунча.  
Шоирга биз қанча яқин боролсак,  
Худога яқинлаб борурмиз шунча.



## НАВОИЙ

Буюк ибодатга чоғланган каби  
Халқим пири томон келмоқда оқиб.  
Бу кунлар илоҳий, бу кунлар набий,  
Кўнгилларнинг боргоҳидир Навоий.

Кийдирди тилимизга шон тожини,  
Тўлади эл толеи, эрк божини,  
Абадият қадар сўз хирожини,  
Насру назм подшоҳидир Навоий.

Бир куёшки, мунаввардир назми кўк,  
Бир шарафки, шарифлар ичра ўзбек,  
Бир уммонки, ўзани эзгулик, эрк,  
Озодликнинг маёғидир Навоий.

Асрар озод юртни бало-қазодан,  
Муножоти, назми Арши Аълода,  
Қўллаб турар халкин икки дунёда,  
Элнинг пушти паноҳидир Навоий.

Маънавият надир?!  
Надир илм-урфон?!  
Адолат туғини кўтарган аркон,  
Мулки тафаккурға пири чароғбон,  
Маънавият байроғидир Навоий.

Навоийни ўқиб ёришар олам,  
Улус дарди, орзулари унда жам,

Навойдан мадад сўрагил, болам,  
Эл бош урар даргоҳидир Навой.

Навойга етмай, етмаймиз ҳаққа,  
Маърифатдан айру айлансак халққа,  
Хасдек отадилар бизни қирғоққа,  
Кўнгилларнинг чироғидир Навой.

Етсак эди илоҳиёт азмига,  
Кирсак эди руҳоният базмига,  
Дармон бўлсак элнинг дарду арзига,  
Халқнинг бахтига боқийдир Навой.

Озод элим, омонмисан, бормисан?  
Ватан учун келажакка ёрмисан?  
Буюк йўлда ўйғоғу бедормисан?  
Яратганинг сўроғидир Навой.

Тангрим пир сайлади адабиётга,  
Мукаррам айлади инсониятга,  
Шу эл қайғусинда абадиятга  
Огоҳлик кўнғироғидир Навой.





## НАВОИЙНИНГ МАРҒИЛОНЛИК МУХЛИСЛАРИ

Мезон.

Маҳмуд ўғли Исмоилнинг гулларга ошён  
Ҳовлиси.

Баланд ишком остида,  
шуълаланган

тилла узумлар хидидан сармаст,  
суҳбат қурар икки юрак,  
икки тақдир.

Қадим адабиёт,  
Навқирон шеърят...

Баланд-баланд тоғлардан шошган сувлар ҳам,  
кувлашмачоқ ўйнаб кечган кунлар ҳам,  
ирмоқларни сиғдиролмай азим Сирдарё,  
бир латиф ғазалдай бўлмиш Фарғона.

Овоз берар Увайсий момо,

Нодира моҳим,

суҳбатга бош бўлмиш Навоий бобо,  
Ёр эшигин тонг отгунча кучган Ҳазиний,  
Эл дардини куйлаб ўтган Махмурғача то.

Эҳ-ҳей

тағин қанча-қанча шоирлар.

Нур ёйиб даврага кирар Ҳувайдо,

Ёркентдан нидоси бўйлар Фурқатнинг.

Муқимий яқтақда “ох” тортади, “ох”.

Ҳабибулло Саид Ғани шеър ўқир маҳзун.  
Ў, Йўлдош Сулаймон момоғулдирақдай  
тортади наъра.

Ногоҳ,  
осмон тоқидан таралар бир сас.  
Бир лаҳза қотган муаллақ  
“қурей-қурей” – садо тортган турналар.  
Ё фалак,  
Осмонга ўрлайди Адабиёт,  
Замину фалакни чулғар Шеърият қалби.  
“Биз қайтамиз” демоқчи бўлдими улар,  
Фарғонани ташлаб кетган  
шоир болаларидек?



---



Ғулом Ғатҳиддин

АЛИШЕР НАВОИЙ

Ҳеч ким кўтаролмас Навоий юкин,  
У қалб каъбасига очган минг эшик.  
Лолман, қандай қилиб, шундай буюкни,  
Бағрингга сиғдира олгансан, бешик?!

Тоғлар текис бўлур агар ул зотнинг  
Жамланса бир жойга чеккан заҳмати,  
Унинг умри, сўзи – безар ҳаётни,  
Навоий – Ватанга – Оллоҳ раҳмати!

Ўзингга беадад шукр, ҳамд, сано,  
Ўзбекка шундай зот ато этган Ҳақ!  
Айтгил, қандай сиғар еру осмонга  
Шундай алломани улгайтирган халқ?!

---



## Носир Муҳаммад

Алишер Навоийнинг форсий девони  
“Девони Фоний”даги асарларидан таржималар

### ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Олам истарманки, унда аҳли олам бўлмасин,  
Олам аҳлининг жафосидин сира ғам бўлмасин.

Унда на кундуз асирлар кўз ёшидин ваҳми сел,  
Тушлари бечоралар оҳию мотам бўлмасин.

На фалак бедодидин кўнгилда юз дарду алам,  
На ситам шамшири кесган бедаво ҳам бўлмасин.

Одамийликдин йироқ, зоҳир пари юзликлару  
Сийратида девсифат, суратда одам бўлмасин.

Эй кўнгил, қўй бу ҳавасни, бор бугун майхонага,  
Кўҳна жоми Жамни сипқоргилки, ҳеч кам бўлмасин.

Лаългун май куй қадахга, завқу шавқинг бир жаҳон,  
Ёру осмон чарх уриб, айланмаган дам бўлмасин.

Шундайин сипқорки, у гар жоми Олам бўлса ҳам,  
Мисли дўзах остидек тубида бир нам бўлмасин.

Бу жаҳоннинг ҳар ёмону яхшисидан фориг ўл,  
Кўн эрур пасту баланди, хотиринг жам бўлмасин.

Фониё, сен чархи гардун ишларини ўйлама,  
Унда ҳеч маънини топмассанки, мубҳам бўлмасин.

\* \* \*

Сенинг раъно қадинг ҳар жилваси бўлғай бало дилга,  
Етар ҳар тола сочингдин шарар бу мубтало дилга.

Баҳор найсонларидин ғунча кўз очган каби, кўнглум  
Очилғай шунча тез, ёғилса кўп тири жафо дилга.

Тонг отгач ишқ мавжидин ошар юз бора туғёним,  
Агарчи манъ этурман кечалар бу бедаво дилга.

Дилу кўзим ҳалокат ёқасига етса ҳам, лекин  
Кўзим мардумида қаддинг, бу зулмингму раво дилга.

Мени шод айлади ишқингки, сен гар қайга ўқ отсанг,  
Тегар, албатта, кўзим ёки сийнамга ва ё дилга.

Вафо аҳли ҳамиша чеккуси озор афлокдин,  
Севингум бевафо ёрдин агар етса жазо дилга.

Куй, эй соқий, қилиб бир одамийлик каттакон жомда,  
Замон нокасларидин ғуссалар бўлмиш-ку жо дилга.

Менга кўнглинг куйиб, дилбар, ки раҳм этгай эдинг,  
Фироқингдин кўзимда не ва ё не муддао дилга. билсанг

Фано даштини тарк этсанг, ажаб эрмаски, эй Фоний,  
Бақо бўстонининг хуш бўйидин етса жило дилга.

\* \* \*

Эй гўзал, май оташидан юзларинг тоби бўлак,  
Сув урар терлар қизиқ чехрангга, не оби бўлак.

Туш кўрибманким, тирилмишман лабинг болин сўриб,  
’Энди минг орзу қилурман келмагай хоби бўлак.

Ол дудоғинг маст этибдур, ўзга ҳеч вақт истамам  
Не шароби лоларангу не майи ноби бўлак.

Қибладан ҳам юз ўгирган десалар майли, агар  
Саждагоҳим қошларингдан бўлса меҳроби бўлак.

Гоҳида девоналикдан шод эрурман, чун менга  
Сочларинг занжиридан йўқ ўзга қуллоби бўлак.

Тун хаёлинг бўлса меҳмон, сархуш ўлгум дамба-дам,  
Ишк дунёсида мендек борми бетоби бўлак.

Кўзларим равшан хамиша юзларингдан нур эмиб,  
Фониё, бу юзга ўхшар қайси офтоби бўлак.

## ҚИТЪАЛАР

\* \* \*

Ёмонга яхшилик кам қилгил, аммо  
Не имкон бўлса қўлда яхшига қил.  
Агар лутфинг уларга айласанг тенг,  
Ёмонга кўп бўлур, яхшига оз, бил.

\* \* \*

Улуғлар шеърига Фоний назира  
Ёзаркан, бу эмасдир худнамолик.  
Улар диллар уйига соҳиб эрса,  
Муроддир бунга у ерда гадолик.

\* \* \*

Ёмон шахсдин бўлур гар яхши фарзанд,  
Таажжуб ҳам таҳайюр қилмоғинг қўй.  
Ахир, тошлар аро гавҳар топилгай,  
Тиканлар ичра гул ҳам тарқатар бўй.

\* \* \*

Карамдин мард йигит мулки камаймас,  
Ажин тушмас сахий юзига ундан.  
Камиб қолмас сувини сочса дарё,  
Таратса нур зари кетгайми кундан?

\* \* \*

Не ҳолдир бу, муганний куйлар-у лекин билиб бўлмас  
Бу шеърнинг маънисин, чунки анинг сўзи эрур мубҳам.  
Биров тинглаб, деди: “Бу шеър таниш, англолмади  
аммо”,  
Дедим: “Бу шеър менингдур, тўғриси, англолмадим  
мен ҳам”.

\* \* \*

Дунё саройида ҳар он бир карвон  
Емак ва уйкуга қидиради жой.  
Аммо муқим қолмас, чорлайди сафар,  
Шу сабаб аталмиш у карвонсарой.

\* \* \*

Олиму жоҳил гар инсон зотидандирлар, вале  
Фарқи бордур осмондин ергача бу хайл аро.  
Дур билан дўл ўхшагайлар бир-бирига зоҳиран,  
Ул борур шоҳ тожиға, бул бўлғуси тупроққа жо.

НАВОИЙ

Худонинг ердаги улуғ тилмочи  
Улкан хонақоҳда ўлтирар ёлғиз.  
Дунё ҳам кўрмаган ҳали кўз очиб,  
Бундай ёлғизликнинг султонин ҳаргиз.

Сўзин шивиридан қорайган гавҳар  
Умаланиб кетар хурлигидан боз.  
Ҳаёт – ишқдир деб у қўйгач сарлавҳа,  
Тоғлар қанот боғлаб қилади парвоз.

Озодликка чиққан маҳбусдай, ё Рабб,  
Қуёш тўйиб ҳидлар осмон кўксини.  
Боладек жилмаяр ва унга қараб  
Кечирди ўзининг ёлғизлигини.



---



Ойгул Суяндиқова

### НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ҚОШИДА

Ҳар биримиз – денгиз томчиси,  
Ҳар биримиз – қуёш зарраси.  
Ҳар биримиз – гулбахор иси,  
Ҳар биримиз – орзу қатраси.

Ҳар биримиз – бир даста райҳон,  
Жаннат гули, жаннат ифори.  
Ҳар биримиз – энг тоза найсон,  
Еру кўкда диллар дутори.

Бу очунда яшамоқ рангин,  
Вақт айланар, асрлар ёниқ.  
Абадийдир шеърият тонги,  
Кўз илғамас оламлар тиниқ!..



---

Икром Искандар

## МУМТОЗ ОҶАНГЛАРДА

*Ҳазрат Навоий назмига эҳтиром ила*

\* \* \*

Каштасин кўлга олса, келиб боғ ичра нигорим,  
Суратига маҳлиё эмиш малоҳат эли ҳам.  
Ноз ила ул ҳар қачон ип ўтказурда, во ажаб,  
Игиасин тешиғидан ўткайдек иозик бели ҳам.

\* \* \*

Ёр васлин истаб, дўстлар, андоқ бўлибман бсқарор,  
Куёш хаёл қилингиз кўнглимдан кўчса бир шарор.  
Ҳар қачонки, ҳажрида оқса кўзимдан жолалар,  
Денгизга денгизки, бу уммон юз қатла сенча бор.

\* \* \*

Ўртанурмаи, ҳар жойда кезиб, сайрон бўлмасин деб,  
Мунча чиройни кўриб, эл ҳам хайрон бўлмасин деб.  
Дуодаман, илло ҳусн учун солиқ солмасинлар,  
Бу мулкда якто ёрим хонавайрон бўлмасин деб.

\* \* \*

Мен не дейки, сен не десанг шул бўлғай, хулоса тамом  
улдир,  
Балки қаҳринга учрамоқ ҳам васлинга етмакта омилдир.  
Сен-да муттасил қоним ичмакдану жоним олмоқдин асти  
Истиҳола қилмаки, бу хўбларга таому таомилдир.

\* \* \*

Гар етказса малол сенга етмасин ёдим менинг,  
Кезмагил сахро тагин то тутмасин додим менинг.  
Ўртама нозик дилингни сайд этарда адашиб,  
Ул югурган оху эмас, оху фарёдим менинг.

\* \* \*

Қадинг ё эгилиб ҳидладинг  
Гулни ё гулга бўй карз бердинг,  
Ё меҳринг кўрсатиб бир қатра,  
Гулга ноз илмидан дарс бердинг.

\* \* \*

Қаён боқсам намоён кўз олдимда ул қад манга,  
Бўйла юракка чизилмиш аён холу хат манга.  
Ўз-ўзи била сўзлашур деб маломат қилур эл,  
Бида олмаски, хаёлинг бўлмиш ҳамсухбат манга.

\* \* \*

Ул париваш ушшокқа бир сабоча элмас,  
Ки, ногаҳон ҳижрон сахросига елмас.  
Кўп ёзғурма ҳолим сўрмас дебон, балки  
Нозиклигидан “ҳа” дерга ҳоли келмас.

\* \* \*

Мен истар гул битган бул гулзор гирдинда  
Ўртаниб, қолибман бор озор гирдинда.  
Ул сори етмакка не чора бўлғайки,  
Бўлибман парвона анинг чор гирдинда.

\* \* \*

Паришон этиб, билмам, мену кўнгилни қаён айлади,  
Гоҳ жафо эътибори бирла ғарибин шоён айлади.  
Қачонки бир ишва ул маҳваш бизга намоён айлади,  
Ғамзада жонни бир ғамзада олмоғин аён айлади.

\* \* \*

Чехра очди ё қиёмат этти фош:  
Ё Раб, унда ҳам ҳилолу ҳам куёш.  
’Олга солиб сеҳру макру афсун ё,  
Не хат битар гул юзига қаламқош?

\* \* \*

Кўнглига ёр деб тутганга ёрлиғ тутмабсан,  
Нилларки сени кутганларни кутмабсан.  
Фаромуш қилмабсан ўзгага вафони,  
Бизни унутмоқни-да лек унутмабсан.

\* \* \*

Девор янглиғ тек қотмишман лолу хайрон, бир лаҳза  
Боқиб кўнгилга жамолинг сувратин нақш айладинг,  
’Окансанки мунча моҳир мусаввир, бул кўзгуга  
Бир нигоҳ ила не тиниқ рангларни бахш айладинг.

\* \* \*

Ншқинг кўйида саргардон кезарда биёбонда  
Топдим ўзимга бир дардкаш, отини Мажнун демиш.  
Ҳамроҳ деган ҳам мунча сўз айтмишми иштибоҳли,  
Ажабки, сен бор дунёда яна Лайли ким эмиш?

\* \* \*

Ёрни ҳолимдан, сабо, гоҳ оғоҳ этиб тур,  
Дегилки, дағи сўрса, “Аҳволи нетибдур?”:  
Қошларингга ҳавасда эрди ул кўп замон,  
Оқибат кадин унга татаббу этибдур.

\* \* \*

’Олга баҳра улашмағай хуснидан,  
Мулким зиён кўрмасин деб бағритош,  
Тагин йиғлаб дур сочгани не судким,  
Ёш қолғайми кўзларидан тўкса ёш?

\* \* \*

Гар сенда одамийлик йўк, бу париликдан нишон  
бўлмиш,  
Не пари, пари десам, бу пари аҳлига ҳам шон бўлмиш.  
Кўзгуга боқиб ноз ила сузилмиш мастона кўзларинг,  
Ё улар-да жамолингга боқиб лолу паришон бўлмиш.

\* \* \*

Не ажаб, ёшларим ҳадсиз юлдуздай сочсам қошида,  
Ким, бор эмиш янги туккан хилол тимсоли қошида.  
Хилол демайки, ҳар лаҳза минг қатла қатл этмак истар  
Қиличлардурки, қолибман бу икковин талошида.

\* \* \*

Ихтиёрсизликдан ўзни унутиб, ҳар лаҳза кўйингда  
Телбаликлар қилмоқ манга матлабу сарвату савлатдур.  
Санга айтур эмишки эл, ул мажнунингни даволат деб,  
Они бир йўли орадан кўтармоғинг, балки, давлатдур.

\* \* \*

Ўзинг назар қилмасанг, не ажабки, муштоқ эл  
Бул ўйноқи нигоҳни тутолмай ҳайрон эрур.  
Жон чекмайин сайёдга сайд айламак не имкон,  
Кўзинг ўзингга монанд – ташбеҳи жайрон эрур.

\* \* \*

Эмиш ёрим ҳали жуда норасида  
Карам ила меҳрибонлиқ борасида.  
Расо экан, лск, жафонинг ҳар бобида,  
Ҳукм битмиш менга қошин қорасида.

\* \* \*

Ҳуснимни оширай дебди-да танноз ёр,  
Агарчи сочлари белидан қирқилди,

Сочга не андухким, энди бу афсунгар,  
Ажабки, белини соч янглиғ қил қилди.

\* \* \*

Сабру бардошдан ўзга тўзгитиб топмабди эл  
Гарчи абгор кўнглимнинг бор авра-астариндан,  
Вале ўзни унутиб қуюн каби кўпибман,  
Ҳар қачонким келса гар бир насим настариндан.

\* \* \*

Эй тун, ҳар лаҳзанг юз йилча эдию не дей адо  
Бўлмоғинг, мумкинмас эди боз бир пас хоримоғинг  
Жоним ўртарда, не бўлди, энди васлига стиб,  
Берга кўнгул ёрмоғимда мунча тез ёримоғинг?

\* \* \*

Нола кўп қилмагил, эй булбул, бу бўстонда  
Қачон унмиш бир вафо гули, эккан била.  
Яна фиғонингдан чикмасин мунча дудки,  
Қайгу даф ўлғайму ё камрак, чеккан била.

\* \* \*

Қачон гул болин юзида кўзга намоён айламиш,  
Ҳар дам ул сири пинҳонни гар истамиш, топмиш ари.  
Сен доғи қилма гумонки, кўнгулда лиммо-лим ишқинг  
Бул масал ичра асалдур – магар кўринмас, эй пари.

\* \* \*

Адашиб бўлибман хижрон даштида зору хайрон,  
Муяссар бўлмиш деб қачон ул санам васли манга.  
Қошига еткунча мунча бўлдим десам саргардон,  
Кўрсатмиш экан эгри йўл қошлари асли манга.

\* \* \*

Сабоқ олур майин сабо хиромон юрмакингдан,  
Сарвки бўйига андоза ўй суриб турмакингдан.  
Тун дунёни қарортмоқнинг фанин соч турмакингдан  
Ўргангай, яна ноз илмин ғунча лаб бурмакингдан.

\* \* \*

Ҳажрида битмиш қадим ё, ангаким асо қалам  
Чекмабди ракам қадимдан доғи зорлигдан бўлак.  
Жаврин ошириб, ул пари, кўнглини ёзса, не тонг,  
Хусни хатида бори бор, бизга ёрлигдан бўлак.

\* \* \*

Кўнглимни олиб, билмам, на этдинг, нағора  
айлабмидинг,  
Додлатиб ул ғарибни, тинчим яна ғорат айлабмидинг,  
Ажаб базм тузиб, жафо навосини авжга чиқариб боз,  
Ҳар авжингда ушшоқни ўртарни нақорат айлабмидинг?

\* \* \*

Сарву гулзорга ўхшар деб қачон сифат этибман,  
Андоқ лоф қаду рухсоринг вуболига қилибман.  
Билмай ҳижолатга қўйиб сарву гулзорни, мунча  
Алар бечораларга ҳам муболаға қилибман.

\* \* \*

Ер ўпган сочми ул, юзинг нуридан  
Қадиндан қатимдай ё соя эмиш?  
Юзингки, зимистон тунда ёруса,  
Хат битурга шамдай кифоя эмиш.

\* \* \*

Гар қилмаса парво пари парвонасига,  
Мен ҳам анга яна таъна қилмоғим надир.

Факат куйдирмок иши деб ўйламоқ нечун  
Кн, шамда ҳам бўлса керак бир дард, ёнадир.

\* \* \*

Бизни ёр қошига қора тортибди  
Ўсмадин, пардозин муддао айлаб.  
Бизни ё қошига қора тортибди,  
Кўрсатмакка нозин иддао айлаб.

\* \* \*

Мубталолликда, билмам, не балоларга бу бошки  
Дуч келмиш, яна бетин кўзимдаи тўхтамай ёшки,  
Васлинг васфини битгум – валс етгунча ҳажрингда  
Қаламим бирла мен ҳам йўнилиб битмасам, қошки.





## АЙЛАСА

*(Навоий газалига мухаммас)*

Розиман олам иши кўксимни маъво айласа,  
Севганим ҳар кун ёнимда ўзни таманно айласа  
Айрилиқ тушса бошимга, майли ғавғо айласа,  
Кўнглум ўртансин агар, ғайрингга парво айласа.  
Ҳар кўнгул ҳар ким сенинг шавқингни пайдо айласа.

Мен адолат йўлида маҳрами хуршид ўлай,  
Севганимнинг ҳажрида қон қусиб, хушнуд ўлай,  
Васлига етса ҳуду гоҳида беҳуд ўлай,  
Ўзгалар васлин тамошо айласа, номуд кўзим,  
Ҳар киши ҳар ким сенинг васлинг таманно айласа.

Дилда ўзга ёр пайдо айласам, чиқсун кўзим,  
Жонни билмасдан фидо айласам, чиқсун кўзим,  
Бошқа номин мен нидо айласам, чиқсун кўзум,  
Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснингни тамошо айласа.

Зикр айласа гар бошқани дудукмисол, ўлсун тилим,  
Кўп қадимдан халқда бор шундай мақол ўлсун тилим:  
Дейдилар, ҳар йил бўлур ой бир сопол, ўлсун тилим,  
Ғайри закрин ошкоро қилса лол, ўлсун тилим,  
Қайси бир тил ҳамки, зикринг ошкоро айласа.

Дилбаримнинг нозлари олам, ўзи бир шуъладир,  
Ўт ёкиб кўйглумга ўтган ҳар сўзи бир шуъладур,  
Ростин айтсам агар ёрим юзи бир шуъладур,  
Рашқдин жонимга ҳар наргис ўзи бир шуъладур,  
Боғ аро ногоҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Бу фалакнинг ишларга барча дсйди ҳай-ҳай,  
Базмаро бўлса муғанний чалса танбур, чалса най,  
Рақсида жононлар товус каби шай турса, шай,  
Йўқ оғзидин нукта айтур, маҳвашимдек бўлмағай,  
Гар куёш ҳар заррасидин бир Масихо айласа.

Ишқ аро йўқмас ҳамиша ағёрлар бирла ракиб,  
Ҳар замонда ва ҳамиша айламиш ишқни таъқиб,  
Дардларимга ошнолар йўқ эмас, дўсту ҳабиб,  
Келтиринг дафи жунунимга парихон, йўқ табиб,  
Ул ким айлабдур пари ҳар кимни шайдо айласа.

Шеърга солдим ва солурман мен юракда борини,  
Ҳам тушурдим байтларимга севгининг изҳорини,  
Бахтиёрдир эъозласа ҳар киши ўз ёрини,  
Субҳидек бир дамда гардун куймағай осорини,  
Ногоҳ аҳли сидқ кўнгил меҳрин шифо айласа.

Ишқ деди, ёнди Олимжон, воҳид бўлма нечаким,  
Дўстларингга минг фидо, ноҳид бўлма нечаким,  
Не гуноҳга, не савобга шоҳид бўлма нечаким,  
Даҳр шўхига, Навоий, сайд бўлма нечаким,  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

## БЎЛМИШ

*(Навоий газалига мухаммас)*

Соғинчдан дилим саднора бўлмиш,  
Жонимга етган озора бўлмиш,  
Шундан бахтим менинг коп-кора бўлмиш,  
Бизнинг шайдо кўнгил бечора бўлмиш,  
Маломат даштида овора бўлмиш.

Меҳрдан – вафодан камрок – қалам қош,  
Гар истасанг, майли, олиб кетай бош,  
Иккимиз билан сир фош бўлмасин, фош,  
Анга баским ёғар тош устига тош,  
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Синамоқчи бўлсанг ошиқ бардошин,  
Майлига олақол ғаним кенгошин,  
Била олмай ўтдим санам ич-тошин,  
Урарда дам-бадам хорога бошин,  
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.

Мен кўз-кўз қиламан, йўқлигим-борим,  
Ўзим хазон этган хазон гулзорим,  
Сенга бахш айлаган бир баҳорим,  
Қаро қилди нечукким рўзгорим,  
Анинг ҳам рўзғари кора бўлмиш.

Жоним баҳра олсин шамшир дамидин,  
Киприк нола қилсин кўз ёш намидин,  
Лабим баҳра олсин лабинг таъмидин,  
Қадах хуршиди кониким, ғамидин,  
Сиришким кавкаби сайёра бўлмиш.

Ўшанда эдими баҳор – наврўзким.  
Англамоқ мушкулким, душман ким, дўст ким,  
Олимжон демагил, бунчалар розким,  
Навоий чорадин кўп дема сўзким,  
Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш

## ВАФО

*(Навоний газалига мухаммас)*

Хусен элида макру хийла бирла ёлгондин вафо,  
Бил жахонда ким кўрибдир қоши мужгондин вафо,  
Негагайлар во дарифо номусулмондин вафо,  
Қимса харгиз кўрмади чун аҳли даврондир вафо,  
Улки даврон одатидур не тамаъ ондин вафо.

Чин вафога минг жаво кибру ҳаво бўлса не тонг,  
Ошик аҳли дер ҳамиша пораво бўлса не тонг,  
Ёр келур деб қошида ўсма, қўлда хино бўлса не тонг,  
Жону умримдур ул ой гар бевафо бўлса не тонг,  
Қайда кўрмиш кимса харгиз умр ила жондин вафо.

Солди бошимга балолар қисматинг шул деб пари,  
Қувди кўнглиндин мени сарсон айлаб сар-сари,  
Бош эгиб катл англамокқа шайландилар ёшу қари,  
Гар вафо қилсанг эрур, андинки бордирсан бари,  
Нўкеса ким оламда кўрмиш навъи инсондин вафо.

Гулни тебратди шамоллар, булбул-чи харгиз жилмади,  
Сайради сакраб юриб гулбарги ҳеч эгилмади,  
Қўлда тасбеҳлар узилди, ерга гушиб сочилмади,  
Чин вафо гул барги даврон боғида очилмади,  
Бежихатдир кимки истар бу гулистондин вафо.

Гулни кўй, булбулни кўй, ҳеч кечувда қолдирмасин,  
Дейдилар, бир ўзга ёрга тапгрим кўнглим солдирмасин,  
Чайқалиб жомда шаробинг, бемахал ўлдирмасин,  
Кимса кўнглин кимсадин истаб вафо олдирмасин,  
Ким менга ҳад этмади ул кўнглим олгондин вафо.

Бонима тушди бу савдо бўлмасин қанча қийин,  
Ким у дўст, кимдирки душман, англадим анча қийин,  
Мен Олимжонман, ҳазратимнинг назмига шукр айлайин,  
’Эй Навоний, гар вафосиз, чикди ул султон Хусайн,  
Тондинг элдингким, тиларсан энди Султондин вафо.

## НАВОЛАР БОШИМА

*Навоий газалига мухаммас*

Ногаҳон кўнмиш, ажаб, мунгли наволар бошима,  
Атри гулмас, қаҳратон инган ҳаволар бошима,  
Келмасин деб ғаш эдим не-не даъволар бошима,  
Ваҳки, келтурдунг фироқингда балолар бошима,  
Ул балоларданки қочтим, келди олар бошима.

Қоматим тик, жабри зарби то тирикман йиқмагай,  
Обизамзамдек киши ичган сари қоникмагай,  
Қора суртса завқи йўқ, асло юзимга юқмагай,  
Сарвиқадларнинг таманноси бошимдан чиқмагай,  
Қаҳр этиб, эй шайх, синдурсанг асолар бошима.

Гоҳ тафаккур бўлса ялдо кечасига мубтало,  
Кимсасиз қолмоқни кўнгил истаб этса илтижо,  
Хасталик заҳрини ютсам михланиб ўрнимга ё,  
Кўрмайин кўзлар қачон келди бошимга юз бало,  
Кўп бало келтирди бу юзи қаролар бошима.

Таъналар учса ёйидин тирини синдурмадим,  
Куйсалар сув остима гар лойқадир, тиндирмадим,  
Кин, ахир, қолсин инида, сарбасар ундурмадим,  
Ишқ аро гаҳ-гаҳки эл пандиға бош индурмадим,  
Келди турлук-турлук ондин можаролар бошима.

Тоабад тил сўзлагай соҳибжамоллар нақлидин,  
Бокира туйғулари чин эҳтиёж – ороми чин,  
Юз буриб ундан одам толега ҳам ноилмикин,  
Муддаолар бошима тушгунча ҳар дам ақлдин,  
Келса хушроқ ишк тиғидин яролар бошима.

Қалбим осмонида учсин эрка ишқ бургутлари,  
Ҳеч эрур ўйнашма ўт бирлан деган ўғитлари,  
Эрмухаммад, тўзса шод дилдор учун жон иплари,  
Қўйида ўлди Навоий, қочти ондин итлари,  
Йўқ эди ўлганда ёру ошнолар бошима.



**ГУЛУ РАЙҲОН ИСИ**

*(Навоний газалига мухаммас)*

Ҳар баҳор чулғаб заминни этса шод борон иси,  
Ел эсиб ёмғирли кун, келса бўйи найсон иси,  
Чирмашиб кўкка биёбон, бирлашиб осмон иси,  
Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси,  
Келгай ул райҳон ила гулдин менга ҳижрон иси.

Ваҳки, ёр васли учун ҳар ёнга қанча чопмадим,  
Айлабон меҳримни сарф, меҳри гиёе топмадим,  
Банд этиб қалб риштасин, ундан зиёе топмадим,  
Менки бир гулдин жаҳон боғида бўе топмадим,  
Найлайин, қилса муаттар даҳрни бўстон иси.

Гарчи хўп шуҳрат қозондим маст-аласт, хушёр аро,  
Эл-улусни ўйладим, ҳам тинмадим оҳ-зор аро,  
Ул санамнинг кўрдиму ғамгин кўзин алёр аро,  
Лаъли ҳажрида ниҳон ашким кўзин ағёр аро,  
Деса бўлмаским, келур ул навъ сўздин қон иси.

Билсангиз, кўнгилга бахш этгай илиқ туйғу – салом,  
Бу каломга бор жавоб – ҳурмат ила зўр эҳтиром,  
Шул сабаб эллар аро оламда дўстлик бардавом,  
Қайдаким жонбахш лаълидин Масиҳосо калом,  
Сўрди, ул ердин келур юз қарндин сўнг жон иси.

Жон иси роҳат берар мискин ғарибнинг ўйига,  
Зеб бериб ёр юзига, хушрўй кўшур хушрўйига,  
Раҳму шафқат айлар у мендек итоатгўйига,  
Жон иси тутти жаҳонни, мен борурман кўйига,  
Ким тилар эл жон иси, мен истарам жонон иси.

Ҳар одамда ҳам хато бор, сен буни унутмаким,  
Барчадин доно ҳисоблаб, ўзни пешво тутмаким,  
Ўзгадин нуқсон топиб, охирда сен панд емаким,  
Эй гадо, олам элига шайъалиллаҳ демаким,  
Бу чамандин келмади ҳаргиз гули эҳсон иси.

Қанча-қанча кас ўтиб, ҳеч бўлмади оламда бут,  
Ох, деса чирмашди кўкка бағридин қоп-қора дуд,  
Сен, Фулом, барин кўриб, бўлма жаҳондин ноумид,  
Чун Навоийга келур ҳижрон иси ҳар дам, не суд,  
Гар баҳор эл тонса бўстондин гулу райҳон иси.

## КУЯР ПАРВОНАДЕК ЖОНИМ

*(Навоий газалига муҳаммас)*

Зимистон ўтдию кетди, қани гулгун гулистоним,  
Соғиндим агрини, аммо таратмас ҳидни райҳоним,  
Шафақдин учди офтоб-у, юз очмас кавкабистоним,  
Тун оқшом бўлди-ю, келмас менинг шамъи  
шабистоним,

Бу андух ўтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не тонг; поғоҳ қадам кўйса ғариб хонамга жононим,  
Юзидин сочеа инжулар, кулиб гул юзли хандоним,  
Тугар балки ёниб шунда юракда оху армоним,  
Не ғам, кўргузса кўксим порасин чоки гирибоним,  
Кўринмас бўлса кўксим ёрасидин доғи пишқопим.

Очиб сўз доди Мажнундин, ўзим бўлдим-ку  
Мажнундек,  
Юрак йиғлар, кўринсам-да ҳамиша шоду мамнундек,



Қоронғудир куну тонгим, юрармен мисли туткундек,  
Ғамидин дурри макнундек, сиришким оқти  
Жайхундек,  
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.

Ўтиб жавзо, ўтиб мезон, хабар келмишдир ақрабдин,  
Билолмасмен, не важдин, ҳам не максуду не  
матлабдин,  
Хабар йўқдур ажиб таъбдин неча рўзу неча шабдин,  
Фалак ҳам тўлди кавкабдин, Қуёш ҳам тушти  
ашхабдин,  
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуршиди  
рахшоним.

Бўлур дарё, қаранг, тоғдин оқиб неча кичик жилға,  
Агар эрса гадо, йўқсул, кулиб тақдир, бўлур дарга,  
Магар ҳозир зимистон тун, Қуёш чикса, ёришгай рах,  
Жаҳонни зулмат этди чах, бу зулмат ичра ўлгум, вах,  
Манга бўлсаиғ не Хизри рах, етиб, эй оби ҳайвоним.

Қуёш бўйла ёниб-чарчаб, яна кўкдин тушиб кетмиш,  
Махи талғат бир оз фурсат юзига хўн упа этмиш,  
Шу муддатда булут айлаб, само юлдузни беркитмиш,  
Дема, кўктин қуёш кетмиш, фалакка тийралик етмиш,  
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Манам ойу қуёшим деб, кўзим олмасмен осмондин,  
Хабар йўқдир замин узра, хабар йўқдир-ку жонондин,  
Тўйиб кетмиш Ғулом шўрлик куруқ афсона,  
ёлгондин,  
Навоий доғи ҳижрондин, бу оқшом ўлдум афғондин,  
Ғамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса  
жононим.

---

Мунаввара Тиллабоева

## СОҒИНДИМ

*Ҳазрат Алишер Навоийга*

Наво сўзи жарангидай, эй пир бобо, сизни соғиндим,  
Ўшал Ҳирот томонлардан келса сабо, сизни соғиндим.

Ўқиб ашъорингиз дилдан, туғёнлардан ёнди, жўш урди,  
Ҳар ғазал байтига битдик дилбар наво, сизни соғиндим.

Гўзал “Хамса” катин очсам, эҳ, чаманзор гуллар очилди,  
Садаф ичра топиб гавҳар ажиб маъно, сизни соғиндим.

“Хазойин”дан сўзлар териб, руҳим аро бир руҳ кезар,  
Бериб сайқал заргар каби сўзи зебо, сизни соғиндим.

Улуғлардан улуғроғим, асли-ю, наслим ўзингизсиз,  
Олимнинг келгуси албат бўлмас адо, сизни соғиндим.

Туриб пирлар пойида лек сўзламак бўлдим аруз бирла,  
Даво сўрдим табиблардан, топмай даво, сизни соғиндим.

Ғазал шавқида сайр айлаб, парилардан ижобат деб,  
Бўлди Мунаввар бенаво, мен бир гадо сизни соғиндим.

## АШРАҚАТ МИН АКСИ ШАМСИЛ

*Навоий ғазалига мухаммас*

Шамси анвар шуъласидин ҳар тараф рангин наво,  
Олама ҳар жилвасидин ёғилур ҳамду сано,  
Тебратур нурларни бода, субҳидам некбин ҳаво,  
Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул Худо,  
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чикди садо.

Жом тўла май ишкидин ён, шодумонлиқдир карам,  
Сокиё, қай севгидин йиғлаб адо бўлгай бу шам?  
Кимки ошиқ ўлди, андин бош олиб кетгай ситам,  
Ғайр нақшидин кўнгил жомида бўлса занги ғам,  
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Қай тараф тушса нигоҳинг кўринур ҳар ён сафол,  
Ваҳки кўнгил давлатидин ўзгаси ёлғон, сафол.  
Асли олам ичра олам не ажаб вайрон сафол,  
Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синғон сафол,  
Жом ўлур гетинамо, Жамшид ани ичган гадо.

Кўнгил ичра ёширин ишқ мавжи уммон ичра дурр,  
Қанчалар эрса зимистон, шунча равшан кўринур,  
Минг жаҳондин минг хабар жом ичраким санчилса

нур,  
Жому май гар буйладир, ул жом учун қилмоқ бўлур  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жои  
фидо.

Майи учун эл борму даъво бўлғали, эй муғбача,  
Жомда май йўқ эрса гавго бўлғали, эй муғбача.  
Бир майи икромга маъво бўлғали, эй муғбача,  
Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,  
Жому май тутсанг мене девонадин қил ибтидо.

Қатра майда жамъ эрурким ою юлдуз кечалар,  
То сахар кўз юммагай майдин тотиб ул чехралар,  
Беҳуи эрмас майнарастдек завқи майдин нечалар,  
Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар  
Чехран мақсуд, махв ўлғай ҳамул дам моадо.

Оразини кўйида ичмакдин йўқ ўзга чораким,  
Жомини ишқдин аҳли ориф шодумон май ичсаким,  
Юз очар гегинамода ҳар сахар гулчехраким,  
Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзини деган бир неси ила қилғай адо.

Ҳар қангул майхона бўлса жом анга маъбуд эрур,  
Ювса кўнгул зангини май бирла ким масъуд эрур?  
Бу фано дунёсида майсиз ҳаёт не суд эрур,  
Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайини нафӣ этма бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Эй Ҳабиб, ошуфга дил майгун азал соқийсидин,  
Май харобот аҳли-чун очун азал соқийсидин,  
Тутминин олам сатҳини не ун азал соқийсидин,  
Ғашналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин:  
“Ишрабу ё айюҳал атшон!” келур ҳар дам нидо.

## ОРАЗИНГ МУШТОҚИДУР

*Навоий ғазалига муҳаммас*

Эй кўзим, келмоқ йўлидин ўзгасига бўлма банд,  
Не ажабким, ўт келур бир интизор йўлдин баланд,

Кўз очиб турдим қотиб хайрон хануз аҳли Хўқанд,  
Оразинг муштоқидур бу кўзки бўлмиш дардманд,  
Гарчи бордур дардлиг кўзга ёруғлуктин газанд.

Дори бўлғай деб қизоргон кўзга мен босдим изин,  
Из мунаввар ўлди, аммо кўрмадим ҳаргиз ўзин,  
Ёки кўзга сурди рангин: дам яшил, дам қирмизин,  
Дард ўтин ёкти кўзимга ҳажр, чун кўрдум юзин,  
Куйдурур, албатта, ҳар доруки бўлғай судманд.

Беписандлик бирла боқғай мен тарафга гул кўзи,  
Бу киби бедодликдин дод солмиш дил кўзи,  
Ўчиролмас дил ўтини тўкса ёшин қул кўзи,  
Бу қизоргон кўз аро мардум эмаским, эл кўзи  
Тегмасун хуснунгға деб, ўт узра солибмен сипанд.

Бу сифат ўт ичра ёнса ҳамки кўз, мамнун ўзим,  
Ҳар дақиқа бахтиёрлик шеvasин сўзлар сўзим,  
Жисму жоним ёнса ёнсин, майли дерман: «Бер  
тўзим».

Токи ул бемор кўз ошуфтаси бўлмиш кўзим,  
Истабон жинсият оғриқ шеvasин қилмиш писанд.

Интизорликдин дамодам кўзга тушган хол экин,  
Лола янглиғ доғми тутган кўзларимдир ол экин?  
Ҳажрида қонлар тўла қалбим анга тимсол экин?  
Кўзларим лаълингга ҳамранг ўлди, ваҳ не хол экин,  
Ким бу аччик йиғлагон сойи ул айлар нўшханд.

Кўз ақиқ ранггига кўнди, ўзгани орзуламас,  
Тушмаса нур лаълга ғор ичра ул тошдир абас,  
Кўз азоблар чекса ҳамки, сенга ҳеч додин демас,  
Кўзни бир из туфрогидин равшан этким, суд эмас  
Шофи кофурий чекиб осмоқ анга мушкин паранд.

Интизорлик рангларин сочмиш Ҳабиб наврӯзига,  
Кўзи билмай турфа рангни берди ургу сўзига.  
“Бу жаҳон нурдан иборат”, топди таскин ўзига,  
Ул куёш ҳажринда билмонким Навоий кўзига  
Барча олам тийрадур ё боғламишдур чашмбанд.

## АГАР ИШҚ АЙЛАДИ

*Навоий газалига мухаммас*

Хаёлинг ром этар начора, бизни,  
Паришон хотирим – садпора бизни.  
Нечун овозалар, ошкора бизни,  
Агар ишқ айлади бечора бизни  
Ва лекин қилди ҳажр овора бизни.

Юрак қондир чекаркан нақш тиғи,  
Ва ё бизга мурувват ишқ тиғи?  
Кўзим остида пинҳон ашқ тиғи,  
Не ишқу ҳажр, балким рашқ тиғи  
Дамодам қилди пора-пора бизни.

Хатосиз тегди кўксимга бу сирр тийғ,  
Ямону яхшини билмас басир тийғ,  
Рақибим соғ, дилим вайронадир, тийғ,  
Бу ишдир турфақим, ҳар кимга бир тийғ  
Кн урди, айлади юз ёра бизни.

Бирор мажлис кўринг, менсиз тузулмас,  
Ғамимдин йиғласам ҳам қон бузулмас.  
Демак, ушшоқ элига ғам фузунмас,  
Мену Фарҳоддин Мажнун узулмас  
Нединким топди ул ҳамқора бизни.

Лабинг васлин демак бошимга етмиш,  
Маним ҳолимга шарҳ оламга кетмиш.  
Не савдолар яна очунда кечмиш,  
Вафо қил, бағритошимким, ҳақ этмиш  
Жафо тортарда санги хора бизни.

Бу даврон бизга ҳеч боқмас замонким,  
Ки ошиқлар кўзидин ёш равонким,  
Муҳаббат асли мубҳам бир маконким,  
Жаҳон шўхин талоқ этсанг, не тонгким,  
Чиқарди элдин ул маккора бизни.

Сени гулданмикин Оллоҳ яратди,  
Ҳабибингни ҳабиб сенга қаратди,  
Рақамни гул қатига ёна битди,  
Навоийдек юзунг бир кўрдук, этди  
Жаҳон расвоси бир наззора бизни.



---

## Исмоил Махмуд Марғилоний

### НАСЛИ ОДАМ

*Навоний ғазалига мухаммас*

Қанча қилди тарбият, лек бўлмади ишқ гавҳари,  
Дурру гавҳар ичра ҳам ўзгармади ҳеч пайқари,  
Тонмади руҳдан саодат, кетди дил дунё сари,  
Насли одам бўлмади ҳаргиз муҳаббат мазҳари,  
Ул нимаким билмагай одам, қачон билсун пари?!

Ллимисокда юзма-юз аҳдини маҳбуб қилди зеб,  
Ҳақ назар этгувчи ҳуш тийнатда марғуб қилди зеб,  
Ишқ аро айлаб гуҳар мадҳини матлуб қилди зеб,  
Хўблар хуснин қазо машшотаси кўп қилди зеб,  
Лнда юз минг хайфким, йўқтур вафонинг гавҳари.

Дарду ҳажрида мепингдек бедаво топилмағай,  
Тулу кун ишқида зор қадди дуто топилмағай,  
Кўрмайин лутфини ҳеч андин жудо топилмағай,  
Мен киби айлаб вафо, кўрган жафо топилмағай,  
Ахтарилса сарбасар аҳли муҳаббат дафтари.

Бул каби афтодалардан ҳеч қачон сўз кутмаким,  
Ким вафо айлар дебон гардини кўзга суртмаким,  
Майлисин истаб онинг дардини ичга ютмаким,  
Эй кўнгул, жинсен башардин сен вафо кўз тутмаким,  
Йўқтурур бу хайл зогида муҳаббат жавҳари.



Эйки дерсен, ёр эди чехрасида ўзни тут,  
Эйки дерсен, риштаи васлини сен ҳар дамда кут,  
Эйки дерсен, ишқ майи бирла кўнгилни айла бут,  
Эйки дерсен, меҳр шамъи бирла кулбангни ёрут,  
Ҳам магар ани ёрутқай шамъи меҳри ховари.

Ҳасратидан беомон дардимга етмас муғбача,  
Нотавон кўнглимга ғамдин ўзга битмас муғбача,  
Ҳажридин, ваҳ, чиқди жон, илкимни тутмас муғбача,  
Гуссадинким жон олиб парвойим этмас муғбача,  
Беҳуд ўлмоқ истаб ўлдум дайр пири чокари.

Ёр васли ўйида хавфу ражодур муштарак,  
Бас, онинг уммедидаким туну кун жоним ҳалак,  
Не ситамлар солди Маҳмуд бошига золим фалак,  
Эй Навоий, гар дессанг кўрмай жафо, бўлмоқ ксрак,  
Хўблардин, балки мутлақ, насли одамдин бари.

## АЙЛАБОН

*Навоий газалига мухаммас*

Ёшуруб қаддингни мендин, ғамни бисёр айлабон,  
Ваъдаи васлингни кўнглим ичра асрор айлабон,  
Ғамзаи тиғинг ила қалбимга озор айлабон,  
Чехра ёптинг, хаста жонимни анга зор айлабон,  
Зулф йиғдинг, телба кўнглимни гирифтор айлабон.

Муддаойинг ичра мен кўнглим сенга айлай аён,  
Беаёв ҳажринг ўтидин этмагил рангим сомон,  
Бас, керак бўлса сенга, ёр, тутмагил жоним омон,  
Гар муродинг қатл эса жон топшурай, олгил равон,  
Раҳм этиб ўлтурма, йиллар ҳажрингга зор айлабон.

Дема қаҳрим ёғдуриб, анга дучор айлаб ўтай,  
Дема заҳримдин анинг бағрини қон айлаб кетай,

Дема ҳажримдин анинг бошига дард-ғамлар битай,  
Дема жавримдин агар ул қочса, кимга жавр этай,  
Ким қочарда азм қилгумдур хабардор айлабон.

Сен томон қўйган қадам менчун эрур, билгил, нажот,  
Пойингга бош қўйгали учгай кўнгул боғлаб қанот,  
Мисли ошиқ ёридинким олғали хатти барот,  
Сўзки лаълингдин эшитсам, ўйлаким оби ҳаёт,  
Қонмон, эй жон, то тирикмен они такрор айлабон.

Ишқ саҳросидадурман шавқида режа туза,  
Сарсари кетгайман иблис васвасин қасрин буза,  
Мисли Фарҳод азми ишқ уммонида тинмай суза,  
Дема Мажнун, ул пари ҳажрида менмен дашт уза,  
Нола чеккан тош ила кўксумни афгор айлабон.

Ким анинг ишқида ашким мисли баҳримдур валеқ,  
Изтироб, васли азоби гарчи маҳримдур валеқ,  
Нотавонлиғ дардлари умримда аҳдимдур валеқ,  
Фақр кўйида гадолиғ гарчи фаҳримдур валеқ,  
Салтанат арз этсалар, майл айлабон ор айлабон.

Ишқ боғидин кўнгилга хуш сабо етса, не тонг,  
Субҳи содиқ ошиқ аҳлига ҳаво етса, не тонг,  
Ҳажр сўнгги ичраким, Маҳмуд, вафо етса, не тонг,  
Куйи азмида Навоийға наво етса, не тонг,  
Ким қилур булбул наво оҳанги гулзор айлабон.

## БЎЛМАНГИЗ

*Навоий газалига мухаммас*

Аҳли дунё ишрати олдида сиз жам бўлмангиз,  
Ўтгучи шуҳратга ғафлат ичра маҳкам бўлмангиз,  
Қўл бериб қавмига сиз охирда пурнам бўлмангиз,

Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,  
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Қилди ким анга яқинлик бўлмади ҳаргиз омон,  
Ҳийлау макри аро ул ҳоли танглашди ёмон,  
Чок этиб сўнг сийнасини айлади тун-кун фиғон,  
Ошнолиғ айлабон ўз жонингизга ҳар замон,  
Боиси юз минг балову меҳнату ғам бўлмангиз.

Қанча қилсанг ҳам вафо сен қилмагай ҳаргиз нажот,  
Кўрса наф, билки, бировдин санга бўлгай етти ёт,  
Турфа суврат ичраким ул билмагай ҳаргиз уёт,  
Еб паривашлар фиребин, сўнгра топмай илтифот,  
Мен киби девонаву расвои олам бўлмангиз.

Ул фароғат айлагайдурким бўлиб нафсага қарам,  
Сезмайин қалбида оғриқ бўлмайин ҳақ ичра рам,  
Хоҳишу истак ичинда ўзни айлаб бекарам,  
Васлу айш обод қилсун халкни, эй дарду ғам,  
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Бераҳм ул қоши ёйнинг дарди ҳажридин мени,  
Зулми кўп, қаҳрига бойнинг дарди ҳажридин мени,  
Ҳусн аро тенгсиз чиройнинг дарди ҳажридин мени,  
Эй висол аҳли, ул ойнинг дарди ҳажридин мени,  
Кўп кўруб ғамнок, сиз ҳам асру хуррам бўлмангиз.

Ўтгучи олам аро, бил, йўқ эрур дардга даво,  
Бевафолиғ бирла ҳар ким ўзига айлар жафо,  
Шул эрур ҳар касда, билгил, ибтидою интихо,  
Эй харобот аҳли, йўқ инсонда имкони вафо,  
Мастлиғдин дев ўлунг, зинҳор одам бўлмангиз.

Заҳри ҳижрон жаврига дохил эрурким ҳар насл,  
Топмайин қадрига чора, Махмудо, ўтгай фасл,  
Дардидан ҳар ерда хору мубтало ошиқ асл,  
Гар Навоий васл аро бўлди залил, эй аҳли васл,  
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.

## ҚИЛДИЛО

*Навоий газалига мухаммас*

Боқмайини ҳолимга дилдор ўзга маҳзан<sup>1</sup> қилдило,  
Билмайини кадримни такрор дилни равзан<sup>2</sup> қилдило,  
Ўзга руҳ, ўзга кўнгулда ўзини ман, ман қилдило,  
Ошино ёрим яна бегоналиғ фан қилдило,  
Ўзини ўз ёрига ҳар фан бирла душман қилдило.

Ойдайини кўнглимда ҳаргиз нур сочиб ул тўлмади,  
Лек ато этган гули қалбимда ҳеч бир сўлмади,  
Бир кунни айлар вафо дебким умидим ўлмади,  
Ваъдан ҳамхоналиғ айлар эди ул, бўлмади,  
Хонавайронлар сари кўйини маскан қилдило.

Хайрихоҳ эрди валек кўксини ҳаргиз тилмади,  
Жонини берган кўнглига жон била интилмади,  
Нақд ошинқ тафтини ул билди ёхуд билмади,  
Деди, лаълимдин қилай жонинг иложи, қилмади,  
Гамзасин жонимга, охир новакафкан<sup>3</sup> қилдило.

Жисму жоним ўртагай ҳар ёна жавлон айлабон,  
Чехрасин кўрсатмайин гул ўзини пинҳон айлабон,  
Ўзга ёрга дил бериб ул бирла хайдон айлабон,  
Гулшани васлши маъна зиндони ҳижрон айлабон,  
Мудданга ҳажр зиндонини гулшан қилдило.

Зулминини ҳар ёна кетди доду фарёдим уни,  
Ўрлади ёди аро оламга оҳим учқуни,  
Бошим узра айланур ёр ишқининг зулмат кунини,  
Ишқ ўти ўртаб мену парвонани ҳижрон туни,  
Булбул ул моғам аро то субҳ шеван<sup>4</sup> қилдило.

<sup>1</sup> Маҳзан – хазина

<sup>2</sup> Равзан – шима-гешник

<sup>3</sup> Новакафкан – ўк отувчи

<sup>4</sup> Шеван – нола

Айланур чархи фалак ҳар дам кўнгил кори бўлиб,  
Даҳр аро ўтгучи фасли ичра дил зори бўлиб,  
Тоғу саҳро, барча жонзот бўйла ишқ ёри бўлиб,  
Эй кўнгил, ул турфа қуш мойил бизнинг сори бўлиб,  
Ғайр боғу гулшанини охир нишиман<sup>1</sup> қилдило.

Бу азим меҳру вафо баҳрига етмас эрди халқ,  
Айрилик, ҳижрон жафоси ичра йитмас эрди халқ,  
Бас, анинг Маҳмуд сафоси ичра кетмас эрди халқ,  
Куйганин айтиб Навоий, бовар этмас<sup>2</sup> эрди халқ,  
Ёрутуб ҳажр ўтин ул даъвони равшан қилдило.



---

<sup>1</sup> Нишиман – ошён

<sup>2</sup> Бовар этмас – ишонмас

---

Кенесбой Каримов

**ҲАЗРАТ НАВОИЙ**

У кимдир – қуш тилини билган,  
Сўз ишқида бағрини тилган,  
Овозлари бизгача келган?  
У улуғ зот – Ҳазрат Навоий.

Кўли очик, юраги сахий,  
Худо берган шоир илоҳий,  
Туркий, зуллисонайн дохий,  
У кимдир? У Ҳазрат Навоий.

Мумтоз шоирлар авлиёси,  
Элу юртнинг ақли зиёси,  
Она тилнинг меҳригиёси,  
У кимдир? У Ҳазрат Навоий.

Қалб сандиғин элга очган ким?  
Халқ бошидан гавҳар сочган ким?  
Нафс, бойликдан йироқ қочган ким?  
У кимдир? У Ҳазрат Навоий.

Назми етган элдан-элларга,  
Достон бўлган тилдан-тиллерга,  
Ишқи ўтган дилдан-дилларга,  
У кимдир? У Ҳазрат Навоий.

Турк сулуви сочини тараб,  
Ғазал айтса, лол бўлиб караб,  
Ҳайрон эмиш Ажаму Араб,  
У кимдир? У Ҳазрат Навоий.

Ҳеч тўхтамас юк ортган кўчи –  
Буюк ипак йўлидан кўчиб,  
Илхом куши Ҳумодск учиб,  
Келётган ким? Ҳазрат Навоий.



НАВОИЙ БОБОНИНГ МЕҲРИ ҚЎЛЛАЙДИ

*(“Зийға ботаётган дарё” достонидан)*

... Бугун дарё ўйим бўлиб оқади,  
Ўйларим тошади дарёдай тўлиб.  
Менга бир бахт ўғрин-ўғрин боқади,  
Гоҳо қувонтириб,  
Гоҳ бағрим тилиб.

Наврўз хиёбонин эсимга солар,  
Бир улуғвор туйғу вужудим узра.  
Тонгларнинг тоқати қалбда тоқ бўлар,  
Шошилиб янги кун, шошилиб кузга.

Дўстим,  
Мен ўйларга бунчалик асир,  
Узун занжирга банду банд бўлдим.  
Юракни сикади бу қувонч, бу сир,  
Бу сирнинг дарди-ла сарғайдим сўлдим.

Эслайсизми,  
Бир улуғ умиддан ясаб қанотлар,  
Бу улуғ шаҳарнинг камолин кўрдик,  
Бир олий қудрат-ла, ҳур муҳаббат-ла,  
Навоий бобонинг ёнида юрдик.

Аждодлар хокини айладик тавоб,  
Фурурларга тўлдик миллат шаънидан.  
Бошимиздан ўтиб кетса ҳам офтоб,  
Биз кета олмадик юрт гулшанидан.



Энди менга ҳамроҳ мудом ўша кун,  
Ўша кун бўлмаса бугун бўлмасди.  
Ўша кун бўлмаса бўлмасдан мен ҳам,  
Бизни якин қилган олам турмасди.

Бугун Амударё тўлкинларидан  
Азиз хотиралар оқиб келади.  
Етти кунлик ойнинг ёлқинларида  
Менинг кўзим бўлиб нурлар кулади.

У шаҳри азимда ўтган ҳар лаҳза,  
Узаяр-узаяр умр йўлида.  
Меҳримиз оташин қолдирган богда  
Кумуш тўкилади ойнинг кўлидан.

Кўнгилдан узилиб қолган изтироб  
Ҳар азиз қадамга жо бўлар меҳроб,  
Хотиралар эса содик пойлоқчи!

У олам Сизники, меники бўлди,  
Билмам, сиғарми у хотирангизга,  
Тўғрилаб тақдирнинг камию кўстин,  
Амударё тошиб жон берар бизга.

... Дарё бўйларида яна ёлғизман,  
Сиз жону жаҳоним, юрагимдасиз.  
Кўнгил окшомида милт-милт юлдузман,  
Сиз шу ожиз юлдуз тилагидасиз!

Сиз ўтган йўлларда қолдирдим қалбим,  
Келсангиз поёндоз бўлсин у Сизга.  
Сувларнинг юзида қалқийди дардим,  
Илинжим бир оғиз ширин сўзингизда.

Дўстим, овозларда титрайди юрак,  
Боболар тилаги энг улуғ тилак...

---

Абилқосим Ұтепбергенов

## НАВОИЙГА

### I

Мен ўзингни, “алвон дўнған  
улуғ боғ”, деб айтадирман,  
Ҳар байтингни “боли томған  
бир дудок” деб айтадирман.

Ойсиз – кунсиз ул кунларда  
Кўнгилларга нурдай кирдинг,  
“Ғазалинг – бу умр куёши –  
шамчинок” деб айтадирман.

Рубойида ул хазрати  
Хайём билан ундошлик бор,  
“Чор девонинг сувдан покрок,  
сутдан ок” деб айтадирман.

Нигор дарду ғаминг олиб,  
Қувончлар сен бахш айладинг,  
“Мухаммаслар – ҳақиқий дур,  
зарварак” деб айтадирман.

Эллик бир минг икки юз  
ўттиз мисрадан иборатлик  
“Хамсанг” – олам қувончига  
бир булок деб айтадирман.

Ундаги беш дoston ўхшар  
заминнинг беш қитъасига,  
“Учи юлдузларга теккан  
беш дарахт” деб айтадирман.

Навоий бўлмаганда, Жайхун,  
сен-чи, бўлармидинг?  
Деганларга “асло, асло,  
йўқ, йўқ, йўқ”, деб айтадирман.

## II

Ширин сўзнинг булоғи,  
туганмас наводир ул,  
Ҳомер билан Фирдавсийдай  
тенги йўқ бир донадир ул.

Шарқда кўз очди, туғилди,  
шуъласи тушди оламга,  
Қуёш янглиғ сўниш билмас,  
Мангу – мангу зиёдир ул.

Идрокли умрини доим  
бахш айлади эл корига,  
Халқ дардини чека-чека  
бағри тилик дунёдир ул.

Юзида меҳру шафоат,  
тилида бор шакар – боли.  
Ҳар хижода минг маъни бор,  
ширин бир наводир ул.

Гўзалликлар оламида  
ўзининг “Хамса”си янглиғ,  
Мисоли мевали боғдир,  
ё кенг – пойтахт маъводир ул.

Олам аро пақш этди ул  
ўзбек тилининг қудратин.  
Шеър илмида Чўлпон мисол.  
тенги йўқ якто, донодир ул.

Таъзим эт сен, Абилқосим,  
Алишер Навоийга,  
Ғазал мулкисининг султони,  
бошимизда самодир ул.



## БЎЛҒАЙМУ ЭДИ

*Навоий газалига мухаммас*

Бермасам дил телбаликлар кор бўлғайму эди,  
Чекмасам ох, элга дард ошкор бўлғайму эди,  
Кўзларимга кенг жаҳон ҳам тор бўлғайму эди,  
Бўлмасам ошиқ фиғоним, зор бўлғайму эди,  
Куймасам пиихон ичим афгор бўлғайму эди?

Қайда эрди бу аламлар мубталойи бўлмасам,  
Нола тортиб эл бошига бир балойи бўлмасам,  
Чехраи наззорасини деб гадойи бўлмасам,  
Истабон васлинг гулистонин хавойи бўлмасам,  
Абри найсондек кўзим дурбор бўлғайму эди?

Тинмагай кўнглингни бас толмағунча то кўнгул,  
Кетдим ўздин учди хуш, билмагум қайда кўнгул,  
Қайда номинг зикр ўлур балки ўшал жойда кўнгул,  
Бўлмаса кофир кўзинг ошуфтаси шайдо кўнгул,  
Риштаи зулфинг анго зуннор бўлғайму эди?

Нозинг ўлса неча кўп сабру қарорим шунча кам,  
Қоши ёйингдур сабаб чексам ситам узра ситам,  
Бори шайдоинг эрур аҳли араб, мулки ажам,  
Зулфингга вобастау кўзингга вола бўлмасам,  
Жон паришону кўнгул бемор бўлғайму эди?

Зулфи домиға тушиб боғланди дил бир банди куш,  
Ҳажридин-ку молломол, лек васлидин йўқдур улуш,  
Чекмагандур ишқ аро Фарҳоду Қайс мендек юмуш,  
Бўлса эрди эй пари ишкинг аро кўнглимда ҳуш,  
Гуфту гўюм мунча мажнуновор бўлғайму эди?

Ҳажрида этсайди фаҳм сабримни ҳар бир лафзида,  
Кўрса эрди чекдигим, жабримни ҳар лафзида,  
Шул сабаб қисқармоғин умримни ҳар бир лафзида,  
Билса эрди ишқида сирримни ҳар бир лафзида  
Ёрдин юз эътироз изҳор бўлғайму эди?

Яхши эрди ул пари пайкарга дил гар бермасанг,  
Қилмас эрди дoston қиссангни эл, гар бермасанг,  
Окмас эрди кўздин ашқ мисли сел, гар бермасанг,  
Гунча кулгисига, эй булбул, кўнгул гар бермасанг,  
Бағрингга ул гул сайи юз хор бўлғайму эди?

Энди ул гулсиз кўзингга бир тиконзордир чаман,  
Кошки эрди кирса тушга шу кеча ул сийм бадан,  
Урмасайдинг Отабек ўз бўйнингга ишқдан кишан,  
Эй Навоийнг, қилсанг эрди офият кунжин ватан,  
Мунча мунглул жонинга озор бўлғайму эди?



---

Муножотхон Нурматова

### КЕЛДИМУ

“Кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади”.

*Алишер Навоий*

Кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келдиму?  
Кўргач ул офтобжамолин кўзга ёгду келдиму?

Сухбати оромижону нияти ойдин ёруғ,  
Бу ёруғ юзнинг гувоҳи холи ҳинду келдиму?

Тонг сахар боди сабодек уйготиб соз уйкудин,  
Ёдингиз ойинасига шўхи бадху келдиму?

Гох фаромушлиғ ичинда касб этиб паришонлиғ,  
Зулмини хаддин ошнрган ул париру келдиму?

Ногаҳони озоридин ўзи минг озорланиб,  
Кўнгли ялдо кечасидек тим қоронғу келдиму?

Фикрати нозиклиғидин гавҳари ноёбми ул  
Ё жавохирлар ичиндан асли инжу келдиму?

Ёд этар ониди хатго хаста дил бўлғуси шод,  
Интизор кўнгилга ёки зарра қайғу келдиму?

Ким деғайлар ишқ йўлига арзигаёй садқайжон,  
Борлиғи шукронасидин ўзга туйғу келдиму?

Дилрабо ёр суҳбатини кўн ғашият англабон,  
Мулки давлат дилга қувват ширин орзу келдиму?

’Эй азизим, токи кўнгул нишқ ила обод экан,  
Баҳраворлиғ бахти бизга энди мангу келдиму?

Ўн саккиз минг олам узра чарх уриб Муножотим,  
Чин садоқат чўккисиндин мисли оху келдиму?





## НАВОЛАР АЙЛАСА КИМКИ

Наволар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай,  
Садолар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай,  
Бинолар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай,  
Зиёлар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай,  
Нидолар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай.

Нажот топгуси шеър аҳли бу дунёда ижод борки,  
Заминда то ҳаёт борки, сабот борки, мамот борки,  
Ширин деб Бехустун бағрини чок этган Фарҳод борки,  
Зиёрат айламоқ истаб борар эрсак Ҳирот борки,  
Дуолар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай.

Тушимда кўраман гоҳо Муқанна бирла Широқни,  
Таробий отни сурганда хилпираган у байроқни,  
Алар чеккан ғам-финоқни, кўнгилдан кетмаган “ох”ни,  
Шод ўлсин руҳлари деса бизам босган шу тупроқни,  
Маъволар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай.

Тили йўқнинг – эли йўқдир деганлар басма-бас келса,  
Бори юрт бойлигин шилса, забун аҳволидин кулса,  
Тиғи устухона ботса, томирда қонлари қотса,  
Бир қўлида тутиб луғот, бир қўлига олиб “Хамса”,  
Хижолар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай.

Эмас осон азим юртда бор элни якқалам қилмоқ,  
Ғанимнинг фитнасин билмоқ, назмбоз устидан кулмоқ,

Асоға суяниб юрмоқ, шаҳаншоҳ кўнглини олмоқ,  
Улусдан чиқса истейдод ҳамият кўрсатиб ҳар чок,  
Санолар айласа кимки, навоийдан нажот топгай.

Ўзини билса ҳар соҳиб саховатда муқим ўзбек,  
Сўзини билса ҳар толиб кироатда муқим ўзбек,  
Ҳамиша сақласа иймон ижобатда муқим ўзбек,  
Кечарга шай бўлиб жондин мақоматда муқим ўзбек,  
Фанолар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай.

Йўлимда йўлчилар кўпдир, бири ғамнок, бири шўхдир,  
Бою боён ҳамон тўпдир, ҳамон кассоб каби тўқдир,  
Кўлимда қолгани ёлғиз ўзимга асраган ўқдир,  
Отолмасман, сотолмасман, нетай, ўзга илож йўқдир,  
Фидолар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай.

Хилватда кунларим бота кўнгилга изладим малҳам,  
Сукутда тонгларим ота ғамимга топмадим ҳамдам,  
Устозим ёққан ул минг шамъ нуридан порласа олам,  
Ўтар эрдим бу дунёдан баралла куйлаб, эй Чоршамъ:  
“Наволар айласа кимки, Навоийдан нажот топгай”.

## БИР ЛАҲЗА

*Навоий газалига мухаммас*

На эди лаҳза ато айламадинг,  
Дардима лаҳза даво айламадинг,  
То дедим лаҳза сафо айламадинг,  
Манга бир лаҳза вафо айламадинг,  
Ки ҳамул<sup>1</sup> лаҳза жафо айламадинг.

Айласанг бўлғай эди кўнглими ром,  
Бор манга ҳажр аҳлига ҳар интиқом,  
Ошиқи озурдаман, бўйла мудом

<sup>1</sup> Ҳамул – шундай.

Қоматингдин манга ком<sup>1</sup> эрди хиром<sup>2</sup>  
Ваҳки, комимни раво айламадинг.

Бу жаҳон кони гадодур, лекин,  
Ишқ аро ҳар ким адодур, лекин,  
Ҳар бало бунда баждодур, лекин,  
Отмоқ ўқ элга хатодур, лекин  
Манга отқанни хато айламадинг.

Борлиғингда барқ урар нашъу намо,  
Бахшида бўлсин санга назму наво,  
Кимга васлинг ёр ўлиб, эй махлико,  
Элга лутфинг манга гар бўлса жафо,  
Не жафоларки манга айламадинг.

Бир чаман ичра манга ёр йўладинг,  
Гунчаю гулни саросар<sup>3</sup> силадинг,  
Лолавор кўз ёшларим қон демадинг,  
Гарди<sup>4</sup> рахшингга<sup>5</sup> баҳо жон тиладинг,  
Ани туфроқча баҳо айламадинг.

Олама кўз юмдириб не кўзни,  
Бўзлатиб қўйдинг бўғизда сўзни,  
Ўтғуси деб хо хануз им рўзни  
Топмадинг мулки бақо то ўзни  
Азими дашти фано айламадинг.

Қанча дод этмай фироқингда куйиб,  
Боқмадинг бир бора Чоршамъга кулиб,  
Маъшуқи даввормисан<sup>6</sup>, бўлмас билиб,  
Юз вафо ваъда Навоийга қилиб,  
Оҳким, бирга вафо айламадинг.

<sup>1</sup> Ком – мақсад

<sup>2</sup> Хиром – шод

<sup>3</sup> Саросар – бошдин оёқ

<sup>4</sup> Гарди – парда

<sup>5</sup> Рахш – нур

<sup>6</sup> Даввор – айланувчи

### НАВОИЙ ШАҲРИ

Бир ёнда Самарқанд, бир ён-Бухоро,  
Ўргада битта гул! Миллатим фаҳри –  
Юртим, харитангда товланар, қара –  
Улуғ шоир шаҳри – Навоий шаҳри!

Шамол Қизилқумни ўйноқлаб кезгай,  
Зарафшон мавжлари кўкламни сезгай,  
Кармана Отага кўлини чўзгай –  
Улуғ шоир шаҳри – Навоий шаҳри.

Работи Маликда карвон изи бор,  
Балки қумларида шоир сўзи бор,  
Шаҳримда ҳайкали, яъни ўзи бор,  
Улуғ шоир шаҳри – Навоий шаҳри!

Обод манзилдир бу – неск айём шаҳри,  
Барча миллат дўстдир – хуш калом шаҳри,  
Меҳмонига пешвоз – Ассалом шаҳри,  
Улуғ шоир шаҳри – Навоий шаҳри!

Наслини сўрасанг – аъло, тозадир,  
Жасур Фарҳодлари конлар қазадир,  
Ширинлари баёт, ғазал ёзадир,  
Улуғ шоир шаҳри – Навоий шаҳри!

Оқтовимдан дoston, ўлан, сас келар,  
Нуротамдан нурлар басма-бас келар,  
Сармишсойдан қадим бир нафас келар,  
Улуғ шоир шаҳри – Навоий шаҳри!

Истиклолим, янгроқ овозим, сенсан,  
Кўлимда сайраган зўр созим, сенсан,  
Манглайимда кўклам, ҳам ёзим сенсан,  
Улуғ шоир шаҳри – Навоий шаҳри!

## ОЙБЕКНИНГ ҲОВЛИСИДА

Сизга талпинарлар. Кўнглим тўлмагай.  
Изларингиз олган кўчадан юрдим.  
Бу ҳовли соғинчдир. Соғинч ўлмагай.  
Айтурлар Сиз ҳақда. Хўп тинглаб кўрдим.

Алломалар сўзи – ўлмас ҳақиқат,  
Манов пештоқларни байтлар қизғонган .  
Адабиёт надур?  
– Келажакка ХАТ!  
Бу ҳовлида мудом абёт уйғонган.

Мана бу дарчадан оҳиста ўтиб,  
Ҳар тонгдан инжулар териб олгансиз.  
Интиқлик бахт эрур. Ёруғлик кутиб,  
Тикилиб, тикилиб – узоқ толгансиз.

Хотира уммондир. Маънилар инжу.  
Юрт учун шеър айтмоқ, оғринмоқ-ҳиммат.  
Фикримда бир ожиз хулосам шулким:  
Ўлмагай Ойбегин асраган миллат!

Бу ҳовлига кўклам энтикиб келгай,  
Бу ерда дарахтлар сукутга кўнган.  
Тунни ёритган зот – Ой... деб аталгай,  
Хотирот девору йўлакка кўнган.

Ойбекнинг ҳовлиси. Тарих вақт хушлар.  
Навоий нафаси манзил қилгандир...  
Ана, ҳовли узра чарх урган қушлар –  
Ҳирот осмонидан учиб келгандир!

---

Ашурали Боймурод

КЕРАК

Ишк сувратин чизмоққа бир лаҳза, бир он керак,  
Таърифу тавсифига шеър ила достон керак.

Толе юлдузи балқиб чикса гар кўк токига,  
Йўлингни ёритувчи ой керак, осмон керак.

Гўзал Ширин қошида тиз чўкиб пойини ўп,  
Фарходнинг севгисидек мустаҳкам қалқон керак.

Ишк ўтида ёнганмен, кулмангиз ҳеч ҳолима,  
Ошиқлигим айтмоққа менга бир имкон керак.

Деразамга тушди нур, ёр йўлига интиқман,  
Ўлтириб базм этгали кулбама меҳмон керак.

Озори бор бу ишқнинг, кўксима тиғ санчилмиш,  
Жисмима жон бергувчи бир пари пайкон керак.

Севмоғу севилмоқни ўзингдан ўрганганим,  
Завқимга завқ қўшгали лол керак, хайрон керак.

Ой чехраси ёнимда, фалак менга сўз қотди,  
Дилимнинг мунаввари ул моҳитобон керак.

Кўрганинг боғи эрам, гар ошиқсан эй, Ашур,  
Навоийдек бир дилкаш, суҳбати жонон керак.

## ҲАЗРАТ НАВОЙНИ АНГЛАШ

*Туркумдан*

### I

Ҳазрат Навойни англаган кўнгил,  
Ўзига ишқ йўлин танлаган кўнгил.  
Баланд байтлар ичра куйдинг, чўғландинг,  
Сенга ҳавас қилсин занглагаи кўнгил.

### II

Танигани бемисл бир муҳаббатни,  
Беш юз йилни кўтаролган баланд қадни.  
Ўпмоқ учун ўзбекона хуш дастхатни,  
Навойни ўқийлик биз, Навойни.

Дунёмизга ёғиб тургай тоза нурлар,  
Ёғиб тургай олий мақом тафаккурлар,  
Улуғликка этиб таъзим, ташаккурлар,  
Навойни ўқийлик биз, Навойни.

Кўнглимизга кавсар тутиб, бир ҳур келар,  
Илоҳий бир оҳанг келар, сеҳр келар,  
Ўзни англаб ўзбекликка фахр келар,  
Навойни ўқийлик биз, Навойни.

### Ш

Муҳаббатдан ёнурмиз биз  
Навойини ўқий билсак.  
Ғафлатдан уйғонурмиз биз  
Навойини ўқий билсак.

Ёрни шоҳ, шаҳзода дермиз,  
Васли ёрни бода дермиз.  
Бу кайфдин кўнгли нурмиз биз,  
Навойини ўқий билсак.

Илкимиз лик яхшилиқдир,  
Куну тун тенг нақшлиқдир.  
Савоб ҳисдин қонурмиз биз,  
Навойини ўқий билсак.

Саркаш хаёл юриб боғда,  
Ташна барғни кўрган чоғда.  
Шабнам янглиғ инурмиз биз,  
Навойини ўқий билсак.

Шифо сўзмиз аҳли мунгга,  
Фидо измиз росту чинга.  
Кибр, кекдан топурмиз биз.  
Навойини ўқий билсак.

Ололмас ҳеч лани дилни,  
Янгратурмиз она тилни.  
На тўзиб, на синурмиз биз,  
Навойини ўқий билсак.

Қирқ ёрурмиз гаҳи қилни,  
Фарқлагаймиз алаф, гулни.  
Адолатни танурмиз биз,  
Навойини ўқий билсак.



НАВОЙНИ АНГЛАШ

Бир оёкни ерга қўйсанг, бир оёкни қирга қўй,  
Зора, амринг бўлса вожиб, тушса кўнгил жойига.

Бир оёкни қирга қўйсанг, бир оёкни тоққа қўй,  
Балки нокас бандаларнинг ботмагайсан лойига.

Бир оёкни тоққа қўйсанг, бир оёкни Ойга қўй,  
Токи минбаъд кўз аларнинг тушмасин авзойига.

Бир оёкни Ойга қўйсанг, бир оёкни кунга қўй,  
Ҳойнаҳой, шунда стурсан Мир Алишер пойига.



**БЕТИМСОЛ ШОИР**

Дунё халқларининг меҳридан дарак —  
Кўпаймоқда, ҳазрат, хайкалларингиз.  
Фахру ифтихорга тўлади юрак,  
Дунёни забт этмиш ғазалларингиз.

Тенгсиз ижодингиз шунга муносиб,  
Шунга муносибдир ҳаётингиз ҳам.  
Дунё эҳтироми бўлмоқда насиб,  
Бунга ҳавас килар ҳар битта одам.

Ҳазрат Навоийсиз, бетимсол шоир,  
Олис кслажакка бўйлаб турибсиз.  
Улуғвор ишларга муносиб, қодир,  
Халқимиз ҳақида ўйлаб турибсиз.



## ЎРТАДИНГ

*Навоий газалига мухаммас*

Ой каби ёғду сочиб, жони жаҳоним ўртадинг,  
 Кипригингдин ўқ отиб, қоши камоним, ўртадинг,  
 Васлинг истаб чиқди жон, рухи равоним ўртадинг,  
 Ваҳки, ўтлук чехра очиб, хонумоним ўртадинг,  
 Оташин лаълингдин отиб нукта, жоним ўртадинг.

Ишваю нозлар қилиб, келдинг дилимга ўт солиб,  
 Кўрдиму хуснинг, йиқилдим лолу ҳайронлар қолиб,  
 Пойингга гулдек тўкилдим, оҳки, қалб ғамдин толиб,  
 Дема: “Не қилдим, не қилдим нотавон кўнглунг олиб?”  
 Ўртадинг, эй қотили номехрибоним, ўртадинг!

Еру осмон ўртанур Ой бирла юлдуз шавқидин,  
 Жонима ўт чулғонур тонг чоғи кундуз шавқидин,  
 Ҳажр аро ёнди дилим ул нозли гулюз шавқидин,  
 Ўт аро қил тўлғониб куйгандек ул юз шавқидин,  
 Неча ким тоб урди, жисми нотавоним ўртадинг.

Дил бериб, сендек малакка, воҳки, кўрдим не самар?!  
 Қанча қон окмиш юракдин, бари кетмиш бесамар,  
 Бошима ёғмиш фалакдин ҳажр ўтидин кўп зарар,  
 Кўкта зоҳирдур шафақдин шуъла, анжумдин шарар,  
 Ким, ани, эй шуълалик оҳу фиғоним, ўртадинг.

Мен сенга жонимни берсам, ишқ аро бул деб савоб,  
Мехримма жабру жафолар бирла қилдинг-ку жавоб,  
Айрилик тийгини урибким, айладинг ҳолим хароб,  
Бисмил этгач сайдни андоқки айларлар кабоб,  
Захм этиб кўнглумни чунким оқти кошим, ўртадинг.

Боргали йўқдир мажолим, келмагайсан ёнима,  
Парво қилмассан, нигорим, нолаи афғонима,  
Хино деб кафтинг бўябсан дилдаш оққан қонима,  
Ургали, эй ишқи золим, барки офат жонима,  
Ҳар не ўзлуктинки бор эрди гумоним, ўртадинг.

Эй Вафой, ёрни кўп нозу иболи айладинг,  
Эркалаб, жондин суйиб, жабру жафоли айладинг,  
Оқибат, ёр ҳажрини жонинг заволи айладинг,  
Эй Навой, то белу огзи хаёли айладинг,  
Бору йўқ, яъники пайдову ниҳоним ўртадинг.



---

Абдунаби Ҳамро

### ҲАЗРАТ НАВОИЙ ЭРУР

Муршиду пири дастгир ҳазрат Навоий эрур,  
Сўз мулкида жаҳонгир ҳазрат Навоий эрур.

Футувватнинг мезони, саховатнинг султони,  
Инсони комил, нодир ҳазрат Навоий эрур.

Хитодин то Хуросон, Рум, Ажам, Мозандарон –  
Фатҳ айлаган бирма-бир ҳазрат Навоий эрур.

Дил тўрида ҳар сатри, уфурган ирфон атри,  
Ҳамон муҳибларга сир, ҳазрат Навоий эрур.

Соф ўзбекии оҳангга, зеб бериб кирди жангга,  
Қалам тутган баҳодир ҳазрат Навоий эрур.

Гоҳ шод, гоҳи ғамзада дарж айлади “Ҳамса”да –  
Не бор кўнгилга доир ҳазрат Навоий эрур.

Жаҳонгиру баҳодир, ҳам нодир ҳам сохир,  
Бетимсол улуғ шоир ҳазрат Навоий эрур!

## ИЛТИЖО

Лутфу марҳаматда беназир Оллох  
Не долғали давру давронлар аро –  
Уч туркий даҳони омон сақлади:  
Бу улуғ миллатни билсин деб дунё.

Минг бора эврилди бу фалак, ё Раб,  
Навоий ўлмади, ўлмади Бобур.  
Асрларки, Ҳақ деб ҳайкирар Машраб,  
Мискин юракларда уйғотиб гурур.

Зулматни оловли шамширдай кесиб,  
Навосиз улусга бахш этиб наво.  
Зулм лашкарининг йўлини тўсиб,  
Амир Низомиддин ҳар дилда пайдо.

Олис Ҳинд соридан юртига бокиб,  
Ҳамон яхшилиқни куйлар Бобуршоҳ.  
Андижон соғинчи бағрини ёқиб,  
Бир тилим қовун деб урса ҳамки оҳ.

Ана, дасти дароз дағдағайлар  
Бир кўнгли ғарибни хўрласа авраб.  
Ногоҳ янграб кетар исёнкор куйлар  
Ва қайдандир чиқиб келади Машраб.

Айтинг, бу эл турли мафқуралару  
Ёлғон гоёларнинг бўлиб надими,  
Ғафлатда қотган чоғ, бонг уриб уни  
Шу уч ростгўй ўғлон уйғотмадимми?

Миллат забун чоғ ҳам Машрабнинг сўзи  
Тикилган дор қаби адил, тик эди.  
Бу халқ Навоий деб таниди ўзи,  
Бобурга таяниб, қадин тиклади.

Рўзи маҳшаргача туркий гурурни –  
Ҳазрат Навоийни асрагин, ё Раб.  
Сўндирма уч Қуёш – уч порлоқ нурни,  
Шоҳ Бобур ўлмасин, ўлмасин Машраб!

### НАВО ИЗЛАБ

Наволардан наво излаб наводил бўлганим қолди,  
Ғамимни дарбадар айлаб қувончга тўлганим қолди.

Аёвсиз кирдикорлардан, хазон сочган баҳорлардан,  
Тикилган эски дорлардан ёмонлик кўрганим қолди.

Ҳироту Астрабод ичра, танам куйган работ ичра,  
Қуёш чикмас ҳаёт ичра хиёнат ўрганим қолди.

Ёриб тошларни Фарҳоддек, Ширин сочига  
шамшоддек,  
Гулимга етмаган доддек азобда юрганим қолди.

Этиб Мажнунни саргардон чиқиб Лайлига бердим  
жон,  
Юракни юлди беш дoston, жавобсиз ўлганим қолди.

Навойи, бенаволикдан, кадр излаб жудоликдан,  
Тамоми дилсиёликдан меҳрсиз сўлганим қолди.

Кечиб Ахтамқулидан, дил, улус кўнглин зиёрат қил,  
Ғазал султонидан ҳар йил хижолат бўлганим қолди.

Минг йил куйиб элайдилар, то бошда ишқ савдоси бор,  
То тап аро титрайди жон, то дилни бир шайдоси бор.

Шоҳ байғни шоҳлар тинглагай, кўксига оҳлар тинглагай,  
Инглаб гадолар тинглагай, дардсизни не парвоси бор.

Ҳазрат Навоий дардини, олсак агар бир гардини,  
Подонга ҳикмат қадрини, айтмоқни не маъноси бор.

Кездим, адам саҳросида, “Куйдим”ни куйдим охида,  
Тахлаб кетар ғам чоҳида, бошимда минг ғавгоси бор.

Пешвоз чиқар обод Ваган, кўнглимни айлаб шод Ваган,  
“Биздан колар озод Ваган”, юрт бошида пешвоси бор.

Шерларга айтгим келди шеър, гир айланар пойимда ер,  
Кимдир мени девона дер, қалбимни минг дарёси бор.

Аҳтамқулн, куй дардида, куйсанг ёниб куй дардида,  
Кўнлар қорин, уй дардида, ҳар кимни ўз дунёси бор.





**АЛИШЕР НАВОЙНИ ҶҶИБ...**

Бир мулким,  
қайғули салтанат,  
Қайслар мажнунваш сахроларида,  
Сухайл оҳ чекар дарёларида..  
Мададга қўл чўзсам етмайди,  
Ҳайхот,  
Қўнглим овутгайман наволаридан,  
Оллоҳнинг жаннатбахш жафоларидан,  
Соқий мажлисининг сафоларидан...

Бир мулким,  
нафис ул салтанат,  
Оразин ёпқай ёр шайдоларидан,  
Семурғ хушнуддир хатоларидан...  
Бу мулкда яшамоқ нечук бахт,  
Фақат,  
кушлар нечун айро вафоларидан,  
Ул гул бахти ёрми яғмоларидан,  
Беҳабарму юрак садоларидан...

Бир мулким,  
ғаройиб салтанат,  
Қалбим вайрон бўлди низоларида,  
Ҳаёлим – Искандар маъволарида!  
О, бу салтанатда яшаган ул Халқ,  
О, бу салтанатда яшаётган Халқ

Ҳануз фориф эрмас риёларидан,  
Ҳануз ижобат йўқ дуоларидан,  
Хулосат йўқ мозий жазоларидан...

## АДАБИЁТ МУЗЕЙИДА

Навоий хайкали ...  
пурвикор, ўқтам,  
Асрлар кечмишин айларкан таҳлил.  
Ҳамон тушунмасмиз уни, дўстгинам,  
Сабр не,  
не мақсуд,  
не юрту, не дил...  
Бобур жаҳонгашта...  
интизор юрак  
Дунё кенлигидан сўзлар-ку, зотан  
Майда ташвишлардан жонимиз ҳалак,  
Афсус,  
англолмасмиз не қадр Ватан!  
Бунда сабоқ бордир,  
мангу бир сабоқ,  
Бунда жонланадир ўтган лаҳзалар.  
Ҳаттоки тошлар ҳам сўзлагай, бироқ,  
Бахт шулким, ундан бир маъно топсалар.  
Лаҳзада неча юз йилдан ўтарсан,  
Қадим ҳикматлардан шуурда хайрат.  
Гоҳо хаёлларга сингиб кетарсан,  
Гоҳ ҳамроҳ Муқимий,  
гоҳида Фуркат.  
Бунда сеҳрлидир сўз ила туйгу,  
Бунда илоҳий нур, руҳлар кезадир.  
Бу бир салтанатдир –  
кўҳна ва мангу,  
Бунда қалб ўзини боқий сезадир.

**МУТОЛАА**

Хурликка етишдик, хурлик – муқаддас,  
Озодлик олдида ташвишлар абас,  
Келажак авлодда уйғотинг ҳавас,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Парвоз айлаганда “Лисонут-тайр”,  
Атрофингда учиб охиста койир,  
Инсофга келади ҳар қандай ғайир,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Одамийлик қомуси тўлуғ “Хамса”да,  
Ўқиб, уқиб дилинг бўлур озода,  
Рухларинг покланиб тушар ғамзага,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Ҳаётий кўзгудир – “Маҳбуб-ул кулуб”,  
Ўзингиз тузатиб олурсиз кўриб,  
Гул умрингиз хира тортмасдан туриб,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Қуйилса дилларга мангу ғазаллар,  
Оханги томирингда куйлаб ғизиллар,  
Вужудинг оташда куйиб жизиллар,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Мангудир Навоийнинг илтифотлари,  
Мангудир Навоийнинг муножотлари,

Маһгудир Навоийнинг ҳимоятлари,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Мол-дунё кўйида бориб Хитойга,  
Учмоқ истагайлар куёшга, ойга,  
Амаллар хуш келсин, ахир, худога,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Билсангиз миллатнинг ғурури, ори,  
Ҳазратдир кўнгилнинг буюк тумори,  
Тутар бўлса сизни номус хумори,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Қутулинг, интернет деган балодан,  
Васваса, жимжима – оҳанрабодан,  
Ерга қайтинг, ахир, тушинг самодан,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...

Маънавий шифокор – Ҳазратнинг ўзи,  
Бемори дилга ёр – Ҳазратнинг ўзи,  
Ҳамиша барқарор – Ҳазратнинг сўзи,  
Навоийни ўқинг, Навоийни...



## КҮНГИЛНИ ЁРИТГАН НУР

Навоийни ўқимай қўйсам,  
Зерикарли бўлар ҳаётим.  
Нурсизланиб борар баётим,  
Навоийни ўқимай қўйсам.

Мир Алишер ўзга бир олам:  
Дунёсига кирган билади,  
Сирларини кўрган билади,  
Мир Алишер ўзга бир олам.

Тафаккуринг қатламларини –  
Уйғотади Ҳазрат Навоий.  
Қўзғотади Ҳазрат Навоий,  
Тафаккуринг қатламларини.

Навоийни ўқимоқ билан,  
Ўз мулкингни обод қиласан.  
Сўз мулкингни обод қиласан,  
Навоийни ўқимоқ билан.

Кимса бўлса агар кимсасиз,  
Беш дoston беш аниси бўлар,  
Ёлғизларнинг муниси бўлар,  
Ҳазрат Навоийнинг “Хамса”си.

Ҳикмат тўла китоб “Чор девон”,  
Маъноларнинг хазинасидур,

Доноларнинг дафинасидур,  
Ошиқларга мангу ёр девон.

Рух тўтисин сайратмоқ учун –  
“Қуш тили”да сўзлар Навоий,  
Моҳиятни излар Навоий,  
Рух тўтисин англамоқ учун.

Навоийни ўқимай қўйсам,  
Зерикарли бўлар ҳаётим,  
Нурсизланиб борар баётим,  
Навоийни ўқимай қўйсам.

### ШОИРЛАРНИНГ СУЛТОНИ

Олис Хитодан то Хуросон қадар,  
Элларни сўз билан этди мусаххар.

Маснавийда битиб олти дostonни,  
Шифтдай яқин қилди етти осмонни.

“Маънолар маҳзани” бўлди “Чор девон”,  
Қайга бир хат ёзса бўлди ёр девон.

Битиди “Тарихи мулуки ажам”,  
“Тарихи анбиё” қилдилар рақам.

Муҳокама этиб икки луғатни,  
Асосли рад этди бўҳтон, ғийбатни.

Она тил шаънини ҳимоя қилди.  
Балки чин маънини ҳикоя қилди.

“Нафис мажлислар”ни тузди-ю чунон,  
Юзлаб сўз аҳлини айлади меҳмон.

Нуроний юз билан табассум қилиб,  
Насиҳат битдилар “Маҳбуб ул қулуб”.

Ўғитлари дилга сарафроз бўлди,  
Насрий баёни ҳам серпардоз бўлди.

Занжирбанд шер дея олдилар унвон,  
Ҳам ғазал мулкида бўлдилар султон.

Недин бунча баландпарвоз шеърлари,  
Чунки Самаркандий устоз пирлари.

Устози Фазлуллоҳ Самаркандийдур,  
Руҳи Хожа Аҳрор дили бандидур.



---

Гулбаҳор Саид Ғани

## НЕЧА КҮНГЛУМ

*Навоий ғазалига муҳаммас*

Оразнинг гулун эрурким, кўзларимдир зор анга,  
Бир чамандир хоки пойинг, оҳ, дилим гулнор анга,  
Қанча йиғлаб бағрим ўйсам, қилча қилмас қор анга –  
Неча кўнглум ёра бўлса, раҳм қилмас ёр анга,  
Неча бағрим тўлса қон, боқмас даме дилдор анга.

Дилга равшаниқ стурким шуълалар сочса қуёш,  
Тушларимда меҳрсиз ёр айлағайдир меҳр қош.  
Мен дегаймен ул қуёшим меҳрфишон бўлса қош,  
Бир югурук тифл эрур қирпикларим ичинда ёш,  
Ким, йиқилиб сончиликтур ҳар тарафдин хор анга.

Худдики бир туш агар мазмуин айтиб қилса шарҳ,  
Гул бўлур ангуш агар мазмунин айтиб қилса шарҳ,  
Эл йўқотур хуш агар мазмунин айтиб қилса шарҳ,  
Номам элтур қуш агар мазмунин айтиб қилса шарҳ,  
Сочқай ўт қакнус каби минг чок ўлуб минқор анга.

Кўзларимга чекмоғ истаб изладим мен хор изинг,  
Не аламким, айри тушмиш юлдузимдин юлдузинг,  
Таърифни айлай десам, ки бул қадар жозиб юзинг,  
Лаълинг оллида чекар эл жонини олғач кўзинг,  
Ваҳ, не шарбатдур лабингким, жон берур бемор анга.



Чехраи нурдан паришон хотирим қолғайму буд,  
Чора эрмиш чорасиз кун дардима ёлғиз суруд,  
Эй кўнгул, савдойидурсан, чехраси ёдин унуд,  
Ақл эви сори инонин бошламоқ, носих, не суд,  
Телбаким, дашт узра маркабдур бузук девор анга.

Бебако дунёда сен бас қил ружуъ роҳатғаким,  
Баски, йўқмиш ҳеч илож манглайдаги ул хатғаким,  
Найлай аммо баъзида бормиш адад тоқатғаким,  
Тортасен исён юкин, хам қил қадинг тоатғаким,  
Юк оғир бўлса рукуъ ул дам бўлур ночор анга.

Мен ўзим муслим гадою сен дағи кўнглимға шох,  
Тозарар бир гул каби кўнглимни тонглар ювса роҳ,  
Одати ошиғниким бедорлик тун то сабоҳ,  
Умр ғафлат уйкуси бирла тиларсен, кечса, оҳ,  
Кўз юмуб очкунча кимнинг иътимоди бор анга.

Хотирим ғамнок эмасдур ишки авранг кўйида,  
Беҳаловат ўлди қалбим назм, оҳанг кўйида,  
Чикди руҳим, найлайн, фаттоҳи дилсанг кўйида,  
Мен худ ўлдум, эй сабо, кўнглумни кўрсанг кўйида,  
Чикма андин, деб насиҳат қилғасен зинҳор анга.

Гулбаҳор айёмиким, гул қайтмагай ўз рангига,  
Аҳли ошиқ, борму нисбат бергали ғам сангига,  
Борму нисбат кўнглими кон бирла тутқан зангига,  
Зор жисмим тушгали ҳажр ўтидин ғам чангига,  
Эй Навоий, ўхшашур хам уд анга, хам тор анга.

## СУБХ ЭРУР

*Навоий газалига мухаммас*

Даҳр боғин гуллариға бўлмон ортиқ нойбаст,  
Ҳажри ўти кўнгулм узра тийра кун солганда шаст,  
Май ичарға майи лаългун дағи жоми ишқ ҳаст,  
Субх эрур соқию мен махмурмен, сен – майпараст,  
Тут куёшдск жомни, моний недур бўлмоққа маст.

Бенавою бедавомен ишқ аро васлига зор,  
Йўқ эрур жисмимда жону ихтиёру на қарор,  
Май ичали, оҳимиздин ўрласин кўкка шарор,  
Тийра шоми ҳажр аро, ваҳ, асру кўп чектук хумор,  
Маст ўлали бу нафаским, васл субҳи берди даст.

Кун бийик чиққунча юлдуз кўзларин маст этмали,  
Кун бийик чиққунча ҳижрон дастидин раст этмали,  
Кун бийик чиққунча фони ўлмая қасд этмали,  
Кун бийик чиққунча ҳўю нолани паст этмали,  
Кун бийик чиққай бугунким, бўлғабиз биз ерга паст.

Ўн саккиз минг олам ичра келди оҳанг най била,  
Бодага қўйдим ружуъ ман, бас деманг, ҳай-ҳай била,  
Кечани равшан этармиз бул каби ишқ, рай била,  
Анжуман аҳли юзин гулгул қилали май била,  
Меҳрдин топқунча анжум гуллари бир-бир шикаст.

Кўкда ойу юлдуз аҳли ботқонча йиглали,  
Чок кўксин кўргузуб тонг отқонча йиглали,  
Қонли ёшлар окди кўздин, дағи қонча йиглали,  
Чарх мотам еткурур биз дағи онча йиглали,  
Ким, кўхан ғамхонаси ул сайлдин қилсун нишаст.

Маст кўнгул ёрасига бодани марҳам дебон,  
Маҳрам ўлғай кечада бир ёнаётган шам дебон,  
Нолаю афғон этарға барча бунда жамъ дебон,

Гар шафоатка малоик келса номахрам дебон,  
Меҳр шаклидин фалак йўлини қилали хорбаст.

Гулбаҳор, ғам чекмагил, ҳеч бўлмағай номи абад,  
Кимки майдин тотди бул кеч – топди ул коми абад,  
Нўш айлай ул шаробдин, келтуринг жоми абад,  
Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад,  
Ким, азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.



---



Даврон Ражаб

## НАВОЙНИ АНГЛАШ

“Ўз вужудингга тахайпол айлагил,  
Не истасанг ўзингдан истагил.”

*Алишер Навоий*

Мени мудом бошқариб келар,  
Навоийнинг сир оҳанглари.  
Гоҳ кувончга, гоҳ ғамга солар,  
Ҳар сатрининг мунис ранглари.

Бу ложувард, серзавқ дунёга  
Бежиз эмас экан келганим.  
Ким топинса нурга – жилога,  
Унинг қалби соф деб ўйладим.

Яшаш бахти асли шу экан,  
Ҳаётда шу йўлни танладим.  
Ҳалол яшаш – эзгулик экан,  
Навоийни шундай англадим...



**ИШҚ**

Пора жисмим нола кўрди ўртаниб ел,  
Хора жоним ёра кўрди титраниб гул.  
Ёрасиз ой ҳажри ўтди хижратим не  
Дегайлар шавқ –

нолаи ишқ,  
волаи ишқ.

Заҳримга юз заҳр қотди ридоли тун,  
Қаҳримга юз қаҳр этди қароли тун,  
Азоб бирла асир этди яроли тун  
Демишлар хол –

хонаи дил,  
волаи дил.

Қаро кўзинг ошиғиман, қаро кўзим,  
Дедим. Келди гулкосада икки мардум ,  
Ай, йиғладим бу не кундир, бу не гардун,  
Дегайлар шавқ –

нолаи ишқ,  
волаи ишқ.

## САҲРО

### I

Оташдонга яқинроқ кўйдим  
Оғрик қалбимни –  
изтироб туйдим.

Аччиқ унларимни тўзғитди шамол.  
Фақат икболимда кулди шу саҳро,  
Фақат орамизда куйди ой – мактуб.

...Тун эди,  
Минг битта зулумот туни,  
Фано гавҳаридек бу икки кўзим.  
Аммо юрагимда куюк саҳронинг  
Қай бир хаёлига санчилди ўлим.  
Қай бир қабрларда нотинч, ноаён  
Минг бир вужудимни тердим, жамладим.  
Сендан ололмаган сўзим – сукутим ичра,  
Узоқ тентирадим, узоқ изғидим.  
Адашдим, тобланди тун – моҳли йўллар,  
Адашдим умидим бўронларида.  
Сен ғамнок кечалар умридек сокин,  
Яқинроқ йиғлагин, қалбимга яқин.

### II

Айтибдурларки, Савол – Тош.  
Чиндан оғир сўров рутубатли ғам.  
Оғирлик қилганда у манғу сўроқ  
Қораяр мурданинг қафанлари ҳам.  
Юксалдим, на хаёл, на алам юки,  
Фақат юлдуз қолди сен бирла танҳо.  
Эгнимда қораяр ҳар кун, ҳар кеча  
Бу кундуз ва яна ул кўҳна саҳро.

Айтибдурларки, Қай куни –  
Баҳайбат бир тошки туриб ўрнидан  
Кузатармиш ёруғ оламини.  
Дардим – кўзёш,  
Вужудим – хаёл...  
Кўз очдим қаршимда турар муаллақ  
Каъбаи муаззам, улкан ҚОРА ТОШ.

### III

Қанча кунлар ўтди ўтлуғдан,  
Сабо нафасидан муждалар етди.  
Мудом йиғларман у гардун баркиндан,  
Гирён-гирён пири сафолар ўтди.

Соқию дарбадар, даврони фоний,  
Ишқ аро хокисор сездим сўзимни.  
Шифтаи ҳолимда фироқинг асру,  
Бир дакиқ беҳуд ҳол кўрдим ўзимни.

Қанча кунлар ўтди ўтлуғдан,  
Пинҳона ғам ютдим, толиқди руҳим.  
Битмади қонимда бу нашъу намо,  
Филуриим, филурий, филуриим ...



---

Мунаввара Қурбонбоева

### ШЕЪРИЯТ МУЛКИ

Битта сўзига жо олам маъноси,  
Мисрасида етти иқлим сири жам.  
Бир ҳарфи куйлайди замин саносин,  
Давотида эса сиёҳмас, малҳам.  
Олам аҳли ҳамон ҳайратидадир,  
Борки сўз Навоий давлатидадир.

Сўзлар дур бўлса гар, гавҳарин териб,  
Гўзал шамойилга нур маъно бериб,  
Битган ғазалларин ўқиган диллар  
Оҳангида кетар сел бўлиб эриб,  
Олам аҳли ҳамон ҳайратидадир,  
Борки сўз Навоий давлатидадир.

Қалам тутган борки, уни пир санар,  
Ташна дил ўқиса, туйғудан қонар,  
Сўзлари сайқалин кўролган кўзлар  
Дурлар жилосидан нур каби ёнар.  
Олам аҳли ҳамон ҳайратидадир,  
Борки сўз Навоий давлатидадир.

Шарқнинг шавкатини, ўзбек донғини,  
Дунё узра ҳамон ёяр шеърлари.  
Оташ нафасидан қалбда ёнғини,  
Қаламини олди ўзбек эрлари.



Олам аҳли ҳамон хайратидадир,  
Борки сўз Навоий давлатидадир.

Санокли бўлади шоирлар шоҳи,  
Санокли одамлар замондан ғолиб.  
Бу икки бахт насиб бўлади гоҳи,  
У каби зотларни саралаб олиб.  
Олам аҳли ҳамон хайратидадир,  
Борки сўз Навоий давлатидадир.

Унинг буюклигин сўз сиғдиrolмас,  
Унинг юксаклигин тоғлар кўролмас.  
Қадами зафарли, шу қадар кенгки,  
Навоий изидан ҳеч ким юролмас!  
Олам аҳли ҳамон хайратидадир,  
Борки сўз Навоий давлатидадир.

Бахтимиз бор экан, Унга авлодмиз,  
Толе суяр экан, у бизга аждод.  
Навоий йўқ экан, биз ҳам барбодмиз,  
Не бахт, шеър аҳлига у мангу устод!  
Юртим бўйи сўзин савлатидадир,  
Дунё шеърятти давлатидадир!



---



## Шодмон Сулаймон

### НАВОИЙ ВА БОБУР

Навоий ва Бобур. Бобур, Навоий –  
Сайқал Самарқанду зебо Бухоро  
Янглиғ дил кўкида порлайди боқий  
Фалак айвониға берганча оро.

Навоий ва Бобур. Бобур, Навоий –  
Беш юз йилки тирик исонафаслар.  
Ҳикматлар яратиб турфа, анвойи,  
Адаб чорбоғида ўтмоқда дарслар.

Навоий ва Бобур. Бобур, Навоий –  
Қисмат қаршисида юксалган девор.  
Дилдан қувай десанг кибру ҳавони  
Амир Алишердан малҳам сўраб бор.

Навоий ва Бобур. Бобур, Навоий –  
Ватанни соғиниб келдилар қайта.  
Ёв титроққа тушгай, тутсанг яроғинг  
Икки баҳодирнинг исмини айта.

Навоий ва Бобур. Бобур, Навоий –  
Туркона ифтихор, туркона ихлос.  
Ҳорлик кўрмагайдир – ҳикмат булоғин  
Ўғил-қизларингга қолдирсанг мерос.

Навоий ва Бобур – мангу музаффар,  
Авлодлар қалбида абадий баёт.

То қалам бор экан, Навоий сарвар,  
То олам бор экан, Бобур барҳаёт!

### ИҚРОР

То улус ирфонни суйгай, эркини айлар ихтиёр,  
То улуғлик аршидин боққай Навоий бахтиёр,  
Яхшилик даврони битмас, аҳдига етмас ғаним —  
Токи ишқ девори қойим, то мухаббат барқарор.



---



Ғайрат Мажид

**НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР**

Кўнглим тўлиб бормоқда ажаб,  
Бунча ҳарир  
бу ҳис,  
бу туйғу!  
Хаёлимда кун ҳам бошқача,  
Олам узра сочмоқда ёғду.

Бўй таратиб гуллар нафармон,  
Ўйларимни китиқлар гўё.  
Сайроқларинг гўзал кушларжон,  
Дардли дилга малҳам – мўмиё.

Қора ўйлар тарк этди калбим,  
Кеткизгани каби кирни сув.  
Яшнаб, яйраб оламга боқдим,  
Бари нурли,  
Бетакрор,  
Сулув!

Навоийга қиламан таъзим,  
Бу манзилда пок иймон нусрат.  
Болам, йўлинг порлоқ бўлсин, – деб,  
Йўл кўрсатиб турибди Ҳазрат.

## НАВОИЙДАН ТОПДИМ

Кушдирман, мусаффо осмонда кўнглим,  
Юракка ранг берган бўстонда кўнглим,  
Ҳар куни беш гўзал дostonда кўнглим,  
Изладим, Навоий ҳазратдан топдим.

Муҳаббат насими эсгайдир хур-хур,  
Эй дил, бу “Арбаъин”, “Назм ул жавоҳир”,  
Не қилсам, кўнгилга тақдир бўлмай нур,  
Изладим, Навоий ҳазратдан топдим.

Қалбга Ундан ўзга не ҳожат керак,  
Бул денгиз соҳили зўр нажот керак,  
Йиғласам, кулсам ҳам муножот керак,  
Изладим, Навоий ҳазратдан топдим.

Дил учун бекаму кўстлик эҳтиёж,  
Поклар тутган йўли – ростлик эҳтиёж,  
Англадим, дўст бирла дўстлик эҳтиёж,  
Изладим, Навоий ҳазратдан топдим.

Бир гулга ошиқлик қисмат истарам,  
Мен фақат камолот, исмат истарам,  
Элга Хақ йўлинда хизмат истарам,  
Изладим, Навоий ҳазратдан топдим.

Бемор юракларга даво сўздурур,  
Бегумон хушнафас, хаво сўздурур,  
Наво истаганга наво сўздурур,  
Изладим, Навоий ҳазратдан топдим.

## НАВОЙНИНГ ИЗЛАРИ БОРДАЙ

*Ҳазрат Навоий Самарқандда яшаб юрган  
пайтларида Китоб туманидаги Хўжаилмкони  
қишлоғига ҳам келганлар деган тахминлар бор.  
“Сабъаи сайёр” достонидаги учинчи иқлимдан  
келган мусофир ҳикоясида тасвирланган  
обида қишлоқдаги зиёратгоҳ бўлиши мумкин,  
деб эътироф этилган олимлар.*

Орзулар қалбимнинг боғчаларида,  
Дилимнинг дилларга сўзлари бордай.  
Қишлоқнинг қум-тупроқ кўчаларида  
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.

Баъзида бўғзингдан олади ҳаёт,  
Баъзан таърифи йўқ дилбар ҳаётнинг.  
Гўё хонақоҳга чорлаб улуғ зот,  
Ўлмаслигин айтар тоза баётнинг.

Қадим обиданинг қадим ғиштларин  
Бизни кўриб турар кўзлари бордай.  
Бокдим, хужраларда ўзгача фусун,  
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.

Қалби шуурида бир нур олами,  
Туш бўлса керак деб ўйлайман гоҳи.  
Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир қадами  
Ишқ ва камолотнинг буюк даргоҳи.

Нурли чехраларга боқаман тўйиб,  
Меҳмонга деган нон-тузлари бордай.  
Чашмалар тошини ўпаман суйиб,  
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.

Бир дунё синоат сенгадир аён,  
Минг ёшни кўрган эй, бобо чинорим.  
Ул зотга бергандир самовий илҳом,  
Булбуллак, Қирққизга келган баҳорим.

Орзулар юрагим боғчаларида  
Қалбимнинг қалбларга сўзлари бордай.  
Хўжаилмкони кўчаларида  
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.



---



Нодир Жонузоқ

## НАВОИЙ

Дўстлар, бир зот келмоқда асрларни оралаб,  
Эзгуликни улуғлаб, разолатни қоралаб,  
Кафтида куёш тутиб, зулмат кўксин поралаб,  
Ҳар кўнгилдан кўнгилга сафар қилар Навоий,  
Дилларни асир айлаб, зафар қилар Навоий.

Кўз очгайдир тошлар ҳам тегса қутлуғ ҳассаси,  
Қалблар булоққа дўнар – асотирили “Хамса”си,  
Икки дунёга безак ҳам суврати, ҳам саси:  
Ошиқлар барҳаётдир – завол билмас Навоий,  
Замонлар шиддатини кўзга илмас Навоий.

Қақнус, Симурғ тилида – яхшиларнинг ҳайрати,  
Нафис мажлислар тузмиш Лайли, Ширин ҳайъати,  
Писанд эмас Искандар, Дороларнинг ҳайбати,  
Етти сайёрани ҳам қўлга олди Навоий,  
Юлдуз сўзларни ойдин йўлга солди Навоий.

Олтин мисралар тиза юксалтди ишқ зинасин,  
Эл-улусга очди у махфий Ҳақ хазинасин,  
Беш асрдан ошдиким, туганмас ганжинасин –  
Аямасдан улашар сахий вазир Навоий,  
Ҳар кўнгилда тиклади боқий қаср Навоий.

Ошиқларнинг шоҳи у, шоирлар авлиёси,  
Томирларни ёритгай ҳар хикматин зиёси,



Адабиёт мулкида йўқдир тенги, қиёси,  
Ким қаламга суянса, шаксиз, пири Навоий,  
Яратганнинг ошкор ва пинҳон сири Навоий!

Хуруж қилса ҳасрат, оҳ – кўнглингга қулоқ тутгай,  
Гоҳ кўшилиб йиғлар у, гоҳо кулиб овутгай,  
Рухингни кўтаргайдир, гарчи ўзи қон ютгай,  
Ҳар байти бир тумордир – балогардон Навоий,  
Ошиқларнинг дардига даво ҳар дам Навоий.

Мен ҳам битта шайдоман – пойини ўпсам дейман,  
Оёгини қучган из жойини ўпсам дейман.  
То тирикман, кўйида юкиниб ўтсам дейман,  
Ким этагин тутса гар – мангу қўллар Навоий,  
Тушларини ёритиб, бахтга йўллар Навоий.

Орзум шуки, қўлига Кавсардан сув қуйсайдим,  
Бир дам ёнида туриб, пок нафасин туйсайдим,  
Сўнг, майли, қисмат эса, таассуфда қуйсайдим,  
Умидворман, ҳолимни айбга йўймас Навоий –  
Дилбандини оловга ташлаб қўймас Навоий.

Эй, биродар, қародан юз ўгиргил – оққа кел,  
Бул ганимат чоғларда дилни қутқармоққа кел,  
Ўзликни англай десанг, бу кун “Миллий бок”қа кел –  
Ҳар ниҳолга нигоҳбон, паноҳ эрур Навоий,  
Миллат учун абадий маёқ эрур Навоий.

## 2

Сирларини очар аста Навоий,  
Гоҳ ҳазин, гоҳ масрур сасда Навоий.  
Ишқ дўконин бунёд қилмиш муҳташам,  
Ҳар ғазали – гулгун раста, Навоий.  
Ошиқади унга бемор ошиқлар,  
Улашади шифо хаста Навоий.

Улус дардин шимар дилга дамо-дам,  
Севинч сочар даста-даста Навоий.  
Чечакларга чанг солганда ғаддорлар,  
Ҳаёт шавкин кўрар хасда Навоий.  
Мухолифлар бигиз санчса гиз-гизлаб,  
Қалам йўнмас алам-қасда Навоий.  
Кўк тоқиға от кўйса-да хаёли,  
Пок назари мудом пастда Навоий.  
Шайдо диллар даврасида соқий ул,  
Ишқ майидан мангу маст-да Навоий.  
Дўстлар, шоир бўлолмасак, айб этманг:  
Бир миллатга ўзи бас-да Навоий!



НАВОИЙ

Илдиздаги туйғудан япроқларим титрайди,  
Тоғда жим эриган қор сойларда шарқирайди,  
Бобом бўғзидаги “оҳ” кўзимдан тиркирайди,  
Шеър жонидан тўйганми, дил тубига сакрайди,  
Бу ҳолимга уфқдан биров тўлиб қарайди,  
Асрлар ҳам бир-бирин одам каби кўмсаркан,  
Бунда шеър ўқий десам, куёш кўзни тўсаркан.

Бунда эй, ниятларин япроқ каби тўкканлар,  
Бир элнинг ҳасратини дилда муштдек тукканлар,  
Эй, қанотсиз учганлар, қуш тилидан ўпганлар,  
Асрлар юрагида югурик қондай чопганлар,  
Усти очик дунёнинг этагини ёпганлар,  
Олтин қозикка боқиб сайёҳ ҳам йўл топаркан,  
Ўзбекни излаганлар Навоийдан топаркан.

Бобо тупроқ, шон тупроқ, илдизим ботган тупроқ,  
Тафтин танимга бериб, ўзи совкотган тупроқ,  
Сендан ўсган чинорнинг шоҳида мен бир япроқ,  
Қоронғу томонимни ёритган эй, шамчироқ,  
Кўнгилинг куббасига Худойим илган байроқ,  
Уни ҳилпиратгучи ел юракдан эсаркан,  
Бунда шеър ўқий десанг, елкангдан сўз босаркан.

Тоғларда қор остида менинг кўнглим ўсяпти,  
Чўпонингнинг изига тавоф деб юз босяпти,

Ёмғир тортган пардалар жамолингни тўсяпти,  
Шу элнинг ор-ғурури камолингдан тошыпти,  
Елкам жимирляпти – қанотга ўхшаяпти,  
Юрак шеърдан тўлишса, сўз қанотга дўпаркан,  
Ҳурлик учирган кушлар юрт шохига қўнаркан.

Воҳки! Кўнглим шу дамда бунча бунёд кўрингай,  
Кўзим юмиб қарасам, бундан Ҳирот кўрингай,  
Кўзим очиб қарасам, мангу ижод кўрингай,  
Кўзим узмай тикилсам, шундай аждод ўрингай,  
Кўз ёш билан қарасам, Пули Сирот кўрингай,  
Бобо! Кўзларим ёнди – кўнгил шундай тўларкан,  
Бундаги ҳар навнихол чинордан бўй оларкан,  
Ўзбекни излаганлар Навоидан топаркан.



---

Наргиза Асадова

### НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ПОЙИДА

Бу маконда айлар навозиш,  
Кўк юзига хол бўлган қушлар.  
Бу маконда ҳатто ҳар дарахт,  
Шеър ҳақида кўради тушлар.  
Сувлар тўкир, энг гўзал мисра,  
Гул-гиёҳлар қилар хиргойи.  
Капалаклар айласа хиром,  
Олам узра тутар чиройи.

Бунда турар бир улуғвор зот,  
Сийратидан нурлар ёғилиб.  
Закийликда ўтган у дониш,  
Ҳар сатрига дунёни олиб.  
Ўтса ҳамки неча давронлар,  
Туйғулари яшайди инжа.  
Набиралар битса-да ашъор,  
Унинг изин урмади панжа.  
Мен ҳам келдим бу марду майдон,  
Бир сўз топсам қани холига.  
Ёзганларим бир тутам қоғоз,  
Арзийдими ҳазрат пойига.

АБАДИЯТ


Тунда Миллий боққа келади Пушкин,  
Ҳазрат Навоийнинг зиёратига.  
Бу пайти уйқуда бўлади Тошкент,  
Мўъжиза келмайди хаёлотига.

Кўришгач жонланиб, кўнгли қувониб,  
Сухбатлар бошланар адабиётдан.  
Пушкин байтлар ўқир юраги ёниб,  
Ғазаллар тинглайди мўътабар зотдан.

Қандай сўзлашмоқда, ахир, даҳолар?..  
Ҳайратлари тошиб борар одамнинг.  
Таржимон не керак, пирлари улар –  
Адабиёт деган буюк оламнинг.



---



Мансур Жумаев

ТОНГ

Зулматли тун эди.  
Ухладим...  
Пушкин билан сўйлашдим,  
Блок билан куйлашдим,  
Толстойдан,  
Чеховдан,  
Есениндан,  
Буниндан...  
муаллимлик ўтиндим...  
Тонгда туриб Навойни  
ўкимокка тутиндим.



---



## ДОСТОНЛАР

Ойбек

### ГУЛИ ВА НАВОИЙ

*(Халқ афсонасидан)*

Асрларнинг сўкиб чокини,  
Кўзларимга суриб ҳокини,  
Тарихларни бир-бир титурман,  
Афсоналар топиб битурман.

Афсонанинг кўпдир қуруғи,  
Ҳақиқатнинг баъзан уруғи  
Уюм-уюм тош ичра гўё,  
Бир гавҳардай беради зиё.

Мана, шундоқ битта афсона,  
Афсоналар ичра дурдона.  
Ҳаёлларим тинимсиз, қуюн,  
Тентирайман, ором йўқ бутун.  
Сомон йўли – Навоийдан из,  
Сиймосидир йўлимда юлдуз.

Шоир камтар ва инсоний, мард,  
Яшайдирман бирга чекиб дард.  
Ўзи ёш-ку, доврўғи баланд,  
Ёрқин қалби беғубор начанд.

Кўзларида меҳр жилваси,  
Жозибали, ёқимли саси.



Йигит кези – қомати ниҳол,  
Шеъри каби кўнгил ҳам зилол.

Хўб ярашган қоп қора мийиқ,  
Белидадир шоҳидан қийиқ.

Сарой қизлар ичра дард зори,  
Ҳар кўрган қиз дер: «Бўлсам ёри...»

– «Кўзларининг маъносига боқ!»  
– «Вазир ҳазрат эмишлар бўйдоқ...»  
Вазир шоир тўла ғайратга,  
Нафрати зўр айшу ишратга.  
Зулмат ичра кўтариб машъал,  
Инонурди – энар бахт, амал.  
Ҳақсизликдан эшитса нола,  
Ғарибларга меҳри шалола.  
Нафратига дуч келса ёв гар,  
Қаҳри ўткур қиличдай кесар.

Дилхастага суҳбат мулойим,  
Чеҳрасида жилмайиш доим.  
Ғайрат жўшар, нақ йигит ёши,  
Сўнмас бир дам дилда куёши.

Ўйлар – қанча олтин тежалар,  
Янги орзу, янги режалар,  
Янги ариқ ва шифохона,  
Илму ирфон учун кошона.

Иш кўп, дард кўп, кўнгилда кўп шавқ,  
Улус иши келтиради завқ.

Қанча йўқсул, қадлари букук  
Ғарибликда орзулар ўксук.  
Юрт гамида шоир ўртанур,  
Қалби ёнур, гўё бир танур.

Ҳар дам дилга куюлур андух,  
Кўчиролмас уни узун ух.  
Тўлдирса-да қалбни ғазаб, дўк,  
Халқни асло ташлагуси йўк.

Хуросонда бир одил шохни  
Кўрса улус, ювиб ғам-оҳни,  
Кўтарилса тез жабру жафо,  
Булутсиз кўк янглиғ мусаффо.

Ёш қалбида кўп орзу, ғайрат;  
Ожизликка у қилур нафрат.

Бойқаронинг саройида ой  
Оймас, куёш бўлиб олди жой.

Салланинг минг турланган ранги  
Кўндирилмиш гавҳариданми?

Орзуларнинг янги куюни  
Банд этурди султон ўйини:

Тутса улуғ бобо қўлидан,  
Яъни, борса унинг йўлидан.

Кучайтириб давлат қудратин,  
Қалтиратса ернинг кўкрагин.

Мана тахтда Ҳусайн Бойқаро,  
Ўтирур жим, фикрида долға.

Учрашурлар ҳар кун шох, вазир,  
Мана Ҳусайн унга мунтазир.

– «Алишербек, сиз кўп бешафқат,  
Шоирга бу ярашмас хислат!»

Деб шох турди истикболига,  
Шер эгилди ҳазрат олийга.

Саройлилар қоидапараст,  
Шоир адо этур бешикаст.

– «Алишербек, сарой беклари  
Соҳиб ақл бўлса сиз каби,

Уйқуни ҳеч қувмас ваҳим, ғам,  
Қўнглимиз тинч бўлурди ҳар дам.

На қилайки, бўрилар бисёр,  
Шу сабабки орзуларим хор...»

– «Подшоҳим, фикрингиз тўғри,  
Хушёр бўлинг, кўп беклар бўри.

Дехқонлардир меҳнат эгаси,  
Беклар, бойлар унинг канаси.

Подшоҳим бўлсинлар одил,  
Соянғизда мунаввар ҳар дил,

Ҳинд юрти-ла бошланг тижорат,  
Улуғ элдир. Беринг ижозат,

Юборайлик элчилар – доно,  
Карвонларга юклангиз совғо.

Эллар аро тижорат, дўстлик  
Қилинг барпо, бу – ишдир йирик.

Чин-Мочин бор, нозик санъати;  
Айни борди-келди фурсати.

Араб оти – энг сулув отдур,  
Жаҳон аро хўб аъло зотдур.

Қилинг савдо, эл топурақ равнақ,  
Бундоқ тадбир, шоҳим, ҳақдан-ҳақ.

Ўқинг китоб, китоб – хазина,  
Нурга тўлурақ китобдан сийна,

Ўқинг ҳикмат, жилд-жилд фалсафа,  
Бахш этур фан кўнгилга нашъа».

Шоҳ юзига ёйилур кулгу:  
– «Мантиқи зўр, яхши кенгаш бу!

Лекин, шоир, унутманг, қилич –  
Кўп ишларда ҳал қилувчи куч...

Алишербек, не тадбир, не ўй?  
Сотибсизмиш ҳисорий юз кўй

Қарши бозорида, насияга,  
Фараз қилсам, ўхшар ҳадяга?..

Вафотимдан сўнг тўлашурмиш  
Харидорлар, ёҳу, нечук иш?»

– «Олий ҳазрат, бу сўзлар ростдур.  
Қилмишимга бир сир боисдур.

Харидорлар ёлворур дойим,  
Ўғонидан тилаб, подшоҳим,

Сизга беҳад кўп узоқ умур,  
Ниятим шу!» – Шер кулур махмур.

Хусайн кулур, қаҳ-қаҳа узоқ.  
Гар эсига тушаркан ҳар чоқ

Севар эди шоҳ афсонани,  
Такрорлашни бу ҳангомани.

Кўрпачанинг тагидан мағрур  
Бир варақни аста суғурур:

– «Хукмингизга бўлсин ҳавола,  
Назмдан машқ – кўнгилдан нола...»

Қуллуқ ила олур Навоий,  
Шилдирайди қоғоз нақ шойи.

Такрор-такрор ўқир ғазални,  
Таърифламиш ишқни, гўзални.

Шоир хушҳол, чехрасида нур,  
Икки қўллаб шохга узатур:

– «Шеър бобида ўзингиз – хоқон.  
Истардикки, мулки Хуросон

Бўйлаб улуғ Темур сингари  
Қулоч ёзса Бойқаро даври».

Енгилланган мамнун ҳукмдор,  
Яширолмас сирин – хўрсинар:

«Дўстим, бу ҳам бир ишқ эртаги,  
Мен фақирнинг кўнгул эрмаги...»

Рангдор қоғоз таҳланур шу он,  
Болишига қистирур султон.

– «Давлат иши шохимда бисёр,  
Ўғирласа вақтингиз ашъор,

Гуноҳ бўлмас, ҳазрати олий!»  
Деди кулиб мамнун Навоий.

Икки шоир – подшоҳу вазир,  
Иккови ҳам бирдек севар шеър,

Шеър битишар, сирлашардилар,  
Шеър ила тиллашардилар;

Шеърятнинг йиғиб мухлисин,  
Қурардилар ашъор мажлисин.

Шўх базмлар бошланиб қолса,  
Рубоб, танбур садолар солса,

Раққосалар сеҳри, санъати.  
Баҳор ёяр – кўнгул улфати.

Ёш сокийлар тинмасдан чопар,  
Кадахларки тошиб, нур чакнар.

Май кўпурган кадахлар тутар,  
Шоир кулиб томчилар ютар.

– «Оҳ, бешафкат! – дер ёниб тождор,  
– Сиз ашъорда, биз майда илғор!..»

Жўшқин базм авжига ошар,  
Шўх кийкириқ саройдан тошар;

Тарқалурлар беклар маст майдан,  
Алишер маст рубобдан, найдан...

\* \* \*

Ўн саккизга энди кирган қиз,  
Ишқ кўкида туғилган юлдуз.

Бўй десангиз – бир гули ниҳол,  
Дилни ўртар ёноқдаги хол.

Табассумга очилган дудок,  
Бўса сириш ўқур ҳар бўйдок...

Тиниқ оқ юз, ёрқин пешона,  
Кўрган колур, оҳ, ёна-ёна.

Қошларида икки нозик ёй,  
Эҳсон этмиш аксин янги ой.

Елкасига тўкилган ипак  
Соч мавжидан ёнади юрак.

Кўкрак кўрки – тўлқини, мавжи,  
Камолотда гўзаллик авжи...

Оқ булутдай ювган рўмолин  
Ёяр экан, тенгсиз жамолин –

Кўрган ким деб, қиз юз ўғулар,  
Сеҳр банди йигитни кўрар.

Бир табассум учди Гулидан –  
Сирли туйғу қизнинг дилидан.

Гул узолмас кўзни шу палла,  
Пешонада чақнаган салла...

Достонларда доим ўқиган,  
Рўёларда хаёл тўқиган

Алишер ўз севгилисини  
Топди Ширин ва Лайлисини.

Тонг нафаси қанотларида  
Жўш урган нур гирдобларида,

Тотли нашъа келтирган илҳом  
Парисини изларди мудом.

Оқ булутдай оққан нур гўё,  
Соф ҳислардан тўқилган рўё,

Кўрар ҳозир ўша рўёсин,  
Тинглар шоир кўнгил садосин:

– «Ёраб, будир мен излаган ёр!...»  
Жилов тортар у беихтиёр,

Қалт тўхтайтиди, отидир сергак:  
– «Оқтармишим шу ўзи бешак!

Рўёларда кўрганим шу қиз,  
Осмонимда туғилди юлдуз...»

Бир табассум, бир нигоҳ, ёху,  
Қалбларини боғлади мангу.

Бир онда йўк бўлди пари киз,  
Том, нарвон бўш, қолмагани из.

Тотли рўё оғушида Шер  
Борур, дилда куюлурди шеър.

Туйғулари яркирок, жўшқин,  
Шоир борур, хаёлда тўлқин.

Кўчаларни кезди у беҳуш,  
Дерди: «Ёраб, ўнгимму, ё туш?!»

Оташ тушиб йигит ишқига,  
Қайтар дархол қиз эшигига.

Отдан тушди, урди халкага,  
Сабр йўқди бир дақиқага.

Уй эгаси Солиҳ боғбон чол,  
Кўриб султон вазирин у лол,

Ҳайратидан тош котди бир зум.  
Тавозе ва салом, табассум

Ила шоир узатганди кўл,  
Чол букилди ва бошлади йўл.

Жилов тутиб, боғ-сув бўйига,  
Сув бўйида кўноқ уйига.

Дуода кўл юзга суришқач,  
Ундан-бундан дам сўз сўрашқач,

Бир дақиқа шоир қолди жим,  
Кейин деди уялиб ҳалим:

– «Кўнглингизга қилғайсиз қабул,  
Куёвликка кўрғайсиз макбул».



– «Жоним билан, хазрати вазир,  
Сизга қизим наҳотки арзир!

Аммо ундан сўрай бир оғиз,  
Уйим, дилим гули у ёлғиз...»

Ичкарига югурди боғбон,  
Қизга бир-бир айлади баён.

Доно Гули деди: «Отажон,  
Ҳазрат вазир билсинлар шу он:

Қабул қилса гўёки каниз,  
Розидурман қуллуққа ҳар гез...»

Солих боғбон чикди мамнун, шод,  
Борми чолда ўзга бир мурод?

– «Бағишладим сизга, эй ғози!  
Қизим рози ва мен ҳам рози!»

Шоир қалқиб, қилди тавозе:  
– «Ота рози, Олло ҳам рози!»

Белбоғидан тўқди минг олтун:  
– «Остонангиз босганим учун...

Деди шоир, майин табассум  
Чехрасини қоплади бир зум.

Севгидан ва севинчдан у маст –  
Бир умрга етур саргузашт,

Топмиш ёри мислсиз, сўлим,  
Ишқ нашъаси кўксида лим-лим...

Борур шоир саман отида,  
Учар гўё бахт қанотида.

Хона катта, ганж панжарадор,  
Нафис завққа мос зап нақши бор.

Тўшалган чўғ гиламлар ёник,  
Кўрпачалар, болишлар момик.

Шоир диди – сипоҳи жиҳоз,  
Истар қақур-куқур бўлса оз.

Хонтахтада ёнур кўшчирик.  
Хаёллари кезурди ирок.

Мисраларга кирурди равон  
Фикрлари, гўё бир камон

Пардасидан учган куй ҳозир,  
Фусункор бир нашъада шоир.

Талай варақ тўлди ғазалга:  
– «Арзирмикан сендек гўзалга?!

Умрим бўйи изладим сени,  
Топдим, машъал ёритди мени.

Хаёлимдан кетмайсан нари,  
Ишқ мавжланур дақиқа сари.

Мажнун, Фарҳод каби ёнурмен,  
Ишқ майига, зора, қонурмен.

Гули, жоним, ташлама мени,  
Жаҳон бўшдир кўрмасам сени...»

Қоронғилик эрий бошлади,  
Мовий ипак ерга ташланди.

Севар шоир шундай паллани,  
Сукунатда қучур нашъани.

Ҳофиз қушлар – сахарга ошиқ,  
Куйлари тонг сеҳрига лойиқ.

Дарахтларни буркаган нафис  
Гул мадҳига ўқирлар ҳадис.

Гўзал эди бу тонг айёми,  
Ҳамоҳангди шоир илҳоми.

Хиёбонда у аста юрур,  
Муҳаббати бағишлар ғурур.

Гуллар гўё шабнамга қадах,  
Гўзалликдан туяр у фарах.

Бир-бир босди шоир гуларо,  
Ўқир ғазал, янграр дилнаво.

*Сўлим боғда сузадир сурур,  
Шоир мамнун хаёлчан юрур.*

Руҳи енгил, лиммо-лим севинч,  
Тотли нашъа, хушҳол ва дил тинч.

Тонг эпкини кезиб қир, ишқом,  
Келтирибдир фусункор ором.

– «Ёраб, ёраб, бу не мўъжиза?!  
Гўё ютдим шароб бир кўза...»

Ҳаяжонда шивирлар шоир,  
Хаёлларми бу қадар моҳир?!

Оҳ, бу нечук ажаб сеҳргоҳ,  
Қайдан пайдо бўлди Гул ногоҳ?

– «Лутф айлангиз, улуг ҳазратим,  
Сизни кўрдим, битди ҳасратим.

Йўлингизга интизордурмен,  
Кутадурмен, хоки зордурмен.

Муҳаббатдан тутдингиз шароб,  
Сипқирдиму оромим хароб...»

Туйғуларки ширин, тўлди дил,  
Таърифидан ожиздур бу тил.

Қизни кучур кулиб Навоий,  
Афсус бари – хаёл, ҳавойи...

Гулшан ичра эрир киз аста,  
Яширибди қайси гулдаста?!.

Таъзим ила тўхтар қаршида  
Ёш йигитча, қўлтуқда беда.

Салом бсрур ҳушфеъл мулозим,  
Алик олгач шоир дер: «Иним,

Балли, отдан аяманг шафқат,  
Тотсин, ахир, жонвор ҳам роҳат».

– Топилмайди, ҳазрат, бу хили,  
Асл йўрға, ёлғиз йўқ тили.

Кўринади менга дулдулдай,  
Свадурмен нақ жону дилдай.

– «Улоққа ҳам ярар эҳтимол»  
Деди кулиб Навоий хушҳол.

Тагин боғни кезар у секин,  
Токнинг нафис йилтироқ баргин

Бир зум тўхтаб қилур томоша:  
Сирларга бой дунё ҳамиша!

Тонг салқинин эмган сувни жим,  
Тавозеъ-ла тутар мулозим.

Навкарлар-ла ўқир у намоз,  
Нонуштага ўтирурлар боз.

Дастурхонда нон, қаймоқ, халво,  
Қора майиз – ҳар дардга даво,

Дарвозада йўрға кутади,  
Шоир ўрда томон кетади.

\* \* \*

Уйғонарди Ҳирот эрта тонг,  
Уйғонарди кумурсқа – серонг.

Уйғотарди шамол кўшиғи,  
– Ризқин излар ҳар қуш тумшуги.

Кўтармаган бошини куёш,  
Уйғонарди темирчи, наққош.

Яна қайнар Ҳирот бозори,  
Расгалари, сарой, гузари.

Биров отда, биров пиёда,  
Қатновчилар ҳаддан зиёда.

Қаландарлар қичқирар: «Ёху!»  
Қассоблар дер: «Бу гўшти оху!»

Темирчилар болғалар тақа,  
Тиланчилар дарди – бир чақа.

Йигитчалар югурар ҳар ён,  
Бошларида сават-сават нон.

Биров малла бўзда, эшакда,  
Елка чиқик, йиртиқ телпакда.

Биров саман отда, у узун  
Белбоғига тугмиш зил олтун.

Мана бир чол тарашлар мрамар,  
Ҳаёт шундай серғам, дардисар.

Бор гўзаллар, бор чўлоқ, қийшиқ,  
Бозор шовкин, шундай қоришиқ.

Мана ипак тўла бир раста,  
Шойи хитой, ҳинд – даста-даста.

Мана ханжар, қилич растаси,  
Тиғи пўлат, олтин дастаси.

Ҳалво бозор – тоғу тоғ ҳалво,  
Таъми тотли, нархида ғовғо.

Ҳаёт қайнар, олтин жаранги,  
Тинмас бир зум савдонинг жанги.

Туяларнинг занжир карвони,  
Кўнғироқлар салмоқли бонги.

Шундай шовкин Ҳиротда бозор,  
Биров сотар, биров харидор.

Ҳар нав инсон бунда қоришиқ,  
Биров боёв, бировлар пишиқ.

Борур отда Алишер вазир,  
Ковуштириб қўллар мунтазир,

Ёшу қари барида ҳурмат,  
Бари салом берулар албат.

Ҳаёл учар, хаёл ҳавойи,  
Алик билан борур Навойи.

Қилмоқ истар букун у харид  
Гулига бир шода марварид.

Бу бозорда заргарлик раста  
Бошқасидан каммас, ораста.

Нодир гавҳар ёхуд жез сирға,  
Топилурди изланган совға.

Шинам дўкон олдида вазир  
Тўхтар экан, бир йигит фақир

От жilовин олганди дарҳол,  
Истикболга шошди заргар чол.

Кўрпачалар солинди қат-қат,  
Ҳол сўрашдан бошланур суҳбат.

– «Хизмат, тақсир?» – букилди заргар,  
Касби унинг марварид, гавҳар.

Шоир деди: – «Энг нодир инжу...»  
Кўзларида яшрин бир кулгу.

– «Хўб, тақсирим!» – шошур зиёда,  
Жовонларда дур шода-шода,

Олиб тутар: – «Марҳамат, тақсир,  
Танласинлар, муҳити Кабир

Ижоди-да, мўъжизакор-да,  
Мисли йўқдир бирон бозорда».

Шоир кулиб, қилур тасаввур:  
– Бизнинг Гулға қайси ярашур...?!

Инжуларнинг текширур фарқин:  
– «Маъқули шу, айтсинлар нархин?

Ўрасинлар қоғозга, жаноб,  
Гўё томчи-томчи офтоб...»

– «Дидлари кўп аъло, – кулур чол, –  
Юз тиллони тиласам малол

Келмасмикан кўнгилларига?...»  
Деди заргар бокиб вазирга.

Мир Алишер ечиб камарни,  
Жаранглатиб тўкади зарни

Тавозеъкор заргар кўлига,  
Инжуларни солур кўйнига.

– «Куллуқ, таксир, бахтга буюрсин, –  
Деди заргар букилиб мамнун, –

Маҳбубларга ярашур дурлар,  
Элтадурсиз дарёи нурлар...»

Енгил борур от юввош, йўрға,  
Туйғулардан узилиб зўрға,

Шоир боқар йўл берганларга,  
Қовуштириб қўл турганларга.

Саломларга табассум, имо,  
Жавоб берур шоир доимо.

Мана боғча – бахтнинг бешиги,  
Ер эшиги – кўнгул эшиги...

От стаклаб Алишер хушҳол,  
Киран экан, сачради дарҳол,

Китобини четга кўйиб Гул,  
Салом берди қизариб буткул.

Шоир деди:– «Соғиндим, ёро!»  
– «Марҳамат», – дер Гули боҳаё.

Меҳмонини хонага бошлаб,  
Кўрпача ва болишлар ташлаб,



Ўтқизади қиз ёна-ёна,  
Шоир боқар шўх, ошикона.

Севинч тошар ҳар икки дилда,  
Ишқ эртаги кўнгулда, тилда.

Сўзлардилар, кулардилар шод,  
Шоир ўқир ғазалларни ёд.

– «Устоз Лутфий девонлари-ку, –  
Дер Навоий, – заб китоб-да бу!»

Сезур фарах, варақлар бир-бир,  
Жилва бермиш кўзларга сеҳр.

– «Гўё қуёш бундаги ашъор,  
Кўнгиллардан ювади ғубор»,

Дер қиз кулги ўчмай юзидан,  
Нур ёғулур шоир кўзидан,

– «Қалбимизнинг, – Гули кулиб дер, –  
Юлдузидир – ёлғиз Алишер».

– «Сени дерман – дунёда қуёш,  
Сени кўрсам эрур қалбда тош.

Келтирмишдим бир кичик ҳадя,  
Табиатнинг ижоди ҳуфия...»

Гули қолур беҳушдай бир зум,  
Кўзларида ёнур табассум.

Инжуларни силайди секин:

– «О, бу менга ярашурмикин?»

– «Дур бўлмишдур, ёро, сизни деб,  
Кўксингизда порлаб, берсин зеб».

Шоир тўймас қизнинг кўркига,  
Сўзларига, киликларига.

Сукунатда бу икки ошик,  
Юзларида тошқинди шодлик.

Тағин кулги, суҳбат галма-гал,  
Ёд ўқирлар ишқий не газал.

– «Бу кунги бахт, – Навоий дейди,  
– Бир умрга етса арзийди».

– «Ундок деманг, азизим, ҳайҳот,  
Сиздан айри билмасман ҳаёт...»

Бахтли дамлар дерлар беўлчов,  
Кувоннишар, кулишар иков.

Гул ўйлайди – тўхтаса замон,  
Гўё ютган қалбига жаҳон.

Гўё ишқи бахш этмиш қанот,  
Дер кўнглида: «На тотли ҳаёт...»

Гули ёнар гўё бир машъал,  
Тилар шоир: «Ўқинг бир ғазал».

– «Йўғе...» – қиз дер уялиб махмур,  
– «Йўқса, шингил чалингиз танбур.

О, гўзалдур, азим табиат,  
Баҳор соҳир, ювилур ғурбат.

Чалинг, Гули, мунису улфат,  
Танбур тори қочирур кулфат...»

Гули чалур, оҳанг сеҳрлар,  
Дилга тотли қуюлур сирлар.

– «Ҳайҳот, улуғ табиат – жаннат...»  
Деди шоир – қониб муҳаббат.

Навоий маст, завқлари баланд,  
Муаззам бир тоза ишққа банд.

– «Жоним, сабоқ олмишсиз кайдан?»

– «Хафиф ғуллар табассумидан...»

Гули чертар, танбур сероҳанг,  
Юракларда қолмаганди занг.

Қиз ялинар: – «Шеър, о, бир шеър».

– «Гунг илҳомга берибсиз меҳр,

Йўлларимга тўлдирибсиз нур,  
Қуёш ишқин топдим, ташаккур.

Мен куйласам севгидан эртак,  
Пойингизга тўшасам чечак.

Эшитурмен, шивирлар илҳом,  
Атар сизни: гулдаги бодом...»

Гули ёзур шинам дастурхон,  
Шоир қалқиб олур шу замон.

Узилмасди суҳбати ором,  
Ишқ майига қуйилур оқшом.

Навоий дер: – «Ғамим мамлакат,  
Гуллармикин, қилсак ҳаракат.

Вайронликка чексак рақамлар,  
Қурсак ҳаммом, боғи эрамлар...»

Келиб қолди чол боғбон шу дам,  
Ҳурматиға қалқди шоир ҳам.

Эллик ёшда, алиф қомаги,  
Боғбончилик – ишқи, роҳати.

Қалами тун, мулойим, камтар,  
Фалсафасин ҳаётнинг билар.

– «Боғдормиз, иш бизда кўп, тақсир».

Учқунланиб кўзлари, вазир

Назокат ва тавозеъ ила  
Кекса қўлдан олур пиёла.

Гоҳо зимдан боқар Гулига,  
Жавоб қилур чол саволига.

Боғбон сўзлар аҳвол замондан,  
Сухбат борур нарх-наводан.

Қўзғолурди шоир ўрнидан,  
Ажралгуси келмасди қиздан,

Нашъа тошган бахт масканидан,  
Қиз ҳам гўё қўзғолур издан,

Деди илиқ табассумда қиз:  
– «Ҳардам сизга интизордур биз...»

\* \* \*

Хусайн отда, беклар пайдарпай,  
Эгарига қўнмиш хайкалдай.

Ўнг қўлида Алишер вазир –  
Чехра нурда, камтар, беназир.

Бойқаро-чи, мағрур – шоҳона,  
Ҳашаматли салла пешона

Узра ял-ял ярқирар жиға,  
Дабдабадор оқар бир жилға.

Бу – подшоҳнинг овга чиқиши,  
Томошада эди кўп киши.

Бу юришдан ер-кўк зилзила.  
Кампирлар ҳам (кўзлари хира)

Эргашарлар қиз-жувонларга,  
Тирмашарлар том-деворларга.

Сипоҳилар даста ва даста,  
Туп саркарда сипоҳ, ораста.

Тез-тез султон чикарди овга,  
Тайёрлик нақ юрушдай ёвга.

Чодирлар-у, бутун ошхона.  
Унутилмас кўчма майхона.

Мана бирдан Ҳусайн Бойқаро  
Навоийни туртди: «Мир, қара...»

Даричада кўрди Навоий  
Гулни, шоҳи рўмол ҳавоий.

Қопламаган қизнинг ҳуснини.  
Қотди султон, борлик жисмини

Ёқиб ўтди бир офат чақмоқ,  
Гўё дилга қадалди пичоқ.

– «Кўрмаганман,– шоҳ дер ичида,  
– Юлдузларнинг жилмайишида

Бундай нодир ва тенгсиз ҳусн...»  
Султон Ҳусайн йўқотмиш ҳушин.

Ёпилганди шу он дарича,  
Яшринганди Гул ичкарига.

Алишерга тегди ўк гўё,  
Онгладики, коронғи дунё.

Шивирлайди Ҳусайн Бойқаро:  
– «Қалбга тушди кўзлари қаро...

Дилда ёнди яна бир чирок,  
Дуч келди, оҳ, янги бир фироқ...»

Навоий жим ютади ғамни,  
Унга йўлдош, издош аламини.

«Он ҳазратим, хижрон оғир...» дер.  
Хусайн дейди: – «Мубталоман, Шер...»

Шоир сукут килади бир зум,  
О, бахтига бу нечук ҳужум...

Тонг шамоли эсарди секин,  
Шаҳар узок, ҳамма ёқ экин.

Овчи итлар олдда, узокда,  
Султон слар, дарди садокда.

Ирғиб тушар отидан шоир,  
Аргумоклар майсада ҳозир.

Амир, беклар тўхтайди бари,  
Чодирлар мўл – тайёр илғари.

Шоир беклар, мулозимлар-ла  
Сўзлашарди тағин кимлар-ла,

Ичда бўрон, кимса билмасди,  
Қон томган дил – ғамга кафасди.

Шох чодирда ўтирур мағрур,  
Ўлжалик ов кайфини сурур.

Кийик кабоб, кўпирур чағир,  
На қилғай оҳ, бечора шоир!...

Кўлда қадах, лабда ним ханда,  
Такдирми бу? Ноилож банда...

\* \* \*

Эшик қоқди – бу қози совчи,  
Бурун карнай, тер томчи-томчи.

Гавда йирик, салласи катта,  
Сургалган тўн, кулоҳи пилта.

Солиҳ боғбон титрайди зир-зир,  
Қўл кўксида: – Буюринг, таксир.

Чўкиб қози, юз силар: «Омин».  
Ҳол-аҳволдан сўрашар калин.

Сўнг дейди у: «Юборди султон,  
Сизга домод бўлур шоҳ жаҳон...

Кўз тушибди, ёқибди ишқи,  
Мураккаб-да муҳаббат сири...»

Бир зум пих-пих кулади қози:  
– «Шоҳга қизнинг бўлурму нози?»

Боғбон қотган, жим ўтиради,  
Сўнгра қуллуқ қилиб туради:

– «Ёлғиз қизим, сўрай райини».  
Ўйлар: «Борми қизим тайини?»

Қиз кулади: – «Мен туямидим,  
Бўладиган бир калламидим?...»

Боғбон чиқиб, эгилур: «Таксир,  
Пешонага битгандур такдир.

Қиз айтилган, буюргани бор,  
Сўзни бузсак – номусимиз хор».

Қози калон ёқасин тутар:  
«Ё олло!» деб тупугин ютар.

Тахтга чўккан Бойқаро хоқон,  
Кўзларида булут ва бўрон.

Қалби чексиз, гўё бир уммон,  
Янги ёрнинг ишқидан туғён.

Қози калон қилурди изҳор  
Қизнинг радин такрор ва такрор.

Султон излар тез Алишерни,  
Топмай имлар кичик вазирни.

– «Умид сизда, азизим вазир,  
Бир ишққа мен мубтало, асир...»

Кичик вазир кашф этур канот,  
Қамради у гўё коинот.

Куллуқ этиб, югурди дарров,  
Вазир курган қизларга кўп ов...

Боғбонга дер: – «Тақсир, куллуққа  
Келдик, умид чикмағай йўққа».

Кирди Гули олдига боғбон:  
– «Йўқ демагин, кечиргай яздон...»

Дафъатан қиз оқарди бўздай,  
Қалтиради, қуйди тер муздай.

– «Қайғурма, Гул, банда ноилож,  
Кийгизибди тақдир сенга тож»

Гули хўнграр: – «Қани Алишер?  
Мен бевафо, ютмайдими ер?...»

Яркирок тўн кийиб, хушхабар  
– Билан учар вазир, гўё пар.

Бойқаро шод: – «Тўйни бошланг, – дер, –  
Зир титрасин ситти осмон – ер».

\* \* \*

Ой тўлибди... нур селида тун.  
Аммо икки кўнгилда тутун...

Ўлтирурлар Гули ва шоир,  
Ҳасратлари ҳижронга доир...



Ишқ чаманин буркабди булут,  
Ўтирурлар... хазин бир сукут...

Самода чўғ гўё юлдузлар,  
Сомон йўлда Гул нажот излар...

– «...Изингдамен бутун умр, Гул,  
Бадбахтлик бу – кўнгил кўрим кул.

Сенга теккан ўқ дилда ҳар он,  
Томизадур томчи-томчи кон...»

Шоир олди қўйнидан девон:  
– «...Гулим, ҳар гез сен – қалбимда жон.

Шу газаллар мендан ёдигор,  
Рад этма, ёр, йиғлатма зинҳор.

Бу шеърлар куйлар севгимни,  
Бу дostonлар сўйлар севгимни...»

– «Ҳазрат, менми ё сиз бевафо?...»  
– «Йўқ тақдирдан энмиш бу жафо!»

Хўнграб-хўнграб йиғлар эди Гул:  
– «Дердим, бўлай шоирга мен кул...

– «Йиғлама, Гул, йиғлатма зинҳор.  
Мен билмасман сендан ўзга ёр.

Қовушмасдан бошланди ҳижрон,  
Ишқ чаманин совурди хазон...»

Гоҳ ҳазил-ла шоир'овутур,  
Ясама бир латифа тўкур:

– «Гули, улуғ Султон Бегим – сиз,  
Остонада кулингиздур – биз»

Гоҳ мантиқ-ла қилур насиҳат,  
Кўнглида дер: «Бу нечук даҳшат!»

Олисларда хўроз қичқирар,  
Гул дер: «Мени унутманг зинҳор».

Дурлар ёнур Гулнинг бўйнида:  
– «Узун-узун ҳижрон йўлида

Инжуларни кўзга сурурмен,  
Ҳазрат, ҳар дам мен ҳис қилурмен

Кўксингизга қўйдим деб бошим,  
Бу инжулар – кайноқ кўз ёшим...»

Қиз кўксида ёнарди дурлар,  
Кўз ёшларда сўнарди нурлар...

– «Ёраб, нечук инсон мен номард, –  
Дер ичида шоир ютиб дард, –

Достонларда топилмас бу қиз,  
Яратишга илҳомлар ожиз...»

Турди шоир: – «Алвидо, Гулим,  
Ёлворамен, йиғлатма дилим...»

Гўё кўнгли қовжирок, чил-чил...  
Аста юрди, қадамлари зил.

Шоир ва Гул айрилдилар жим,  
Қалблар мунгли, ғариб ва стим...

Ол шафақда аста туғди кун,  
Эриб кетди такрор келмас тун...

\* \* \*

Остонада шоҳ қилур хитоб:  
– «Гули бегим мисли офтоб!»

Гул эгилур: – «Улуғ хоқоним!  
Ассалом, э шоҳи жаҳоним!»

Ёноғида сўнган ол шафақ,  
Ҳусайн ўпар: «Бўлдим муваффақ

Улуғ бахтга – Гул меним ёрим,  
Раҳм айлади парвардигорим».

Қуради у тўрда чордона,  
Ўтирур маст, терда пешона.

Қиз қалбида чайқалур армон,  
Хумор кўзлар энди паришон.

Гўзалликда зарра йўқ нуксон,  
Чексиз ҳасрат кўнглида пинҳон.

Ҳислари ва ҳирслари қайнок  
Султон Ҳусайн гўё бир япроқ,

Қалтирарди, ожиз, бир хитоб  
Қилолмасди, қамраган гирдоб.

Кўп гўзаллар бўлгандур улфат,  
Маликалар қилгандур суҳбат...

Гулнинг латиф, нур киёфаси,  
Кўрки гўё – бир тонг нафаси,

Шоҳни қилмиш эди маст, беҳуш,  
Кечинмалар ширин, гўё туш...

Назокат-ла Гули дер: – «Ҳазрат,  
Сиздан қирқ кун сўрайман муҳлат...

Лутф айлангиз, олий ҳукмдор!  
Қулингизнинг шу тилаги бор...»

Шоҳ сукутда чекар изтироб,  
Қани сабр, бу нечук азоб?!

Гули кулар: – «Подшоҳи олам,  
Ярашмайди Сизга чекмақ ғам...»

Хусайн дейди: «Борлиғим бутун  
Оёғингиз остида букун.

Гули, менга сиз – юлдуз, сиз – ой,  
Сизгадур мен факир – хоки пой.

Ҳар на истанг – зумда мухайё,  
Сиз – кўзимда, кўнглимда зиё».

Таъзим ила Гули букулур,  
Жўш урарди ирода, гурур:

– «Ташаккур, оҳ, Сизда кўп шафқат,  
Шоҳи одил, топинг ҳақиқат...»

Такрор-такрор Гул қилур куллуқ,  
Кўз ёшида киприклар куюқ.

Жойдан аста турар ҳукмдор,  
Афсонада шундай нақл бор...

\* \* \*

Гул тўшакда, эрир гўё шам,  
Яра қалбда чайқалурди ғам.

Бугун кирк кун, Гули худ соя,  
Ичка армон чўккан зўр қоя.

Дард кемирмиш сийнани бутун,  
Кўзларига тортилған тутун.

Қон бўялиб туғарди саҳар,  
Томирларга тарқалур захар.

Қиз хўрсинди, тугашда умри,  
Бугун сўнар кўздаги нури.

Шоҳ Бойқаро бир сўз котолмай,  
Чикди сиртга, йиғлади талай.

Остонада тиз чўккан шоир,  
Сийнасида дард юки оғир.

– «Алвидо...» – дер Гул Навоийга,  
Сўнг бор сўзлар бу шайдойига:

– «Баҳоримга ёғилди қиров,  
Такдирға, оҳ, нечук қилай дов?

Бу манзилга келдим ажалнинг  
Қанотида – у бемаҳалнинг.

Сизга сўнгни, ёлғиз васиятим:  
Елкангизда элтинг тобутим...

Қучоклагай ишқимни кабр,  
Сизга тилай тангримдан сабр.

Пора-пора дилларда чоқим,  
Елкангизда элтингиз хоким...

Ёлворурмен, тўкманг кўз ёши,  
Олмос эрур такдирнинг тоши...»

Гул юзига кўнди табассум,  
Юмди кузин, кучмишди ўлум.

Навоий қон йиғлар эди жим,  
Оқди ёшлар, оқди бетиним...

Ўртанур дил яраси, доғи,  
Аста чиқди, оғир дард тоғи.

Қуюлур ёш, сийна ўт хозир,  
Хусайнга йиғлаб дер шоир:

– «Соянгизда сўлди Гул чаман...»

– «Сарвдан тобут, гуллардан кафан

Деб шоирнинг бўйнига шу он  
Хўнграб отар ўзини хоқон.

Елкаларда чайқалур тобут,  
Кўнгилларда мотам, ғам – булут.

Канизаклар йиғлайди бари,  
Қўзғолдилар қабристон сари.

Шоир борур, ғамдан эгик бош,  
Қалбга томур қатра-қатра ёш.

Елкасида борурди Гули,  
Ковжирарди оташда дили.

Ишқ дардидан эримасми тош?  
Шоир элтур кўмгали кўёш...

Оғушига олур сиёҳ чоҳ,  
Бу чоҳ Гулга мангу оромгоҳ...

*20 март, 1968 й.*



---

Тўлан Низом

**АЛИШЕР**

*(Лирик қисса)*

*Устоз Ойбек хотирасига*

**МУҚАДДИМА**

Улуғ устоз,  
Ойбек домла!  
Бундан роса  
Элик беш йил  
Муқаддам Сиз,  
Навоийни  
Қилиб кўз-кўз,  
Тилларингиз  
Бўлган тугун...  
Оғир экан,  
Сиз босган из.  
Оғир экан,  
Сиз айтган сўз!  
Жуда билдим,  
Ушлаб қалам,  
Алишер деб,  
Битмоқ учун,  
Мен ҳам бугун...  
Осон эмас,  
Сиздек ўйлаш.  
Осон эмас,

Сиздек куйлаш.  
Жуда қийин...  
Эх, ўн олти  
Ёшигача  
Алишердек  
Бўлиб сўйлаш!  
Бел боғладим,  
Алишербек  
Кўз очганда,  
Бешигини  
Ғойибона  
Қучоқладим.  
Кўз олдимда  
Кўзингиз бор.  
Тун кечалар  
Алишерни  
Ёд этарман,  
Ёнбошимда  
Ўзингиз бор,  
Ўзингиз бор!  
Қадим Ҳирот,  
Астробод,  
Ҳам Хуросон,  
Тафт,  
Сабзавор.  
Зўр манзара  
Уни руҳан  
Чизиб берар  
Менга Бехзод<sup>1</sup>.  
Имо килур  
Лутфий,  
Анвор<sup>2</sup>.

---

Камолитдин Бехзод.  
Шоир Абулқосим Анвор.



Жомий устод,  
Ёлбораман,  
Не сир, асрор?  
Алишербек  
Йиғлаб турар  
Қўлда Аттор<sup>1</sup>...  
Бепоён ўй,  
Чексиз хаёл –  
Туғар илҳом  
Қийноқ билан.  
Қоғоз узра  
Тушар достон  
Туғён билан!  
Туғён билан!

Узр, Устоз,  
Ойбек домла.  
Ижозат дсб,  
Қўлни беринг.  
Тўлан Низом  
Йўлга чиқди,  
Йўлни беринг!

### Туғилиш

Ҳижрий сана<sup>2</sup> эди саккиз юз қирқ тўрт,  
Товуқ йили келди қишли-қировли.  
Қор кураб эрта-кеч оворадир юрт,  
Мўрилар тутунли, танча оловли.

Ўн еттинчи куни моҳи рамазон,  
Чоршанба кечасин тонг отар пайти.  
Гулбегим кўз ёрди гул каби жувон,  
Шу заҳот муаззин азонин айтди.

<sup>1</sup> Фаридиддин Аттор, “Мантик ут-тайр” асарининг муаллифи.

<sup>2</sup> Милодий – 1441 йил, 9 февраль.

Ёш она тўлғоғи туғди бир қуёш,  
“Инга-инга”сидан уйғонди Ҳирот.  
Ва бутун Хуросон, Самарқанду Шош,  
Қадим Турон замин, Ирок, Қошғар шод!

Ота Гиёсиддин қалбида аянч,  
Она азобидан шафқатга тўлди.  
Аёли бошига тўкай дейди ганж,  
Борлиқ неъматлари Онага бўлди!

Гўдакни эркалаб, силаб-сийпалаб,  
Оққа йўргаклади оқсоч кампиршо,  
Чоли ҳам алқади суфлаб, пўпалаб,  
Бахт тилаб Эгамга қилди илтижо.

Эрталаб суюнчи йиғди момолар,  
Болалар кўрмана келтирди шодон.  
Шу кун аҳли иршод, аҳли донолар,  
“Абжад” ҳисобини битдилар равон.

Аҳли нужум<sup>1</sup> эса кўкка термилиб,  
Ҳодисот фолини оча бошлади.  
Ёвузлик комига солинди кулф,  
Ҳар дилдан Азозил қоча бошлади.

Улуғлар жамланди айёми чошгоҳ,  
Шайх калимаси: Исми – Алишер!  
Фотиҳа нидосин шу зум баногоҳ,  
Эшитди мавжудот, коинот ва ер!

Бешикка беланди бек боласи деб,  
Қуръонни кўйдилар болиш остига.  
Бешикаст пишисин зуваласи деб,  
Дўлона тақдирлар кейин устига.

---

<sup>1</sup> Аҳли нужум – мунажжимлар.

Абулқосим Анвор, Ҳофиз Шерозий,  
Шайх Саъдий девони тоқчада турар.  
Гулбегим ўқийдилар, жўшар дил сози,  
Гўдагин эмизиб бир хаёл сурар:

“Ё Оллоҳ, қўллағил, Алишербегим –  
“Бўстон”, “Гулистон”<sup>1</sup>ни айласа сайр...  
Қулоғи остида мен шуни дегум:  
Зўр шоир бўлғонинг кўрсайди дайр...”

Гулбегим оҳиста алла бошлади,  
Ярим тун қўйнида овози майин.  
Бешиқни тебратиб кўзин ёшлади,  
Ҳазин сас кучайди дам ўтган сайин:

– Алла болам, алла, аллаё алла,  
Кўк тўла Зухролар ширин уйқуда.  
Менинг кўзларимда уйқу йўқ жилла,  
Тўлин ой жилваси ўйнайди сувда.

Алла болам, алла, аллаё алла,  
Самода тўшалди сомон йўл изи.  
Ҳадемай тўрғайлар айтар ашула,  
Унга жўр бўладир Чўлпон юлдузи.

Алла болам, алла, аллаё алла,  
Яна отанг кетди узоқ сафарга.  
Алишер ўғлимни деди авайла,  
Шохрух подишоҳим етсин зафарга.

Алла болам, алла, аллаё алла,  
Эрталаб келадур Ҳусайн мирзо.  
Темурийзодалар гуллаган палла:  
Гул янглиғ бир бола, қадди хўп зебо!

---

<sup>1</sup> Шайх Саъдий асарлари.

Алишер ухлади, тинч, сокин оқшом,  
Исирик тутатди Гулбегим бир оз.  
Атторни ўкиди секин, бекалом,  
Тонгдан хабар берди шу пайтда хўроз.

### Ўйин

“Боғи зоғон” майдони,  
Болаларинг ўйини.  
Ўйин – болалар жони,  
Шўхлик, завқ-шавқ қуюни.

Биров ўйнайди “ёнғоқ”,  
Биров отади “сопқон”.  
“Дафта” отилди узок,  
Отувчига кирди жон.

“Бскинмачоқ”. Болалар  
Бир-бирин тополмайди.  
Кўзларда шўх жолалар,  
Кулганлар чополмайди.

Қизиди “Кулоқ чўзма”,  
“Ҳаккалама” тугади.  
“Эшак минди”ни бузма,  
Ким белини букади?

Келди Ҳусайн шошқин –  
Белига камар боғлаб.  
Феъли жуда ҳам тошқин  
Сўзлайди доғлаб-доғлаб.

“Қани келинг, қиличбоз,  
Ким мағлубдир, ким ғолиб?  
Борми биздай чавандоз,  
Қолманг яна уёлиб?”

“Ёғоч от”ин қамчилаб,  
Айланади майдонни.  
Юзидан тер томчилаб,  
Бостирди “тўполон”ни.

Алишер хаёл суриб,  
Мажнунтолга маҳлиё.  
Шохдаги қушни кўриб,  
Боқади киё-киё.

Хусайн деди неча:  
– Алишер, нечун хаёл?  
Сизга нима бир қушча,  
Бошин эгган мажнунтол?

Онангизнинг сўзи ҳақ:  
Ўйчан бўлиб қолдингиз.  
Падарингиз ҳам илҳақ,  
Бошка йўлни солдингиз.

Келинг, ўйнанг, оғайни,  
Сизда қандай ташвиш бор?  
Қўйинг ўша тоғойни,  
Шеър айтиши мажнунвор!

– Тоғойимга сўз айтманг,  
У асил шоир одам.  
Сизки ўйиндан қайтманг, –  
Деди Алишер шу дам.

Болалар таркалишди,  
Хусайннинг кайфи чоғ.  
Алишер куйиб-пишди,  
Кўнглин ёритмас чирок.

## Ўй

Эрта тонгдан карнай-сурнай роса чалинди,  
Алишербек отасига қувнаб ялинди:

– Жон дадажон, бизга улоқ қилиб берингиз,  
Хусайн ила от чопадир Алишерингиз.

Кейин Ҳирот ёнбошида бошланди улоқ...  
Ер титрайди, қийқирикқа тўлади қулоқ.

Ботир йигит Гўрўғлидек шери замони  
От сакратиб гумбурлатар арзу самони!

Бунда барча жасурлиги Алпомиш қавм,  
Енгаман дер, агар келса ҳар қандай ёвим!

Соҳибкирон Амир Темур гўё тирилди,  
Майдон узра байроғини баландга илди.

“Араби” от гижинглайди, “Қорабайир” шай,  
“Қоратўриқ” кишнаб турар учиб кетгудай.

“Ёвмут” тулпор депсинади сувлукни чайнаб,  
“Барбари” ҳам ҳеч тек турмас шиддати қайнаб.

Бир мўйсафид Хусайнга тутди “Саман”ни,  
Алишерга бир оқ отни – зарҳал юганни.

Кимдир келиб Хусайнни қушдек қўндирди,  
Алишернинг бошин силаб отга миндирди.

Шоҳруҳ Мирзо ҳар ғолибга улашар соврин,  
Ғолиб эса боса олмас нафасин, ҳоврин.

Ҳазрати шоҳ бугун эди улуғ тўйбоши,  
Ғиёсиддин тортган бу ош, эл-улус оши.

Алишернинг тўй базми бу, Ҳирот байрами,  
Бунда эди яқин-йироқ, мамлакат жами!

Хусайннинг бузруквори – Хирот ҳокими –  
Ғиёсиддин Мансур бунда, борки то кими.

Барчасига тухфа берур айлаб эҳтиром,  
Қуёш ботиб, аста-секин чўкар эди шом.

Кўк юзини қоплаганда саноксиз юлдуз,  
Тўйхонада базм кизиб, қувонарди кўз.

Машшоқлар ҳам келган эди яқин-йироқдан,  
Хожа Юсуф чалар эди “Чўли ирок”дан.

Машҳур ҳофиз, хонандалар ўлтирар катор,  
Қўлларида ғижжак ҳам уд, танбур ва дутор.

Бошларидан нур сочарди юзлаб машъала,  
Ёрқин эди бу тўйхона гўё нур қалъа.

Ёғду ичиб гуллар, боғлар ранг талашарди,  
Ғижбанг бўлиб чилдирмада оханг пишарди.

То тонггача тўй қизиди, шодликлар тошиб,  
Кун ҳам чикди гулдастасин бағрига босиб.

### Тоға ва жиян

– Алишер, қайдасан,

Югур, кела қол.

Шоир тоғанг, тоғанг,

Кел, қўлини ол, –

Дедию Гулбегим

Инисин кифтидан

Олиб кўришди.

Кобулий<sup>1</sup> хушчакчак,

Шод эди, бир-бирин

---

<sup>1</sup> Шоир Мир Саид Кобулий - Гулбегимнинг иниси, Алишернинг тоғаси.

Ҳолин сўрашди.  
Алишер талпинди  
Очиб кучоғин,  
Мир Саид ўпарди,  
Соғинибди чин.  
– Тоғойи, шеър айтинг,  
Келур эшитгум.  
Эсимда саклаймен,  
Ёдда пишитгум.  
– Тасанно, жияним,  
Алишербегим.  
Агар шеър сўрасанг,  
Ҳар куни келгум.  
Мана, хотирга ол,  
Юрагингга сол:

*“Риндему ошиқему жаҳон сўзу жома чок,  
Бо давлати гами шу зи фикри жаҳон чи бок?”<sup>1</sup>*

Алишер ўйланди,  
Тиниб қолди у:  
– Тоғойи, ким айтқон?  
Хўпам гўзал шеър!  
Туркий маъноси зўр!  
– Қосим Анвор битқон,  
Ҳар сўзида ақл,  
Ҳар сатрида кўр.  
– Менга келтирингиз  
Устоз китобин.  
– Албатга, жияним,  
Ҳадя қилгум мен,  
Азиз бошингизга  
Шеърнинг офтобин!  
– Ҳазор қуллук, сизга,  
Яшанг, тоғойи!

---

<sup>1</sup> Мазмуни: Риндлармиз, ошиқлармиз, жаҳонни куйдирувчи ва ёқавай-ронлармиз.



Сўзланг-чи, Лутфий ким,  
Аттор-чи, Саъдий?  
Ҳофиз Шерозий ким?  
– Жияним, Жомий бор,  
Кўп дониш шоир,  
У кўкда қуёшдир,  
Лутфийдир оёи.  
Аттор – кўнгил мулки,  
Шайх Саъдий – эзгулик.  
Ҳофиз-чи, мангулик!  
Сиз ҳали улғайиб,  
Роса ўқийсиз,  
Рухга мадад олиб,  
Шеърлар тўқийсиз.  
Ҳали сиз боласиз,  
Интилиб, тўлиб,  
Шеър билан етилиб,  
Оламни оласиз!  
– Яна шеър айтингиз,  
Жоним тоғойи.  
– Бу сўз Лутфийники:

*“Ўқи бу Лутфий мунглуқ ниёзномасини,  
Савобу, олқишу юз минг дуо керак бўлса”.*

– Тоғойи, сўраймен  
Буёк Оллоҳдан  
Насиб этсин дебон  
Ул устод дуоси!  
Кобулий жиянин  
Оғушга олди,  
Пешонасин силаб  
Хаёлга толди.

## Мақтаб

### I

Устод синай дея сўради дилхуш:

– Алишер, алиф де, бу биринчи ҳарф.  
– Алиф, Аллоҳ сўзин биринчи товуш –  
Биринчи белгиси, биринчи зарб!

– Яша, баракалло, кимдир муаллим?  
– Тоғойим пандига қулок осганмен.  
– Қуръон қондаси муқаддас таълим?  
– “Қуръон”ни кўксимга ўпиб, босганмен.

– Мақсадинг нимадир, ким бўлмоқ сенинг?  
– Шеър айтмоқ истаймен, устоди азим!  
– Бугун сенга тушди назарим менинг.  
Алишер эгилиб айлади таъзим.

Устод сукут қилди, жим қолди анча,  
Бошида қўзғолди ўйлар тўфони:  
Тетик, зийрак бола бўлурми шунча,  
Тақдир хатида бор ижод туғени!

– Алишер, оламда шоирлар бисёр,  
Кимларни билурсен, айтгандир тоғанг?  
– Менинг илк билғоним ҳазрати Анвор,  
Унииг деғонлари мазмундор оҳанг.

– Хуросон мулкида донишманд Жомий,  
Мавлоно Лутфий ҳам назм аро машхур.  
Ҳофиз ғазалларин нафис каломи  
Ўзига тортади кўнглимни ҳур-хур.

Ҳали, сен Алишер, сабоғингни ол,  
Билимлар тоғига қилурсан сайр.  
Зехнингга мушкулот бўлиб қолсин лол,  
Сенга аён бўлғай “Мантиқ ут-тайр”.

## II

Кун ўтди, ой ўтди, фасллар ўтди,  
Алишер илқида достони Аттор.  
Унинг отасига устод кўп айтди:  
– Болангиз феълида бир не устувор.

Бу, шайх Атторнинг ишқи эҳтимол,  
Пинҳона ўқирмиш, ёдлармиш доим.  
Майли ўзгачарок, тонмасин завол?  
Шиддати бўшашмиш, бўлмиш мулойим?

Дарслик китобин ҳам ўқиса зора,  
“Арабиёт”, “Ҳадис”ни, “Илми нужум”ни.  
“Жуғрофия” очур фикрин якбора,  
“Ҳандаса” ўргатур ҳисоб, тузумни.

Кичкина Баҳодир анча оғринди,  
Домулло гапидан тушди ғулғула:  
– Алишер сўнгги пайт жуда озғинди,  
Нахот, нохуш бўлса суйган ўғил-а?..

Деди-ю ўрнидан кўзгалди чапдаст,  
Ҳар хил ўй, хаёллар банд этди уни.  
Уйга етиб борди ошикиб бир тарз,  
Гулбегимга айтди гапни шу куни:

– Онаси, Алишер дил уммонида,  
Пайдо бўлгон эмиш руҳий зилзила.  
Ҳамиша турғайсен унинг ёнида,  
Унга шафоатни Худодан тила.

Гулбегим тилланиб йиғлади юм-юм:  
– Яратган Эгамдан сўраймен мадад!  
– Онаси, – деди эр, хўрсиниб бир зум:  
– Оллоҳ каромати чексиз, беадад!

## Ҳижрат

Яна Ҳирот аланга ичра,  
Уч-тўрт тараф ўт билан ўйнар.  
Лек амирлар ғаразга учраб –  
Мағлуб йиғлаб, ғолиблар қувнар.

Яна талаш, яна хиёнат,  
Шаҳидлар кўп, қонлар кусадур.  
Бунда турмуш бўлди омонат,  
Улус доди кўкни тўсадир.

Ғиёсиддин деди бир окшом:  
– Биз кетамиз, Гулим, санамим.  
Тинчлик кетди, йўқолди ором,  
Оёқ ости тўла душманам.

Ироқ сари карвон шайланди,  
Чексиз чўллар, саҳролар ўтди.  
Гўё осмон, замин айланди,  
Йўловчилар мадори кетди.

Қадам етди чошгоҳ шаҳри Тафт,  
Отлар чарчоқ, одамлар чарчоқ.  
Ҳордиқ олур мудраб қолган саф,  
Лек, болалар ўйнар вақти чоқ.

Алишернинг диққатин тортди,  
Хонақоҳда ўлтирган дарвеш.  
Чолнинг унга ҳаваси ортди,  
Соқолини тараркан реш-реш.

Салом берди Алишер майин,  
Икки кўлин кўйиб кўксига.  
Билай дея боланинг раъйин,  
Кўз ташлади ичу ташига:

– Бўтам, кимсан, қаердан келдинг?  
– Хў, Ҳиротдан. Ироққа томон.  
– Келар, борар жойингни билдинг?  
– Бобо, Ҳирот жудаям ёмон...

– Нечун, бўтам, боиси нима?  
– Уруш, талош, қирғин, қон тўкиш.  
– Қарши экан кимлара кима?  
– Мен билмадим, шундай қаро иш...

– Отанг кимдир, не билан машғул?  
– Фиёсиддин дерлар – Баҳодир.  
– Эшитганмен, сен унга ўғил!  
Ҳа, бўлурсен ҳар ишга қодир!

Ўқирмисан мактабга бориб?  
– Сабоғим бор, ўкурмен, бобо.  
– Ёдладингму Қуръони шариф?  
– Сураларин билурмен аъло.

– Қани, айт-чи, шеър ҳам биларсан?  
– Устод Жомий ёзмишкан шундок:  
“Сен дунёга осон келарсан,  
Одам бўлмоқ мушкул, хатарнок”.

– Қўлингни оч, килай бир дуо:  
Сенга бўлсин бу замин, само.  
Мудом Оллоҳ назарида бўл,  
Абадийлик – сен танлаган йўл!

– Бобо, кимсиз, айтингиз хушҳол,  
Билмоқ менга жуда фарз дейман.  
– Қариб қолғон бир бечора чол –  
Шарафиддин Али Яздийман...

## Қайтиш

Тилсиз сахро,  
Чўл-биёбон.  
Қумлок, тошлок  
Ҳар тўрт томон.  
Сира йўл йўқ;  
Ўнқир-чўнқир,  
Баланд-пастлик.  
Тўрғай шўх-шўх  
Қўяр сайраб...  
Аҳён-аҳён  
Чопиб ўтар  
Тулки яйраб.  
Қалтаксак,  
Юмроқкозиқ,  
Қаламуш кўп,  
Қўлвор илон,  
Чаён ҳам бор.  
Юлғун, оқвош,  
Ачитқи ўт,  
Янтоқ, чанғал...  
Йўқдир поён...  
Уфқ қайда,  
Фақат осмон,  
Ва фақат ер...  
Кўзин очди  
Ёш Алишер.  
Қарвон қани?  
Ота қани?  
Она қани?  
Ҳеч кимса йўқ...  
Саман йўрға  
Шундоқ ёнда  
Юрар ўтлаб.

Сал нарига  
Кетолмабди  
Алишердан  
Сира четлаб.  
“Во, ажабо,  
Қани карвон,  
Нахот кетган  
Мени ташлаб?”  
Отдан тушиб,  
Ё йиқилиб,  
Ухлаб қолмиш  
Ёлғиз ўзи.  
Чарчаб, толиб  
Не киларин  
Билмай турар,  
Карвонидан  
Ажраб қолиб.  
Ёш Алишер  
Отни ушлаб,  
Тушда сскин  
Пастқам жойга.  
Сўнг дўнгликдан  
Сакраб минди,  
Осилгандай  
Тўлин ойга –  
Отға дадил,  
От бошлади  
Тўғри йўлга!  
Чопар, гоҳо  
Йўрғалайди  
Меҳрибон от,  
Яхши йўлдош,  
Дўстга кўлдош.  
Учқур тулпор,  
Олқиш сенга

Минг бор, минг бор!  
Минг ташаккур,  
Алишерни  
Миндирган от!  
Ёлдор Саман,  
Илхом оти,  
Шеъриятнинг  
Сен қаноти!  
Етиб келди  
Ёш Алишер  
Карвон сари.  
Ота-она,  
Хеш-акрабо  
Югурдилар  
Унга пешвоз:  
– Жон болам-ей,  
Нечук ахвол?  
Ўлиб бўлдим,  
Қайдасан сен, –  
Дер Гулбегим.  
Гиёсиддин  
Ҳайрат билан,  
Шафқат билан,  
Алишерга  
Талпинади:  
– Ўғлим, бўтам,  
Қайда колдинг?  
Бизни кайғу,  
Ғамга солдинг.  
Алишер жим,  
Салмоқ ила  
Сўзлаб берди.  
Онажони  
Бошин силаб,  
Бўзлаб берди.  
Отаси дер:



– Ҳаёт шундоқ,  
Адашмоқ бор,  
Йўл топмоқ бор.  
Бир йиқилсанг,  
Бир турасан.  
Бир йиғласанг,  
Бир куласан.  
Яшайверсанг,  
Эҳ, биласан!  
Карвон яна  
Одимлади.  
Кўкда куёш  
Саратонни  
Хўп димлади.

### Най

Алишер мактабдан қайтаркан бир чоқ,  
“Мантиқ ут-тайр”дан ўйлари мудроқ.

Яна сархуш эди қушлар ҳолидан,  
Яна беҳуш эди қушлар фолидан.

Ҳудхуддан эмасди сира ҳам хафа,  
Руҳида бор эди буюк фалсафа.

Семурғ! Семурғ! – дерди, жонда хаяжон,  
Қандай пайдо бўлди Соҳибий шу он:

– Алишер, не учун майин хиргойи,  
Кўнглингиз тубинда нағма чиройи?

Ялт этиб Алишер боқди дўстига,  
– Аввал салом жойиз, унинг устига –

Неча кун кўрмадим кадрдон ўртоқ,  
Бормисен, кайлардан сўраймиз шу чоқ?

– Астробод боргандик бузруквор ила,  
Бугун қайтдик қавмлар аҳволин била.

Бемормиш подишоҳ Шохруҳ Мирзо ҳа,  
Анча оғир эмуш, ҳамма табиб жам!

– Тоғойим айтадур, сўзлайдир отам,  
Худо ярлақасин, бўлмасин мотам.

Ҳазрат Шохруҳ Мирзо касалманд дея,  
Аҳли касофати қурмасин уя...

– Катта сўзни айтманг, ҳали боламиз,  
Биз даврон ишида гўрмиз, чаламиз.

– Соҳибий, битта гап, кўнгилда туйғу,  
Чолғу чалмоқликни қиламен орзу.

– Алишер, юрингиз, бор битта уста,  
Унга борадурмиз йўл юриб аста.

Икки дўст одимлаб кетди илгари,  
Билагон устознинг кулбаси сари.

Маҳалла, гузарлар қолди орқада,  
Дехқонлар ишлайдур ер – томорқада.

Боғларда боғбонлар эғнида яктак,  
Бошларда кирчимол чорсу чамбарак.

Ўтлоқда қўй, эчки, сигир ва бузоқ,  
Егани ажирик, печак, отқулоқ.

Бедазор четида қари бир байтал,  
Кечаси туғилган тойчоғин ҳар гал,

Эркалаб, ўйнайди, суйиб ялайди,  
Суюмлик бўлмаган қайси болайди?!

Ана олддан чиқди имиллаган сой,  
Ялғизни ялаган лимиллаган сой.

Якка хода экан сойнинг кўприги,  
Болалар ўтолмас, юрак ҳаприги –

Сезилиб қоладур ҳар ёш вужудда,  
Соҳибий ўтмоқни айлади удда.

Алишер интилди “Ёлғизоёқ”қа,  
Кўрқув тарқаб кетди зумда қасққа?

Оёғи калтираб ўртада бир оз,  
Сувга карамасдан турарди дароз.

Соҳибий ундади: “Дадилроқ, тезроқ,  
Кўлни менга беринг, Алишер ўртоқ”.

Алишер қадамин босди кўз тиниб,  
Кирғоққа чиққанда кўйди хўрсиниб.

Соҳибий бошлади таниш ҳовлига,  
Шода-шода гуллар ўсиб, ғовлаган.

Унда баланд эмас узум сўкичак,  
Чилгиси қизарган бўлиб гулчечак.

Ҳовли ўртасида садақайрағоч,  
Қалин кўланкаси беш-олти кулоч.

Уйдан чикиб келди хушрўй мўйсафид,  
Эғнида елгагай ним зангори чит.

Соҳибий эмраниб бўлди пешқадам,  
Қалбида қувончи дарёдай зам-зам.

– Ассаломалайкум, бобо, келдик биз,  
Хайрият, шу ерда, уйда экансиз.

Алишер кўлини кўксига кўйиб,  
Чолга салом берди, дилда ҳис туйиб.

– Қани, болаларим, келинлар бундоқ,  
Суҳбат айламакка супа яхшироқ.

Болалар хоҳишин овлайин дея,  
Рухият рангларин товлайин дея,

Кўлига ушлади чол дуторини,  
Симобдай оқизди кўнгил зорини.

Сўнг деди: – Хуш кўрдик, кайдан бўлурсиз.  
– Эски шаҳарданмиз, бобо, иккимиз.

– Биламен, биламен, “Низомия” бор,  
Жуда зўр мадраса, кўркам, улуғвор.

– Сени-ку танидим, бу йигитча ким?  
– Бу, Алишер, дўстим, улуғ муаллим.

Кичкина Баҳодир деганнинг ўғли,  
Шеър ўкур, куй чалур, ўтиорак, чўғли.

– Отанг қалай, болам, тан-жони соғми,  
Доғули замона коридан доғми?

Анча йиллар ўтди, кўра олмадим,  
Ўзим ҳам Ҳиротда тура олмадим.

Темурийзодалар жанг қилмоқда, жанг...  
Жуда мушкул аҳвол, улус ҳоли танг.

Бош олиб кетамен, яна қайтамен,  
Дарду ҳасратимни найга айтамен.

– Бобожон, Алишер найга ишқибоз,  
Оҳанглар гадоси, чин оҳанггудоз<sup>1</sup>!

Сизнинг измингизга келди талниниб,  
Орзу тулпорига иккимиз миниб.

Най чалмоқ хунарин юқтиринг унга,  
Оламни най билан уқтиринг унга!

<sup>1</sup> Гудоз – эригувчи.

Алишер бериб дер қўлдаги найин:  
– Ўрганмок касдида келдик атайин!

– Алишер, ким эрур най ясаган кас?  
Кўп яхши устаси, анойи эмас.

Машқ қилғон бир куйни кўрсатиб чалинг,  
“Ғаров”<sup>1</sup>ни сайратинг гўё андалиб.

Сўнг “Исфаконий”<sup>2</sup>ни Алишер чалди,  
Чолнинг юрак чери бир дам тарқалди:

– Офарин, Алишер, офарин, болам,  
Шул эрур биргина менинг ҳаволам.

Завқингиз куш янглиғ айларкан нарвоз,  
Сизга ошно бўлсин бор хилма-хил соз.

– Ташаккур, бобожон, ҳар созга дўстман,  
Созимни ололмас қўлимдан душман.

Созларнинг тилини билсайдим яхши,  
Кўнглимга тушсайди нағмалар нақши.

Бобожон, най ахир бунча нолакор,  
Дутор фиғонида қандай сирлар бор?

Танбур дилкаш бўлса, чанг юрак эзар,  
Рубоб ёлборувчи, камон дил безар.

Ғижжак жон сўрайди, кўбиз<sup>3</sup> роҳатбахш,  
Доира – тантана, уд – девонаваш!

Қонун ва чағона кўтарар фарёд,  
Карнай руҳни айлар гафлатдаи озод!

---

<sup>1</sup> Ғаров – қамишнинг бир тури.

<sup>2</sup> “Исфаконий” – Навоий ижод қилган куйнинг номи.

<sup>3</sup> Кўбиз – мусиқа асбоби.

Ноғора садоси ҳамиша ғолиб,  
Узоқларга кетур хаёлни олиб.

Йиғлоқи рубобнинг сасидан хормен,  
Чолғучи ишига интиқмен, зормен.

– Алишер, англадим, кўп экан ният,  
Хожа Юсуф Бурхон олса масъулият –

Шогирд бўлмоқ даркор, у бастакор зот,  
Уни тан оладур Самарқанд, Ҳирот.

Икки дўст ийманиб сскин кўзғолди,  
Доно мўйсафиднинг дуосин олди.

Чол тилак айтганда икки ўртоққа,  
Кеч кириб, қуёш ҳам бош қўйди тоққа.

### Чекиниш

Бола экан Алишер,  
Ойга талпинди.  
Хаёллари сўнгги йўқ,  
Бургутга минди.  
Ойга деди: – Олтиним,  
Эй тўлин ойим,  
Кўнглимдаги ойдиним,  
Оқ нурга бойим!  
Ой жилмайди: – Болажон,  
Менда ҳам доғ бор...  
Бу оламда бенуксон –  
Бир Парвардигор.

Бола экан Алишер,  
Ўт бор танида.  
Тунда кезар юлдузлар  
Нур чаманида.  
Юлдузга дер: – Юлдузим,

Ён! Ён! Чарақла!  
Юлдуз айтар: – Болажон,  
Сен ҳам ярақла!  
Кучоғимга қўйгил бош,  
Ухла кўк аро.  
Бу дунёнинг ярми нур,  
Ярми қоп-қаро...

Бола экан Алишер,  
Дарёга айтди:  
– Сенда йўқми Атторнинг  
Бир-икки байти?  
Дарё бир ғўлдиради,  
Тўлғонди, тошди.  
Тошлари гулдиради,  
Тўлкин сир очди:  
– Шунинг учун, болажон,  
Уйғокман, уйғок...  
Мунча тилларинг бийрон,  
Кел, мени-да ёқ!

Бола экан Алишер,  
Тонгга деди у:  
– Қуёшингни кифтимда  
Кўтарволиб даст,  
Айлар эдим ҳар дилни,  
Иситмоққа қасд!  
Лола бўлди кўк юзи,  
Уфқ қизарди.  
Тилла сочиб нур қизи  
Ерни безарди...  
Тилга келди оппоқ тонг:  
– Шоир, болажон,  
Сенга бўлсин соф ҳаво,  
Илҳом ва туғён!

Бола экан Алишер,  
Яйраб ўшал кун,  
Ойдан малоҳат олди,  
Юлдуздан хусн.  
Теранликни денгиздан,  
Куйни дарёдан,  
Ўйни кенгликдан,  
Сўзни зиёдан!  
Шундай килиб у  
Ўзликни яратди,  
Юрагини булбул килиб  
Кейин сайратди!

### Учрашув

Қадим Ҳирот.  
Жахон ичра картайган шаҳар,  
Ер юзинда ўксик бир макон,  
Алишерга сайргоҳ, сайр...  
Шеърятни туккан онажон!

Қадим Ҳирот.  
Искандардан қолган хароба.  
Эй, мозийга остона эшик...  
Се илҳомий тубсиз сардоба,  
Алишерни ўстирган бешик!

Қадим Ҳирот.  
Аждодларнинг олис фарёди.  
Авлодларга ҳасрат ва алам,  
Алишернинг ҳайкирган доди,  
Алишерга тутказган қалам!

Қадим Ҳирот.  
Соҳибқирон эъзозлаган мулк,  
Шоҳруҳ севиб боғ қилган диёр,



Ҳам Бойқаро пардозлаган мулк,  
Алишерни йиғлаган зор-зор...

Қадим Ҳирот.  
Сен Лутфийсан, шаҳри шуаро,  
Хирка кийган буюк донишманд.  
Ўзи бўлиб манглайи қаро,  
Алишерни этган сарбаланд!

Қадим Ҳирот.  
Яралгандан инграган кишвар,  
Афғон чекур пешонаси шўр,  
Алишердай жафокаш шаҳар,  
Алишербек ҳолатини кўр.

Мактабидан маъюс қайтиб у,  
Юрди улуғ қабристон сари.  
Юрагида тошиқиб ғулу,  
Қадамлари элтар илгари.

Мозор чети гувала айвон,  
Сокин кулба, жим-жит бир ҳаёт.  
Мангуликда бунда ҳар инсон,  
Ҳар бир майса ўқийди оят.

– Ассалому алайкум, пирим, –  
Деб Алишер қилганда садо,  
Жомий деди: – Ваалайкум, шерим,  
Хуш келибсиз, айни муддао!

Ташриф учун гуллар пояндоз.  
Жуда яхши, босилган қадам!  
Қандай келиб қолдинг-а, шоввоз,  
Кутар эдим интиқ жудаям.

Ижозат-ла Алишер равон –  
Зўр тиловат қилди мозорга.  
Устод деди: – Забонинг бийрон,  
Шукронамиз ул Биру Борга.

– Яхши ашъор эрур кўнгил юпанчи,  
Билганингдан бир айт-чи ёддан?  
– Маъзур тутинг, устод, сўз уйин ганчи  
Бир шеърингиз чикмас ҳеч хотиротдан:

*“Дидаме дидори он дилдори раъно, кошки,  
Дида равшан кардаме аз хоки он по, кошки”<sup>1</sup>.*

Кечирим сўраймен, сиздан ўтиниб,  
Сиз айтқон ғазалга килдим ўхшатма.  
Алишер юз терин артди ютиниб,  
Ва секин ўкиди ажойиб матла:

*– Очмагай эрди жамоли оламаро, кошки,  
Солмай эрдинг бори, оламга завго, кошки!*

Устоз Жомий шунда севинди чиндан:

– Бале, ўғлон, бале, асил шери зот,  
Қилич чиққан янглиғ олтинраиғ қиндан –  
Зўр шоир бир матла шърин айтди шод:

*“Эй бо лаби ту тўтийи ширии забон забун,  
Карди инон панжаи сийминбарон бирун”<sup>2</sup>.*

Алкисса Алишер деди устозга:

– Мархум бола ҳақда битдим марсия  
(Секин кўзин ташлаб қўйди қоғозга)  
Ва лекин, узрим бор, ғазал форсийда.

*“Гар шаъм мурд, меҳри фалакро мадор бод,  
Гар қатра рехт, оби бақоро қарор бод”<sup>3</sup>*

Жомий сукут сақлаб қолди бир муддат,  
Кейин Алишерга тикилди майин:

---

<sup>1</sup> Кошки, у раъно дилдорнинг дийдорини кўра олсам эди, кошки, унинг оёғи остидаги тупроқни сурма қилиб, кўзимни равшанлаштира олсам эди.

<sup>2</sup> Эй, сен – лабинг ширии сўзловчи тўтиларни енгган, кумуш ташилар кўлларида иштиёр жиювини чиқариб юбординг.

<sup>3</sup> Агар шаъм ўчган бўлса, осмон кўёши айланмишда давом этсин, агар томчи тўкилган бўлса, боқийлик суви (денгизи) барқарор бўлсин.

– Сенда пайдо бўлган булокда шиддат,  
Бир кун азим дарё бўлмоғи тайин.

Марсия – ғам юки, тоғлар каби зил,  
Уни битмоқ учун лозим тош қотмоқ.  
Ва лекин мақсудни матонат деб бил,  
Шеърингга татаббу айтилуру мундоқ:

*“Фарзанд меваест зи шохи дарахти умр,  
Ғар з-он, ки мева рехт, шакар пойдор бод”<sup>1</sup>*

Устод сўнг шогирдин босди бағрига,  
Шоирлик битилган манглайн ўпди.  
Алишер сазовор Жомий меҳрига,  
Дунёда энг ғамхўр одамни топди.

### Ҳусайн Мирзо

Ҳусайн Мирзо келди пешин чоғ,  
Эрка, ёвқур бола, дуркун, озода:  
– Алишер, сиз, нени ўйлайсиз узоқ,  
Мақтабда эмассиз дарсга зиёда?

Ул куни устод ҳам килди истехзо,  
Қайси бир китобни ёдлайсиз пинҳон.  
Сизни англамаймен, билмаймен асло,  
Келинг, айтиб беринг, не ҳол, жўражон.

– Ростин сўзлаб берсам, сизга, биродар,  
Ақлим ўғирламиш Аттор китоби.  
Хаёлим оладур, элтиб, саросар,  
Тунлардан узундир орзу таноби.

– Қай китоб дедингиз, эсдан чиқди, аҳ,  
Ким битмиш экандур мўъжиза сўзни?

---

<sup>1</sup> Фарзанд умр дарахти шохининг мевасидир, агар ундан мева тўкилган бўлса, дарахт пойдор (илдизи мустаҳкам) бўлсин.

– Фаридиддин Аттор – энг мухтарам шайх,  
Ўқингиз, унутиб қўясиз ўзни...

– Бале, Алишербек, сиз ўзингиз, ҳа,  
Мен эса бошкани, мақсудим ўзга.  
Хусайн эркалаб, отди қаҳқаҳа,  
Шамшири, тулпори кўринди кўзга.

– Алишер, юрингиз, айланурмиз боғ,  
Кўчалар кезурмиз ҳар ён томоша.  
Қани, бўла қолинг, эй дониш ўртоқ,  
Дарё қирғоғида ўзгача нашъа.

Хусайн бошлади абжир, хушбичим,  
Ортидан борадур ўйчан Алишер.

– Мирзодам, хислардан куядур ичим,  
Тилимга келадур алангали шеър:

*“Ёриш дафн этти ишқ айвонида,  
Дину имон аҳли гўристонида”.*

– Алишер, қайтаринг, хўп ажиб маъно,  
Жонимга куюлди бир ёғду янглиғ.

– Дўстгинам, ҳар шеърки, сохиби доно,  
Мазмуни оташин, қилич каби тиг.

– Офарин, дўстгинам, тилингиз шакар,  
Сизда пайдо бўлмиш ашъори ногоҳ.

Мен бу кун белимга боғладим камар,  
Манглайга ёзғандур шоҳликни Оллоҳ.

Менга ҳам ёкадур сеҳрли ғазал,  
Сўлим байтларни билурман анча.

Темурий бўлганим тақдири азал,  
Шиддатим юксалса Соҳибкиронча?

Шул замон гала куш потирлаб учди,  
Майдабарг сададан чексиз фалакка.

Чуғур-чуғурлари осмонни кучди,  
Қувиб борар эди бир кийғир якка.

– Оғайни, кушларни ёқтирасизму?  
Уларнинг сасига солурсиз кулоқ?  
Бургут палапонин боқтирасизму?  
Уларда мужассам катта бир сабоқ.

– Жуда хуш кўрамен кўкда бургутни,  
Шижоат, жасорат, ботир – довлигин.  
Ўзлиги билдирур жасур йигитни,  
Дўстга дўстликнию, ёвга ёвлигин.

– Сиз ҳакни деюрсиз, Хусайн Мирзо,  
Бургутга бегона кўркув ва гафлат.  
Сизни мен унга-да ўхшатгум танҳо,  
Доимо сўзлайсиз мардликдан фақат!

– Эй, яшанг, Алишер, қўлингиз тутинг.  
Миқти панжаларга панжасин урди.  
Ва деди: – Беҳуда ўйни унутинг!  
Хусайн бурилиб уйиға юрди.

Алишер жим қолди катта боғ ичра,  
Гулзорга термилди ўйчан, паришон.  
Гунчани оҳиста ушларкан пичраб,  
Рухида яралур илк шеърий нишон:

*“Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,  
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм”.*

Нафармон гулларга чўкди назари,  
Ранглар тўлкинида қолди дийдаси.  
Тилининг учида кичик гавҳари,  
Ёмғирдай тўкилди кўнгил далдаси:

*Яхши сўзга ким масту беҳуш бўлса,  
“Шарбат ичида заҳарни тотли қилади”.*

Ўзига келтирди кушлар қий-чуви,  
Булбул нағмасидан кўз тўлди ёшга.  
Тарновча ичидан сувнинг шов-шуви,  
Урилиб турарди бир харсанг тошга.

– Алишер, не қилиб юрибсан бунда? –  
Онаси Гулбегим шул замон пайдо  
– Атторни ўқиймиз яна биз тунда,  
Китобдан фойда-да, китобдан фойда!

Шом тушди, самода юлдузлар бодрок,  
Чимматин юзига тортди қаро тун.  
Ҳамма ором олур, ҳамма жон ухлоқ,  
Фақат ёш Алишер ухламас нечун?

### Атторни ўқиб...

– Алишер фикрини бутунлай олди,  
Қалбини эритди Аттор китоби.  
Боланинг шу кўйга, шу ҳолга солди,  
“Мантик ут-тайр”дан кўзин селоби.

Гулбегим эрига шундай қилди арз,  
Кўзидан куйилиб шафкат хуноби.  
Соғайса берай деб атаб кўйди нарз,  
Ишқилиб қочмасин ўғлининг тоби.

– Ҳақ гапни айтурсиз, отаси, ахир,  
Кобулий, Ғарибий<sup>1</sup> эмас бегона.  
Билим – кимё эрур, эмасдир захр, –  
Дебон йиғи бошлар она – парвона.

Ота ҳайрон бўлур билмас чорасин,  
Оллоҳга илтижо қилади фақат.

<sup>1</sup> *Шоир Кобулий, Ғарибий* – Алишернинг тоғалари.

Бормикан, не экан, бунинг дориси,  
Икки тоғасида – қолмади тоқат!

Яшириб қўйдилар неча-неча бор,  
“Мантик ут-тайр”ни топилмас жойга.  
Алишер ёд олмиш, киладур такрор,  
Асло қулоқ солмас гапга, оҳ-войга.

Ўғит-насихатлар ҳеч қилмайди кор,  
Тобора ортади қалбида туғён.  
Овқат едирмакка волидаси зор,  
“Боламга не бўлди, қайдин бу зиён?”

Гулбегим бошлайдур боғлардан бокқа,  
Гулзорлар ёнида ўлтирарлар жим.  
Қушлар учиб-қўниб новда, бутокка,  
Сайрашар, ё қўшиқ куйлашар сим-сим.

Қай кун Ғиёсиддин борди етаклаб,  
Дарёи тўполон Инжил бўйига.  
Жаннат ариғига теккиздилар лаб,  
Сесканиш тексин деб бола ўйига.

Эрталаб ҳовлида ўйлари тўзиб,  
Алишер супада ўлтирар сокин.  
Ҳовузнинг ичида ғоз, ўрдак сузиб  
Маҳорат намоиш этарлар секин.

Гулбегим беозор айлар томоша,  
Ўғлин аҳволига бўлиб маҳлиё.  
Меҳрибон отасин шафқати тоша,  
Назар ташлар экан, дейди э, Худо?

Алишер гоҳ кулар, гоҳ жиддий тусда,  
Нимадир айтадур, ўкур бекитоб.  
Ўзин унутарди ё йўқми хушда?  
Бошида ўйлари, дарёи гирдоб.

Ана учиб келди кушлар хилма-хил,  
Дарахтлар, гулларга қўндилар аста.  
Алишер англарму улар билган тил,  
Гўёки бошланди гурунг бир пастда.

Ҳар бир куш гул янглиғ ранго-ранг тусда,  
Алишер уларга сўзлайди майин.  
Нигоҳи тўхтайди ҳар учар қушда,  
Ҳар қушда бошқача, ўзгача ўйни.

Шу зайл гулбегим ичкари кирди,  
Ғиёсиддин кетди англаб бир инъом.  
Бунда ҳар қуш доно, донишманд эрди,  
Ва кейин мажлисни қилдилар давом!

Анжуман эгаси, етакчи Худхуд –  
Барчадан сўзамол бурро тил воиз<sup>1</sup>.  
Унда идрок буюк, бор экан субут,  
Эшитмоқ керакдур, тингламоқ жоиз.

### Худхуд:

– Ёруғ бу оламнинг туткичи – ният,  
Олий эзуликни билмак масъулият.

Ғафлатни итқитмоқ бедорлик демак,  
Семург висолига етишмоқ керак.

Аммо йўли йирок, чексиз мушкулот,  
Сафар қийноқлари ҳаёт ва мамот.

Ҳа, унинг қудрати, каромати бир,  
Унга аён эрур мавҳумот ва сир.

Шафқат, ҳиммат унда, иши – асрамоқ,  
Борликни бор қилмоқ, қайта ясамоқ!

---

<sup>1</sup> Воиз – нотик.



Агар, насиб этса, унинг жамоли,  
Раҳму муруввати, ойдин висоли.

Шу эрур мангулик ҳам абадият  
Унда қарор топура бизнинг жамият.

Унда тўкнаш келур ёлғон, рост дунё,  
Унда ажрим бўлур ҳақ билан риё!

Вафо билан жафо, яхшию ёмон,  
Икки тараф қолур дон билан сомон.

Борини бор билгай тошу тарозу,  
Йўғини йўқ қилгай тошу тарозу.

#### Т о в у с:

– Мен бораман рости, сафарга шайман,  
Бошимда тожим бор, шоҳга ўхшайман.

#### Т ў т и:

– Мен тайёр турибман, биламан кўп гап,  
Қайда тарафдорман, қачон бетараф.

#### К а к л и к:

– Тошларга оғзимни уриб йиғлайман,  
Юксак-юксакларда юриб йиғлайман.

#### Б е д а н а:

– Менга кенглик керак, дала ва кўноқ,  
Лекин ҳар изимда кўйилган тузоқ.

#### Қ у м р и:

– Ёлғизлик ёмондир, жуфт яшар қумри,  
Ёри билан кечса ҳар кимнинг умри.

М у с и ч а:

– Қайдадир ризку рўз, қайдадир дон-дун,  
Билмадим, билмадим, ўтаверар кун.

К а б у т а р:

– Хунарим самода, кўкда чарх урмоқ,  
Манглайда бормикан яна барқ урмоқ?

Қ а қ н у с:

– Олам нағмасоздир, олам нағмасоз,  
Ҳеч кимга маълуммас кўнглимдаги роз.

Ш у н к о р:

– Ҳориш не, нолиш не, бор қувват, кучим,  
Ғолибман, мағрурман, бу менинг бурчим.

Б у р г у т:

– Шиддат, матонатни бермиш табиат,  
Қонимда борму эҳ, меҳру ҳамият?

Ҳ у д х у д:

– Қани, йўлга чиқдик, йўлга отландик,  
Олиسدан олисга биз қанотландик.

Бирдан ховуз узра қанот қокди ғоз,  
Жами қушлар учди, бошланди парвоз.

Ҳавода кўринди қушлар бссаноқ,  
Улар солган эди узун арғимчок.

\* \* \*

Алишер ўзига келди шу зайл,  
Ҳасли кўрсатди Атторга майл:

“Яратган Оллоҳнинг даргоҳи порлоқ,  
Унга ошиқарсен, кел, сўзимга боқ.

Етти водий мавжуд инсон умрида,  
Сен фараз қилиб кўр ақлинг нурида.

Талаб водийси бор: туғилмоқ, ўлмоқ,  
Қуп-курук бир гавда, бир вужуд бўлмоқ.

Ишқ водийси эса: умид ва орзу,  
Интиломқ, интиломқ, тарк этмоқ уйқу.

Маърифат водийси – илм ва ақл,  
Юракка жо қилмоқ юз миллион нақл.

Истиғно водийси – ўчмас муҳаббат,  
Буюк бир эҳтиёж, қайғудир фақат.

Ҳайрат водийсидир – мардона кураш,  
Ҳақни кўра билиш, ҳақиқат сўраш.

Тавҳид водийси-ку. Оллоҳни таниш,  
Бирлашиш, бирикиш, маънавий тиниш.

Сўнг фано водийси, якун, интиҳо,  
Келиб кетар они, висоли Худо!”

Аттор қафасидан учган бу қушлар,  
Арзу самоларни кучган бу қушлар,

Бола Алишерни олди парвозга,  
Қалбини илҳомга, кўлини созга!

Алқисса соғайди, кўркам ва ўктам,  
Чунон порлаб кетди ёруғ, муқаррам.

Чунон равшан тортди ақл чироғи.  
Илму урфон кўки, шеърият боғи!

## Яна ғавғо

Шоҳрух ўлди.  
Бошланди ғавғо.  
Бошланди жанг,  
Бсомон уруш.  
Ўч ҳамда кин,  
Талаш ва хуруж.  
Ё алҳазар,  
Ё тавба, тавба?  
Ахир, ҳали  
Кўмилмаган-ку  
Шоҳрух жасади...  
Набиралар  
Ўз бобосининг  
Тобутини  
Қондан ясади.  
Мунча ширин,  
Мунча доғули,  
Шоҳлик, амал,  
Мансаб, шуҳрат-шон?  
Ҳар кун Ҳирот  
Қон ичади, қон...  
Қон ичади  
Кекса Хуросон...  
Маҳмуд Султон,  
Аловуддавла,  
Абдуллатиф,  
Барча меросхўр  
Юртни бузиб,  
Кир режа тузиб,  
Салтанатга  
Келтириб ғорат,  
“Ковла-ковла”  
Чиқар авжига.  
Оёқ ости

Мачит, мадраса,  
Шовкин аро  
Улуғ мозорлар.  
Гар бўлмаса  
Элда муроса,  
Ҳар сония  
Турфа озорлар.  
Шаҳзодалар  
Оловга ўхшар,  
Бекзодалар  
Ҳам ёвга ўхшар.  
Халқ талонда,  
Солиқ ва  
Солиқ...  
Ким ҳокимдир,  
Оладир хирож.  
Олди-қочди,  
Ушла, ур-йикит.  
Улус сарсон,  
Меҳнат аҳли хор.  
Ханжар санчар,  
Қиличлар хунхор.  
Ҳар шаҳарда  
Юрт деганга дор.  
Қайда қолди  
Темур Ватани?  
Қайда қолди,  
Қайларда қолди?  
Оталарга болалари ёв.  
Қочган мағлуб,  
Қувганлар ғолиб!  
Ғиёсиддин  
Алишерга дер:  
– Аттанг, ўғлим,  
Замон ўзгарди.  
Ўтиб кетди

Улуғвор Темур –  
Ер юзини  
Титратган жасур.  
Доно раҳбар,  
Туркий эл марди.  
Мана, энди,  
Бирлашмоқ кайда,  
Бўлинганни  
Бўри ер, дерлар.  
Яна қайтиб  
Келармикан-а,  
Темур каби  
Мардона эрлар?  
Шу пайт Хусайн  
Бўлди-ю пайдо:  
“Алишербек,  
Қани кетдик биз,  
Чорсу томон  
Алғов-далғов,  
Яна тўполон –  
Унда хукмрон”.  
Иккала дўст,  
Икки қадрдон  
Юғурганча  
Чиқиб кетдилар,  
Чорсуга ҳам  
Бориб етдилар...  
Доду фарёд,  
Қий-чув, ҳайкирик.  
Кесилган бош,  
Қиймаланган тан,  
Қонга тўлиб  
Оқади ариқ.  
Синган қилич,  
Чавақланган от,  
Ёнаётган уй...

Шундок эди,  
Хунук манзара.  
Урушлардан  
Қалбида яра,  
Нолалардан  
Юраги зада,  
Она каби  
Чўкмишдир кушод,  
Кўксига қон  
Сачраган Ҳирот.

### Мавлоно Лутфий

Мушоира қилмоқда давом,  
Тўрда эди Мавлоно Лутфий.  
Ардашер ҳам сақлар эхтиром,  
Бинойда бор эди ўт феъл.

Қизғин эди асил шоирлар,  
Бирин-кетин ўқидилар байт.  
Шунда эди шеърга моҳирлар  
Дер эдилар: энди, сен айт, айт!

Шеърга тўлди бамисли жаҳон,  
Шеърга тўлди Алишер уйи.  
Ошиқликдан ғазал бағри қон.  
Товланарди арузнинг куйи.

Шеърда эди Оллоҳнинг исми,  
Пайғамбарнинг ҳадислари ҳам.  
Ишқий бўлди кейинги қисми,  
Лутфий деди: – Алишер, бўтам.

Сўзларингни тингладим рости,  
Юрагимда ҳавас уйғонди.

Кўз қувонди, кўнглим ҳам ўсди,  
Кекса қалбим оловдай ёнди.

Шоир болам, келгусинг буюк,  
Биларкансан нима дерингни.  
Олам аро бўлурсен суюк,  
Яна ўқи янги шеърингни!

Алишербек бир оз ийманди,  
Сўнг ўқиди ўтли бир ғазал.  
Дили ёнди, тили куйманди,  
Ҳар бир сатри бетакрор сайқал:

*“Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйла ким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш”.*

Э, тасанно, бўтам, тасанно,  
Ушбу матла айлади дилгир.  
Ана мазмун, ана таманно,  
Ҳар бир юрак йиғласа арзир.

Ўйлаб, қалам тутғонларимни,  
Ҳайф дедиму, лабни тишладим.  
Умрим бўйи битқонларимни  
Шу бир байтга мен бағишладим.

Силаб қўйди камтарин шоир,  
Ёш Алишер манглайин шу тоб.  
Ё бошидан сочди жавохир,  
Ё бошига кўндирди офтоб!

Баҳс ҳам битди, илхоми гўё –  
Ҳар шоирнинг руҳида ғирот,  
Шеърга сингиб, кўриб туш – рўё,  
Тун қўйнида ухлайди Ҳирот.



## Туш

Ярим тун. Алишер мизғиган замон,  
Кўрганмиш ажойиб битта сирли туш:  
Зангор уфқ аро бир кўшки – айвон,  
Ўзин атрофида турфа-турфа куш.

Кушлар гуррас учиб кўнди пештоққа,  
Биров келганидан бердилар дарак:  
Паҳлавон бир йигит сиғмас белбокқа,  
Заминни елкага кўтарса керак.

– Менинг отим Фарҳод, севги гадоси,  
Ишқ аро куйгаймен, вужудим оташ.  
Мухаббат шайдоси, меҳр шайдоси,  
Ошиқ юрагимда ёлғиз у маҳваш.

Тоғни қилгум талқон, саҳроларни боғ,  
Ҳайқирган дарёни жиловлагим бор.  
Лек ишқим занжири бўйнимда сиртмоқ,  
Замона зулмидир бошим узра дор.

Шу замон тўтиқуш деди ҳақкалаб:  
Яна бир кимса бор турадур муштоқ.  
– Мен Мажнун, ошиқ жон, деди ўпкалаб:  
Ишқ ўти ёндирди, куйдим тах-батаҳ.

Алишер ўрнидан дарҳол кўзголда,  
Лек, сўз айтолмади, титроққа тушиб.  
Ширин, Лайли келиб, бошларин солди,  
Алишер пойига ёш тўкди жўшиб.

Фарҳод пайдо бўлди, дод деди Ширин,  
Мажнун нола қилди, Лайли йиқилди.  
Алишер йиғлади пинҳон, яширин,  
Бир жони оғзига келди, тикилди.

Кейин чўчиб тушди, шу он уйгонди,  
Терлаб пишиб кетган аъзои бадан.

Юрак ўчоқ янглиғ ловуллаб ёнди,  
Бу қандай сир бўлди, бу қандайин фан!

Ташқари интилди, кўз уқалар тонг,  
Шабнам шакар сепар, шаббода қувноқ.  
Табиат тилида оппоқ бир оҳанг,  
Ҳали ой ботмаган, юлдузлар порлоқ.

Ёш юрак руҳ олди, куч олди буюк:  
Ёзар дostonларим қалбимда яширин,  
Бўйнимга қўйилди энг залворли юк,  
Оллоҳ қудрати-ла битгум ишқ сирин!

Гўё борлиқ англар бола ҳолатин,  
Унга қулоқ тутар замин ва само.  
Алишер айтмоқ-чун сўз саловатин,  
Жойнамоз устида бошлади дуо.

### Мулоқот

Ўймакор сўрига тўшалган гилам,  
Дастурхон устида хил-хил ноз-неъмат.  
Яна Фиёсиддин чол билан бақам  
Сўзлашур, маъноси – меҳр ва шафқат.

Ватан бўлак-бўлак, миллат фаромуш,  
Пойтахт Самарқандда қолмади шуқуш.  
Ҳиротни чарчатди бемаслак уруш,  
Қайдан пайдо бўлди бу очкўз гуруш?

Муҳаммад Жаҳонгир, Умаршайх Мирзо,  
Мироншоҳ ҳам Шоҳруҳ мунча талабгор?  
Бари шаҳзодалар ичинда низо,  
Бари маликалар сақлар сир-асрор...

Кичкина Баҳодир хаёлин тўплаб,  
Хизматкор бобога аёвчан боқди.

Чол эса чойини яна бир хўплаб,  
Кечмиш уммонида ғаввосдай оқди:

“Улуғ Темур эди жасур саркарда,  
Мисли йўқ зўр Ҳокон, зўр Амир эди.  
Ватан яшар эди ёлғиз шу ерда,  
Миллатға тош илдиз, тоштомир эди.

Алардин Улуғбек зўр олим эрур,  
Очди фалакиёт, кўк тилсимотин.  
Эл билур, ким олим, ким золим эрур,  
Не билан тўлдирур улус бисотин.

Ким илму фан билан халқни қилур шод,  
Ақл чироғини айлайди равшан.  
Қайси бир подшодан қолур юртга дод,  
Қон билан ювилмас моғорланган шаён!”

– Айтгандай, ҳокимлик бўлсин муборак,  
Энди, илкинғизда шонли Сабзавор!  
– Сизга қандай маълум бўлди бу дарак,  
Бу гапдан бўлибсиз сиз ҳам хабардор?

Отам-ей, тўғри гап, олдим ваколат,  
Ҳокимлик заҳмати елкамга тушди.  
Ўрната олсайдим унда адолат,  
Бошимга тегмаса хиёнат мушти?

– Сиз, ахир жигарим, анойи эмас,  
Барлос бекларидан бўлган Баҳодир.  
Сизни улғайтирган даргоҳ муқаддас,  
Амир ул Умаро, пирингиз нодир!

Дарвоза чертилди, келди хушхабар:  
Саройга чорлабди жаноб подишоҳ!  
Кичкина Баҳодир сўзлаб мухтасар,  
Уйдан чиқиб кетди шошилиб шу чок.

## Сабзавор

Сарбадорлар юрти Сабзавор,  
Қиличда қон ялаган шаҳар.  
Бошидан ҳеч аримаган қор,  
Шаҳзодалар талаган шаҳар.

Янги ҳоким бўлармиш эрта,  
Номи эмиш Кичик Баҳодир.  
Халқ гамини бўйнига орта,  
Қилар эмиш янгилик содир.

Ҳоким келди. Ишлар бошланди.  
Арик чопиш, дов-дарахт экиш.  
Чолдеворлар олиб ташланди,  
Ҳали тамом бўлмасидан қиш.

Кўчаларни юради кезиб,  
Ҳар маҳалла чиқади пешвоз.  
Қариялар ҳокимни сезиб,  
Ташрифни қилурлар эъзоз.

Наврўз келди тўлиб шодликка,  
Кўшиқ айтур куртаклар лаби.  
Яйлов тўлиб кетди отликқа,  
Ҳар суворий бир шамол каби.

Учиб ўтар улоқни тортиб,  
Қийқириқдан ларзада майдон.  
Анови ким, ўлжани ортиб,  
Нурдай чопар, титраб кетур жон.

Мажнунтолнинг сўли остида,  
Мушоира этади давом.  
Алишернинг лаби устида –  
Майин кулги кўпни қилур ром.

Шеър ўқийди Авҳад Мустафий,  
Яхё Себак, Дарвиш Мансур ҳам.  
Хожа Махмуд, мавлоно Номий –  
Аруз айтиб очилди бирам!

Гал ҳам етди Алишербекка,  
Шеър бошлади тўлиб-тошикиб.  
Қанча одам тинглайди тикка,  
Улус окиб келур шошикиб.

Ёддан ўкур дона ва дона,  
Сўз қадалур бориб юракка.  
Зўр маънодан дил ёна-ёна,  
Давра тўлиб кетур сапакка.

Алишернинг сўнгги ғазали,  
Гулдуросга айланди бир зум.  
Қалбга кўчиб кўнгил асали  
Шеър забтига эл бўлди маҳкум:

*“Юз жафо қилса манго, бир қатла фарёд айларам,  
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам”.*

Халқ ичидан чикиб битта чол,  
Алишерни ўпди мулойим.  
Элга караб сўзлади хушхол:  
“Ёш шоирни асра, Худойим!

Гиёсиддин Сабзавор элин,  
Эгаллади зўр меҳр билан.  
Ота ўғли Алишербек чин  
Эритворди битта шеър билан”.

Яна қарсак, яна гулдурос –  
Сабзаворга солди бир ларза.  
Қадим шаҳар сарбадорга хос:  
– Тарих, – деди, – мана шу лаҳза!

## Сўз

Бир ой бўлди Алишербек ҳам  
Сабзаворга қилмиш азимат.  
Ахир она азиз, мукаррам,  
Ота эса ҳар нсдан қиммат.

Уни қўмсаб қолдими Ҳирот,  
Гўё шаҳар паришон, ғариб.  
Ҳар бир шеъри тилдан-тилга ёд,  
Куз ҳам келди боғлар сарғайиб.

Пешин чоғи бошланди суҳбат,  
Шеър ва ижод, тарих, тазкира.  
Шеър ўқилур навбатма-навбат,  
Очиладур кўп янги қирра.

### Жомий:

– Алишербек дунёси тоза,  
Ранго-рангдир унда табиат.  
Унда яшар идрок чин роса,  
Илҳом эса олий ҳамият.

### Лутфий:

– Унинг ишқи худди аланга,  
Қаламидан тўкиладур чўғ.  
Сўзи ором беради танга,  
Мисралари ўйноқи ва шўх.

### Мирхонд:

– Шоир бўлур тарих кўзгуси,  
Авлодларга буюк остона.  
Алишернинг орзу, эзгуси:  
Мангу бўлса ҳақгўй замона!

### **Бинойй:**

– Ҳали эрта, сўз айтмоқ қийин,  
Пишиқ бўлсин қофия, туроқ,  
Алишерни англаймиз кейин,  
Ҳожатмикан, башорат қилмоқ?

### **Ҳусайн Бойқаро:**

– Ҳақ олдида айтинг Бинойй  
Оллоҳ турсин ўртада мудом.  
Сиз ҳам шоир эмас анойи,  
Алишерга айланг эҳтиром.

### **Ардашер:**

– Алишерда юрак улуғвор,  
Жисми тўла туйғу, эҳтирос.  
Ақл бермиш унга Биру Бор,  
Шеърда айтқон ҳар бир сўзи рост.

### **Давлатшоҳ Самарқандий:**

– Замон кечар, давронлар кечар,  
Шеър қалъасин куриб битар у.  
Шеър деган бир жумбокни ечар,  
Шеърятни айлайди мангу.

### **Ҳусайн Бойқаро:**

– Алишербек ҳар битта сатри,  
Дилимга нақш, қайтмас манзара.  
Оҳангида гулларнинг атри,  
Моний билған ранглардан сара.

### **Жомий:**

– Алишер ёш, асрамоқ керак,  
Унга лозим меҳру муҳаббат.  
Кўзи куйсин, кўр бўлсин, демак,  
Ҳасад, рашку ғараз бешафқат.

### Лутфий:

– Ардашер, сиз шоир дўстингиз,  
Шеърларидан ўқингиз ёддан.  
Болалиқдан бирга ўсдингиз,  
Бахрамандсиз тенгсиз ижоддан.

### Ардашер:

– Рухсат беринг, азиз устодлар,  
Мен ўқиймен уни минг қатла.  
Аччиқ додлар, аччиқ фарёдлар,  
Кўтарадур ҳар битта матла:

*“Фурқатингдан заъфарон узра тўқармен лолалар.  
Лолалар эрмаски, бағримдан эрур парголалар”.*

Яна хотир бирдан кўзғолди,  
Қанча ғазал кўринди кўзга.  
Юрагимда аланга олди,  
Кўчиб чикди тилимдан сўзга:

*“Ул паривашким, бўлибмен зору саргардон анго,  
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анго”.*

Ёдимда бор бу икки сатри,  
Унда мавжуд ишқ муаммоси,  
Ҳаёт тарзи, одамзод қадри,  
Шу-да, ахир сўзнинг тиллоси:

*“Ғадо ёки нон аз дари шоҳ жууст  
Бибояд зи оби худаш даст шуст”<sup>1</sup>.*

Мажлис бўлди малоҳатга бой,  
Кейин куёш ёнбошлаб ётди.  
Кўкда пайдо бўлди янги ой,  
Бутун борлиқ ёғдуга ботди.

---

<sup>1</sup> Подшоҳ эшигидан нон излаган тиланчи ўз суви билан қўлини ювиб, қўлтиғига урмоғи керак.



## Қақнус

Қақнус куй бошлади сахар чоғида.  
Ҳаёт ишқи қайнаб кўнгил боғида.  
Жами кушлар келди ҳасрат доғида,  
Жониворлар келди ўз аёғида...  
Бу қандай ҳолат эй, бу қай синоат?  
Оҳангга ғарқ бўлди еру самоват!

Қақнус тумшуғида минг битта парда,  
Минг бир овоз берур, минг битта дардда.  
Бардош тамом бўлди, минг бир тайрда.  
Кўз ёшлар куюлди, жонлар озурда.  
Бу қандай ҳолат эй, бу қай синоат?  
Оҳангга ғарқ бўлди еру самоват!

Қақнус оҳангидан чиқди аланга,  
Ўзи ҳам айланди машъала рангга.  
Чўғлардан ўт тушди ҳар битта танга,  
Бир-бир ёниб кетди кушлар оҳангга.  
Бу қандай ҳолат эй, бу қай синоат?  
Оҳангга ғарқ бўлди еру самоват!

Қақнус тақдироти охир шул бўлди:  
Аввало чўғланди, қизил гул бўлди.  
Кейин яллиғланди, бир шамс – ул бўлди,  
Сўнгра куйиб кетди, куйиб, кул бўлди.  
Бу қандай ҳолат эй, бу қай синоат?  
Оҳангга ғарқ бўлди еру самоват!

Қақнус ёниб кетди, кул қолди, холос,  
Кулдан пайдо бўлмиш бир жўжа бехос,  
Сайроқи палапон ул Қақнусга хос,  
Алишерга Аттор бўлгандай устоз!  
Бу қандай ҳолат эй, бу қай синоат?  
Оҳангга ғарқ бўлди еру самоват!

Гўё какнус бўлиб Алишер энди –  
Илҳом тулпорига мардона минди.  
Қуёшга интилди, нурга беркинди.  
Оллоҳ амри ила қаламни йўнди.  
Бу қандай ҳолат эй, бу қай синоат?  
Оҳангга ғарк бўлди еру самоват!

### Дарбадарликда

Ота ўлди, она ҳам ўлди,  
Етим бўлиб қолди Алишер.  
Душманлари устидан кулди,  
Фақат вафо қилди Ардашер.

Ҳирот аро Алишер ёлғиз,  
Кезиб юрар кўнгли паришон.  
Ардашер гоҳ чиқиб изма-из,  
Дейди: “Дўстим ўзингга ишон!”

Ўйга толди Инжил<sup>1</sup> бўйида,  
Гозургоҳ<sup>2</sup>да ўлтирди узоқ.  
Бир оғир тош бордай бўйнида,  
Хаёллари паришон, чарчоқ.

Астробод томон жўнади,  
Йўл таноби қийнайди жонни.  
Юрган сари йўли унади,  
Гўё кезиб чуқур жаҳонни!

Сўнгра кетар Самарқанд сари,  
Биёбон чўл унга бир қадам.  
Аччиқ шамол эсар сар-сари,  
Йўлда ҳамроҳ жуда камдан-кам.

<sup>1</sup> Инжил – дарё.

<sup>2</sup> Гозургоҳ – майдон.

Дашти Мурғоб неча кунлик йўл,  
Кучогида ҳаёт куриydi.  
Гир айлана қовжираган йўл,  
Кечалари йирткич улийди.

Сўнг Хуросон, Журжон кенглиги,  
Мозандарон, Сейистон борди.  
Ҳеч ерда йўқ инсон тенглиги,  
Кўзларига дунё тор эди.

Машҳад сари йўл олди охир,  
Даралардан ўтди тунлари.  
Малол келди кўнглига оғир,  
Марвда ҳам бўлган кунлари.

Яна кайтиб келди Ҳиротга,  
Ҳориб-толиб пойи пиёда.  
Бола экан эски ҳаётга –  
Сингиб кетди баттар, зиёда.

Ҳамма жойда кўрди ҳақсизлик:  
Ҳар қишлоқнинг улуси қашшоқ.  
Ҳар шаҳарда шеърға фарқсизлик,  
Нонга зорлик, қадр хас-хашоқ...

Абулқосим Бобур бир кун,  
Ҳузурига кўққис чорлади.  
Аён бўлгач гапнинг мазмуни,  
Алишербек кўзи порлади:

– Миннатдормен, ҳазрати Шоҳим,  
Фаҳмим борки, қилгум хизматни.  
– Катта эрур менинг даргоҳим,  
Топадурсен қадр кимматни.

Алишернинг дардкаши қалам,  
Мисраларда турмушнинг ранги.

Ҳар бир ғазал юракка малхам,  
Бош ёради ҳақиқат санги:

*“Бошимга шуълаи ҳижрон тутаиқондин эмас огоҳ,  
Висол авжи уза бошига олтун тож қўйган шоҳ”.*

### Дўстлик

Неча йиллар жигар хун,  
Алишер кайтди бу кун.  
Дарбадар юрмоқ нечун?  
Ҳусайн кўп соғинди,  
Алишерга сиғинди.  
Алишерни кўрмакни,  
Ҳар кун суҳбат қурмакни,  
Шеър завқини сурмакни,  
Ҳусайн килмас канда,  
Дўстлик аъло эканда.

Садоқати ёлғонмас,  
Кўнгли сира қолғонмас.  
Гурунг қилиб толғонмас,  
Ҳусайн чин вафодор,  
Алишерда бир сир бор.

Шеър танлаб, шеър айтади,  
Шеър тўкийди, битади.  
Кунлар шундоқ ўтади,  
Ҳусайн илҳоми соз,  
Алишерга жўровоз.

Минган тулпори сопқир,  
Жумбоқ ечмоқда чопқир,  
Шижоаткор ҳам ёвқур,  
Ҳусайн Темурона,  
Алишерга парвона.

Яраклайди киличи,  
Мардликка тўлган ичи,  
Ҳар куни эрта-кечи,  
Ҳусайнда шеър машқи,  
Алишерга зўр ишки.

– Алишербек, бу не ҳол,  
Кундан-кун ёмон аҳвол,  
Юрт тўкилар мажнунтол –  
Ҳусайн кайғуланди,  
Алишер кўп ғамланди.

– Ҳақ сўзлайди дўстгинам,  
Ичимда гапларим жам.  
Оллоҳ қилсайди карам,  
Ҳусайн гар бўлса шоҳ,  
Алишер дўсти огоҳ...

Бу Хуросон сизники,  
Ҳиротижон сизники,  
Сиз айтмоқ-чи бизники,  
Ҳусайнда зўр шиддат,  
Алишерда ҳамият.

– Бир қўлда шамшир ушлаб,  
Бир қўл қалам тарашлаб.  
Сиз билан ёзлаб, қишлаб,  
Ҳусайн шоҳлик кўрса...  
Алишер давр сурса...

– Эҳ шаҳзодам, яшамоқ,  
Тақдир ризқин ошамоқ –  
Ҳар дам кўзга ёш олмоқ,  
Ҳусайн, йўқ равон йўл,  
Алишерни қўллар қўл...

– Ундок деманг, мен бормен,  
Хар юмушга тайёрмен,  
Сизсиз ғариб, афғормен.  
Бу Хусайний деюр лол:  
Алишер Қақнус мисол!

Бугун тонгда ёздим-да,  
Қалб тубини қаздим-да.  
Юрагимни эздим-да,  
Хусайний имзо чекдим,  
Шеър боғиға гул экдим:

*“Бас эмас эрди манга ҳам ўз ўтим, ҳам ёр ўти  
Ким, анга афзун доғи бўлмиш у ана бир зор ўти”.*

Шоир илҳоми чашма,  
Сўз ўйини карашма,  
Дилларни қилди ташна,  
Хусайн тутди шеърни,  
Эъозлаб Алишерни:

*“Бўйла уч ўт бир кўнгулга тушса куймай найлагай,  
Ўйлаким, булбул ўтию, гул ўтию, хор ўти”.*

Сўнгги мисра чўғ экан,  
Йиғлаб турган рух экан,  
Қофияси шўх экан,  
Хусайн секин ўқир,  
Алишер бир дам чўқир:

*“Гар Хусайнийга бир ўтлуқ юз гами ўт солмаса,  
Бас, нечук оламни куйдирди Навоийвор ўти”.*

– Мирзодам, биз айбдор,  
Қўп юриб девонавор,  
Сизни қилдик интизор,  
Хусайн кўзда ёши,  
Алишер эгик боши.

– Энди, бўлурмиз бирга,  
Кетмагайсиз ҳеч ерга,  
Қолғон умрлар шеърга...  
Ҳусайн дилин хушлар,  
Алишер қўлин ушлар!

### Кун ва тун

Кун ва туннинг фарки йўқ,  
Алишер илҳомига.  
Ер айланмас, чархи йўқ,  
Вакт тортолмас домига.

Дур тўкар қўлда қалам,  
Оппоқ қоғоз жимирлар.  
Туйғулар қилур зам-зам,  
Лаҳзалар ҳам имиллар.

Шеър туғилур дам-бадам,  
Байтлари баркамол.  
Сатрлари гул санам,  
Қофиялар ой жамол.

Оқсоч Ҳирот уйқуда,  
Кўҳи Сафид<sup>1</sup> сарбаланд,  
Юлдузлар шўнғир сувда,  
Кўҳи Сиёҳ<sup>2</sup> донишманд.

Ҳерируд<sup>3</sup> тўлғонади,  
Саҳроларга интилиб.  
Гозургоҳ<sup>4</sup> уйғонади,  
Ғазал битганин билиб.

---

<sup>1</sup> Кўҳи Сафид – тоғ.

<sup>2</sup> Кўҳи Сиёҳ – тоғ.

<sup>3</sup> Ҳерируд – дарё.

<sup>4</sup> Гозургоҳ – майдон.

Қоғоз юзида хома<sup>1</sup>  
Оҳиста китирлайди.  
Кўз нури тома-тома,  
Ёш қалбини тирнайди:

*“Сабр озидин азоб, андуҳ кўпидин изтироб,  
Ашкдин сели бало, оҳ ўтидин ҳар дам алам”.*

Ғазал стди сўнгига,  
Янгисини бошлади.  
Иш юришди ўнгига,  
Илҳом уни ҳушлади:

*“Парим бўлса, учиб қочсам улустин то қанотим бор,  
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор”.*

Хўроз яна қичқирди,  
Оқарди тонг пардаси.  
Хонага секин кирди,  
Оппоқ руҳи дадасин:

– Алишер, ухла пича,  
Озгина ором олгин.  
Уйқусиз ўтди кечанг,  
Ўзингни йўлга солгин.

– Бузруквор, куллуғ Сизга,  
Уйқу келмаса, нетай?...  
Ташаккур ҳукмингизга,  
Бир оз шеъримни битай...

Ота руҳи оҳиста,  
Урилди чироғига,  
Алишер аста-аста  
Чиқар ҳиммат тоғига.

Оллоҳ насиб этса гар,  
Шогирд бўлиб мардона,

---

<sup>1</sup> Хома – қалам.



Қосим Анвор қабрига  
Қўяр турбат – ёднома.

Фаридиддин Атторнинг  
Ҳоки кўзга тўтиё.  
Унга курсам мақбара,  
Кўриб турса бу дунё!

Ота-онам мазори,  
Кўзларимда умрбод.  
Зулқарнайдан зиёда  
Вафо қилгум эй, Ҳирот!

Сени шодмон айлагум,  
Кўтараман бошимга.  
Бугун қараб йиғлама,  
Кўзимдаги ёшимга.

Темур руҳи мададкор,  
Ўғил бўлгум миллатга.  
Қалам бирла ўт очай  
Разолатга, иллатга!

Қул хожа Яссавийга  
Муридмен ғойибона.  
Ал-Бухорий ҳадисин  
Айтурмен ошиқона.

Ғиждувоний, Нақшбанд  
Рухиятим қаноти.  
Менга бардош, куч берсун,  
Ал-Фарғоний саботи.

Пешонамда нелар бор  
Тақдирда қанча умр.  
Йиғлаб дунёга келдим,  
Йиғлаб кетгумдир охир!

Қуёш чикди қизориб,  
Шарқда ял-ял аланга.  
Оловланиб шеър ўқур,  
Алишербек оламга.

### Хотима

Ўқувчим, Алишер  
Энди ўн беш ёш.  
Қўлга қалам олсам,  
У бўлди сирдош:

“Кетгум узокларга,  
Илму урфон деб,  
Бир шеър яратайки,  
Элга бўлсун зеб!”

Тонгда йўлга чикди,  
Қолдим бахт тилаб.  
Ҳажрида тин олдим,  
Лабларим титраб.

Ҳа, ҳали олдинда  
Олис йўллар бор.  
Уни қўлламоққа,  
Буюк қўллар бор.

Мен эса озод, хур  
Ватаним бўйлаб,  
Истиклол шиддатин  
Оламга сўйлаб –

Беш юзу олтмиш йил  
Мозийга қайтдим.  
Мангулик қаъридан  
Сўзин эшитдим:

*“Эврулуб шамъ ўтига парвонавор,  
Ўзни ташла шуълага девонавор”.*

Авлодга деганим:  
Алишер ибрат.  
Унда бор жасорат,  
Чексиз куч, кудрат.

Темур салтанати  
Кашф этган шоир.  
У шундоқ яшади,  
Қалби жавохир.

У шундоқ англади,  
Ерни, осмонни.  
Бу ёруғ жаҳонни,  
Зоти инсонни!

У шундай яшади,  
Ҳақни ёр, деди.  
Севгим ҳам севгилим –  
Шу диёр, деди.

Фарҳоду Мажнунни  
Ўғлоним, деди.  
Лайлию Ширинни  
Жононим, деди.

Олтмиш йил яшади,  
Зўр армон билан.  
Афсус ва надомат,  
Дўст-душман билан.

Бенаволиғ ичра  
Навосиз бўлди.  
Олам булбуллари  
Жўр овоз бўлди.

Ва икки ном билан  
Бўлди Жахоний:  
Туркийда Навоий,  
Форсийда Фоний.

Севимли ўқувчим,  
Қиссам шул, тамом.  
Имзо чекай энди:  
Мен, Тўлан Низом.



---



Ойдин Ҳожиева

## БАҒИШЛОВ

(“Нажот” достонидан парча)

*“Навосиз улуснинг навобаҳиши бўл!”*

Алишер Навоий

Наврўз сайли. Тошкентнинг Бош майдонига шаҳарнинг беклари кириб келадилар. Улар зарбофт чопонда, манглайда беклик жиғаси порлар. Учқур отларнинг бахмал ёпқичлари товланар. Кумуш аслаҳалар кун тиғида шуъла берар. Элу юрт шодумон сайлга ошиқар. Мозийнинг олис сўқмоқларидан қадим Туркистоннинг жароҳатли кўксига муборак шамоллар уринар. Тошкентнинг Себзор, Бешоғоч, Кўкча, Самарқанд, Камолон дарвозаларидан гурас-гурас ёшлар қизғалдоқлардай ловуллаб келаберар.

Мавлоно Жомий, ҳазрати Навоий, Фурқат, Муқимий, Фузулий байрам либосларида Ҳизрдай бўлиб, ўзбек элатини қутлагани, Иймон ва Динини бутлагани, юракларни ҳаёт шавқига тўлдиргани майдонда ҳозир бўладилар.

Мен-да томошаталаб болага айланиб, тилим шошиб, илҳом ва сурур дарёси тошиб, болалигим сирли толага айланиб, бу толанинг бир учи гўдаклик боғларига мени етаклаб кетар.

Бу ғанимат дийдорлашув – Ҳазрат Навоий ва туркийзабон улуснинг пешонасига нур тушган лаҳзалар пири комил устозга айтиб турганларим ушбудир:

Ассалому алайкум, устоз,  
Йўлингизга эл чикди пешвоз.

Мехру нажот истаб келдило,  
Бир йўл қанот истаб келдило.  
Қуриб битган Рух дарёсига  
Баҳрул ҳаёт истаб келдило.  
Ширин ила Фарҳодлар келур,  
Не миннатдор авлодлар келур.  
Чиқур гўзал каниз Дилором,  
Чиқур шуҳрат сайёди Баҳром.  
Етти ёшдан етмиш ёшгача  
Муборакбод этгали келур.  
Бугун Сизни сийлаб бошқача,  
Ўзлигин ёд этгали келур.  
Шоху гадо келур сигиниб,  
Бир мўъжиза зиёратдир бул.  
Хешу дарвеш келур йиғилиб,  
Бир байрами қиёматдир бул.  
Ернинг юзи одам тумонат.  
Куннинг кўзи тўлибдир одам.  
Ёғилмоқда нури ҳидоят,  
Сўнган, тўнган дилларга малҳам.  
Нафаси пок, умри муборак  
Валийларнинг пири, ассалом!  
Туркий элнинг шаъни, таборак –  
Сурасидай шеъри, ассалом!  
Улуғ ҳазрат, дилда гирдибод  
Ўрлаб, оҳлар кўкка чикқан чоқ,  
Жаннат диёр қолиб бенажот,  
Бўлганида бир тутам янтоқ,  
Дарёсини нафси ўпқонлар  
Симирганда бир наҳанг бўлиб,  
Тоғларидан қочиб жайронлар,  
Набототнинг ҳоли танг бўлиб,  
Жаҳл солиб Рухига занжир,  
Ўтмишини унутганда эл,

Ўзгалардан бўлиб домангир,  
Жонидан ғам ўтганида эл,  
Келтирдингиз, эй улуғ Ҳазрат,  
Покланишнинг тоза хавосин,  
Ғафлатга қул, шуури карахт  
Бандаларга малҳам давосин!  
Бир силкиниб кишанин узган  
Баҳодурдек уйғонар Рухим.  
Етти ровий – етти сибизға  
Сўйлагани – дардим, шукуҳим...



## МУНДАРИЖА

<i>Ҳазрат Навоий ва истиқлолга армуғон</i> .....	3
<i>Ғафур Ғулом. Алишер</i> .....	7
Алишер Навоий қабри устида .....	10
Тун била тонг .....	11
<i>Ойбек. Ҳайкал олдида</i> .....	13
<i>Мақсуд Шайхзода. Ўртоқ Навоий</i> .....	14
Фарҳодга хат .....	18
<i>Миртемир. Навоий</i> .....	20
<i>Ибройим Юсупов. Навоийга</i> .....	23
<i>Эркин Воҳидов. Ўзбек Навоийни ўқимамай қўйса</i> .....	24
<i>Абдулла Орипов. Алишер</i> .....	25
Алишернинг онаси .....	26
Навоий кўчаси .....	27
“Абадият билан” .....	27
Жунун манъини манга қиласиз .....	28
<i>Жамол Камол. Навойдан қадамжо деб</i> .....	30
Токио шаҳрида Алишер Навоийга ҳайкал қўйилгани хикояти .....	31
<i>Муҳаммад Али. Сарви гулрў келмади</i> .....	34
<i>Омон Матжон. Аввалгиларга ўхшамас</i> .....	36
<i>Анвар Обиджон. Метро сайли</i> .....	38
Кўл етмас орзу .....	38
<i>Хурийд Даврон. Беш аср – беш лаҳза</i> .....	39
<i>Сирожиддин Саййид. Ҳазрат Навоий</i> .....	41
Навоийни ўқиш .....	41
Навоийнинг боғлари .....	43
Навоийнинг набиралари .....	44
Навоийни ўқиб .....	46
Навоий туғилган кун .....	46
<i>Маҳмуд Тоир. Навоий нури</i> .....	47



<i>Иқбол Мирзо. Навоий ва Давлатшоҳ Самарқандий</i> .....	48
<i>Жуманиёз Жабборов. Навоий дунёси</i> .....	53
<i>Матназар Абдулҳаким. Навоийни ўқиб</i> .....	54
<i>Муҳаммад Раҳмон. “Муножот”ни тинглаганда</i> .....	55
<i>Тахтиқорача довони</i> .....	56
<i>Азим Суюн. Навоийдан топдим</i> .....	57
<i>Эркин Самандар. Навоийнинг Самарқанддаги башорати</i> .....	58
<i>Турсунбой Адашбоев. Навоий бобомлар</i> .....	59
<i>Саъдулла Ҳаким. Мир Алишер гулшани (Туркум)</i> .....	60
<i>Миразиз Аъзам. Ёш Алишер Абдурахмон Жомий хузурида</i> .....	63
<i>Навоий менинг назаримда</i> .....	64
<i>Абдулла Шер. Навоий соғинчи (Туркум)</i> .....	67
<i>Ўткир Раҳмат. Ҳайрат сатрлари</i> .....	72
<i>Она тилим</i> .....	74
<i>Тошпўлат Аҳмад. Ҳазрат Навоийни севингиз жондан</i> ..	75
<i>Навоийни билмоқ учун</i> .....	76
<i>Ҳабиб Саъдулла. Навоий</i> .....	77
<i>Ошиқ Эркин. Навоийнинг онаси</i> .....	79
<i>Шарифа Салимова. Ҳазрат Навоийдан сўранг</i> .....	81
<i>Икром Отамурод. Ул зот</i> .....	83
<i>Мирпўлат Мирзо. Алишер Навоий</i> .....	85
<i>Абдусaid Кўчимов. Ҳазрат</i> .....	86
<i>Эшқобил Шукур. Миллат виждони</i> .....	88
<i>Ҳол Муҳаммад Ҳасан. Қоши ёсинму дейин</i> .....	89
<i>Ваҳки, умрум</i> .....	90
<i>Кўргали хуснингни</i> .....	92
<i>Минҳожиддин Мирзо. Навоий хазинаси</i> .....	94
<i>Видолашув</i> .....	95
<i>Муҳиддин Омон. Алданмасун</i> .....	96
<i>Етмаганлардан сўранг</i> .....	96
<i>Самандар Воҳидов. Навоийшунос эл</i> .....	98
<i>Комил Аваз. Хитоб айлаб</i> .....	100
<i>Қамбар Ота. Улуғлик тимсоли</i> .....	102
<i>Болта Ёриев. Чамандин эсди шамол</i> .....	104

<i>Олқор Дамин. Наво келур</i> .....	106
<i>Хўтан гулзоридир бу</i> .....	107
<i>Шукур Қурбон. Навоийни англаш</i> .....	108
<i>Энахон Сиддиқова. Навоий</i> .....	110
<i>Турсун Али. Навоийнинг марғилонлик мухлислари</i> .....	112
<i>Ғулом Фатҳиддин. Алишер Навоий</i> .....	114
<i>Носир Муҳаммад. Ғазаллар</i> .....	115
<i>Қитъалар</i> .....	117
<i>Ўроз Ҳайдар. Навоий</i> .....	119
<i>Ойгул Суюндиқова. Навоий ҳайкали қошида</i> .....	120
<i>Икром Искандар. Мумтоз оҳангларда</i> .....	121
<i>Олимжон Холдор. Айласа</i> .....	128
<i>Бўлмиш</i> .....	130
<i>Вафо</i> .....	131
<i>Эрмамат Нурматов. Наволар бошима</i> .....	132
<i>Ғулом Шомурод. Гулу райҳон иси</i> .....	134
<i>Куяр парвонадек жоним</i> .....	135
<i>Мунаввара Тиллабоева. Согиндим</i> .....	137
<i>Ҳабибулло Саид Ғани. Ашрақат мин акси шамсил</i> .....	138
<i>Оразинг муштокидур</i> .....	139
<i>Агар ишк айлади</i> .....	141
<i>Исмоил Маҳмуд Марғилоний. Насли одам</i> .....	143
<i>Айлабон</i> .....	144
<i>Бўлмангиз</i> .....	145
<i>Қилдило</i> .....	147
<i>Кенесбой Каримов. Ҳазрат Навоий</i> .....	149
<i>Ғулистон Матёқубова. Навоий бобонинг меҳри</i> <i>кўллайди</i> .....	151
<i>Абилқосим Ўтепбергенов. Навоийга</i> .....	153
<i>Отабек Исмоилов. Бўлғайму эди</i> .....	156
<i>Муножотхон Нурматова. Келдиму</i> .....	158
<i>Чоршамъ. Наволар айласа кимки</i> .....	160
<i>Бир лаҳза</i> .....	161
<i>Баҳриддин Садриддинов. Навоий шаҳри</i> .....	163
<i>Ойбекнинг ҳовлисида</i> .....	164
<i>Ашурали Боймурод. Керак</i> .....	165

<i>Замира Рўзиева. Ҳазрат Навоийни</i>	
англаш ( <i>Туркумдан</i> ) .....	166
<i>Исроил Субҳоний. Навоийни англаш</i> .....	168
<i>Туроб Ниёз. Бетимсол шоир</i> .....	169
<i>Вафойй. Ўртадинг</i> .....	170
<i>Абдунаби Ҳамро. Ҳазрат Навоий эрур</i> .....	172
<i>Илтижо</i> .....	173
<i>Ахтамқули. Наво излаб</i> .....	174
“Минг йил куйиб...” .....	175
<i>Ҳумоюн. Алишер Навоийни ўқиб</i> .....	176
<i>Адабиёт музейида</i> .....	177
<i>Жамолиддин Муслим. Мутолаа</i> .....	178
<i>Ориф Ҳожии. Кўнгилни ёритган нур</i> .....	180
<i>Шоирларнинг султони</i> .....	181
<i>Гулбаҳор Саид Фаии. Неча кўнглум</i> .....	183
<i>Субх эрур</i> .....	185
<i>Даврон Ражаб. Навоийни англаш</i> .....	187
<i>Ҳабиб Абдуназар. Ишк</i> .....	188
<i>Сахро</i> .....	189
<i>Мунаввара Курбонбоева. Шеърят мулки</i> .....	191
<i>Шодмон Сулаймон. Навоий ва Бобур</i> .....	193
<i>Икром</i> .....	194
<i>Ғайрат Мажид. Навоий ҳайкали пойида ёзилган</i>	
<i>шеър</i> .....	195
<i>Навойдан топдим</i> .....	196
<i>Навоийнинг излари бордай</i> .....	197
<i>Нодир Жонузоқ. Навоий</i> .....	199
<i>Шодмонқул Салом. Навоий</i> .....	202
<i>Нарғиза Асадова. Навоий ҳайкали пойида</i> .....	204
<i>Жўрабек Жаҳон. Абадият</i> .....	205
<i>Мансур Жумаев. Тонг</i> .....	206

### Достонлар

<i>Ойбек. Гули ва Навоий</i> .....	207
<i>Тулан Низом. Алишер</i> .....	238
<i>Ойдин Ҳоҷиева. Бағишлов</i> .....	300

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

## ҲАЗРАТ НАВОЙИГА ЭҲТИРОМ

Шеърлар, дostonлар, мухаммаслар

Мухаррир *Ойдиннисо*  
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*  
Техник муҳаррир *Екатерина Корягина*  
Мусахҳих *Фотима Ортиқова*  
Саҳифаловчи *Ҳилола Шарипова*

Нашр. лиц. АІ № 154. 14.08.09.  
2016 йил 5 октябрда босишга рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$  Times New Roman гарнитураси.  
Офсет босма 16,17 шартли босма табок 12,2 нашр табағи.  
Адади 1000 нусха. 702 рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz) e-mail: [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)



ISBN 978-9943-03-937-7



9 789943 039377